

№ 2  
2019 йил

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ISSN: 2181-9416

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



# “ТОШКЕНТ ҲУҚУҚ БАҲОРИ ХАЛҚАРО ЮРИДИК Ф

(2019 йил 25-27 апрель)



*Ўзбекистон тарихида биринчи бор ўтказилган халқаро юридик форумда дунёнинг 40 га яқин давлатидан 250 дан ортиқ нуфузли экспертлар иштирок этишди.*

*Хусусан, АҚШ, Англия, Австрия, Австралия, Озарбайжон, Буюк Британия, Германия, Ирландия, Италия, Франция, Нидерландия, Швейцария, Польша, Канада, Молдова, Беларусь, Украина, Мальта, Латвия, Литва, Россия, Грузия, Саудия Арабистони, БАА, Хитой, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Ҳиндистон, Малайзия, Туркия, Шри-Ланка, Қозоғистон, Афғонистондан келган ҳуқуқшунослар форум юксак савияда ташкил этилганини эътироф этишди.*

*Анжуманда Корея Республикаси, Сингапур, Россия, Афғонистон, Беларусь, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Шри-Ланка давлатларининг адлия вазирликлари ва қонунчилик тизими, дунёнинг етакчи арбитраж марказлари раҳбарияти маърузалар билан чиқиб, юридик соҳада тўпланган илғор тажриба ҳақида тўхталиб ўтишди.*

# I – “TASHKENT LAW SPRING” ФОРУМДАН РЕПОРТАЖ

## Фред ХЮСТОН,

Ҳуқуқий ривожланиш халқаро ташкилоти (ҲРХТ)нинг  
Марказий Осиё бўйича минтақавий директори:

– Ушбу йирик анжуманда иштирок этаётганимдан жуда мамнунман. Сабаби, форумдаги маърузаларни тинглаб, юридик хизмат кўрсатиш соҳасида бир қанча мамлакатларда орттирилган тажриба билан яқиндан танишдим.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган янги ҳуқуқий сиёсат билан яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлди.

Битта масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, юридик ёрдам ортида инсон тақдири ётар экан, у жудаям сифатли бўлиши шарт.

## Киран ГОР,

Америка юристлари асоциацияси аъзоси, Ж. Вашингтон  
номидаги университет (АҚШ) профессори:

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини Руслан Давлетов форумдаги маърузасида “Биз форум иштирокчиларидан янги фикр, ғоя ва танқидга очикмиз”, деди у ўз маърузасида. Бу ростдан менда ижобий таассурот қолдирди. Сабаби, ҳар доим ҳам давлат амалдорлари ва мансабдор шахслари танқидга ижобий ёндашавермайди!

Ҳозир Ўзбекистонда ислохотлар жадал бораётгани ва янги ҳуқуқий масалаларга ечимлар ишлаб чиқиш лозимлигини ҳисобга олган ҳолда мансабдор шахслар ва давлат идораларининг танқидга очик бўлиши, танқидни ижобий қабул қилиши ва унинг асосида тегишли ўзгаришларга, янги ислохотларга тайёр бўлиши алоҳида эътирофга лойиқ.

## Кристофер КЕМПБЕЛЛ-ХОЛТ,

Қозоғистон Халқаро арбитраж маркази раҳбари:

Мен форумда ташкил этилган сессиялардан бирида «Инвесторлар инглиз ҳуқуқини афзал кўрадимми?» мавзусида маъруза қилдим.

Инглиз ҳуқуқи бир неча давлатлар ҳуқуқий тизимининг энг яхши томонларини жамлаб, бизнес соҳаси вакиллари учун ўта қулай форматга келган. Эгилувчанлик, шаффофлик, башорат қила олиш, ва энг муҳими, тезлик бу тизимнинг афзал жиҳатларидир. Қонунлар бизнес манфаатлари учун хизмат қилиши лозим, инглиз ҳуқуқи эса айна шу имкониятни беради.

Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг мақсадлари муштарак: сармоядорларни жалб қилиш, халқаро миқёсда бизнесни ривожлантириш. Шу боис Ўзбекистон ҳам шу йўлни танлаши фойдададан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

## Себастьян ЛОУСОН,

Халқаро эксперт:

– Дунёдаги арбитраж марказларининг 40 фоизи айнан инглиз ҳуқуқи асосида иш юрилади ва бу бежизга эмас. У очик тизим, зиддиятларни самарали ҳал этиш имконини беради. Инглиз ҳуқуқини мен «бағрикенг» деб сифатлайман. Чунки унда сотувчи ҳам, харидор ҳам жабр кўрмайди. Ҳар иккисининг манфаатлари инобатга олинади. Бу ҳуқуқ тизимида кўра, шартнома аниқ ва лўнда тузилиши керак, абстракт тушунчалар унинг учун ёт.

Бу тизим ҳаммага бирдек мос тушмаслиги ҳам мумкин. Инглиз ҳуқуқи тажрибасидан фойдаланишда, албатта, маҳаллий хусусиятларни инобатга олиш, уни ҳудуд инжиниринг қилиш талаб этилади. Ўзбекистонда ҳам бу ҳисобга олинаши керак.



# ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ: ФАОЛИЯТ, ТАҲЛИЛ, НАТИЖА

*“Мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда.”*

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат МИРЗИЁЕВ



Сўнги йиллардаги том маънодаги суд-ҳуқуқ ислохотлари ўтказилиши натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш билан боғлиқ кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

Мана шундай ҳуқуқий ислохотлар ўтказилаётган бир пайтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос кадрларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристар малакасини ошириш маркази ҳам фаолиятини бугунги кун талаби нуқтаи-назаридан олиб бормоқда.

Марказ фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги” 531-сон қарори қабул қилинди.

Марказнинг асосий мақсади - Адлия органлари ҳамда адвокатура ходимларини, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъий назар, бошқа ташкилотларнинг юридик хизмати ходимларини (юрисконсультларини) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳисобланади.

### **Марказнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:**

*тингловчиларни қабул қилинаётган янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллашнинг замонавий талаблари ҳамда ушбу соҳадаги халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар тажрибаси билан яқиндан таништириш;*

*ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун республиканинг етакчи таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали олимлари, бошқа ходимлари ва экспертларини жалб этиш, шу жумладан шартнома асосида жалб этиш.*

### **Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:**

*давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг йўналишлари ва замонавий талаблари асосида адлия, юридик хизмат, адвокатура бўйича ҳуқуқшунос ва бошқа кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;*

*бошқа соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича шартнома асосида ўқишлар ташкил этиш;*

*ҳуқуқшунослик соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш;*

*ҳуқуқшунос кадрларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;*

*ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаси-*

*ни ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.*

Марказда Адлия вазирлиги марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, давлат хизматлари агентлиги, давлат нотариал идоралари ходимлари ва адвокатлар, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари (юристконсультлар) малака оширадilar.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сон қарорига мувофиқ, Юристар малакасини ошириш марказига интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларнинг малакасини, шу жумладан пуллик асосда ошириш бўйича қўшимча вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиа-ция тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 31 январдаги 54-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган “Медиа-торларни тайёрлаш дастури”га мувофиқ 2019-2020-ўқув йилидан бошлаб Марказда профессионал медиаторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун 1 ойлик курслар ташкил этилмоқда.

Марказнинг тузилиши.

Марказ директор, директорнинг ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича биринчи ўринбосари ҳамда молия-иқтисод ва ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосарига эга.

### **Марказда:**

*Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси;*

*Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси;  
Давлат ва жамият қурилиши кафедраси;*

*Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси;*

*Қонунчилик техникаси ва коррупцияга қарши экспертиза кафедраси;*

*Ижтимоий фанлар ва психология, юридик этика кафедраси мавжуд.*

### **Марказда:**

*Бухгалтерия;*

*Ахборот-ресурс маркази;*

*Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими;*

*Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва масофадан ўқитишни ташкил этиш бўлими;*

*Ўқув жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш бўлими;*

*Таълим жараёни сифатини услубий таъминлаш, мониторинг қилиш ва баҳолаш бўлими;*

*Халқаро ҳамкорлик бўлими;*

*“Бюджетлар портфели” ва маркетингни шакллантириш бўлими;*

*Таҳририй-нашриёт бўлими;*

Маъмурий-хўжалик бўлими фаолият юритади.

### **Марказда ўқитиш:**

Ўзбекистон Республикасининг соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда Бюджетчилар талабларига мувофиқ Малака ошириш курсларида таълим олиш муддати 2 ҳафтагача, қайта тайёрлаш курсларида 3 ойгача давом этади.

Марказда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари асосида ташкил этилган.

Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган Намунавий ўқув дастурлари ва ишчи ўқув дастурларига асосан амалга оширилади. Ўқув дастурларини ишлаб чиқишда давр талабларидан келиб чиқиб юридик кадрлар олдида турган вазифалар, ҳуқуқшунослик фани ва амалиётининг энг сўнгги ютуқлари инobatга олинади.

Ўқув дастурларига юридик фанлар ва мутахассислик мавзулари билан бирга, тингловчиларнинг раҳбарлик ва вақтни самарали ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашишга қаратилган “Вақтни идора этиш ва иш жараёнини самарали таш-

кил қилиш”, “Низоли вазиятларни ҳал этиш”, “Фуқаролар ва процесс иштирокчилари билан мулоқотда бўлиш кўникмалари”, “Бошқарув кўникмаларини ўстириш”, “Иш жойида стрессни идора эта билиш”, “Нотиклик маданияти”, “Юридик нутқ маданияти” каби мавзуларда машғулотлар киритилган.

Ўқув юкламасининг қарийб 60 фоизи амалий машғулотларга, 40 фоизи эса тингловчиларни ўтказилаётган ислохотлар билан, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан таништиришга бағишланади.

Марказнинг илмий салоҳияти 74 фозини ташкил этади.

Марказга ҳар йили машғулотлар олиб боришга мамлакатимизнинг етакчи олимлари ва мутахассисларини, шунингдек, парламент аъзолари, Адлия вазирлиги, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Республика суд экспертизаси маркази, Адвокатлар палатаси ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг тажрибали амалиётчи ходимларини жалб этилмоқда.

1997-2019 йилларда Марказда 30 мингдан ортиқ тингловчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитилган. 2000 йилларда ҳар бир ўқув йилида ўртача 600 нафардан 800 нафаргача тингловчи малака оширган бўлса, 2017/2018 ҳамда 2018/2019 ўқув илларида бу кўрсаткич йилига 3000 нафар тингловчини ташкил этмоқда.

Марказнинг 8000 дан ортиқ китоб фондига эга Ахборот-ресурс маркази мавжуд, у электрон ахборот тармоғига уланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ҳамда юридик адабиётларнинг электрон вариантларидан, шунингдек, Lex.uz, Norma, Yurida каби ҳуқуқий ахборот тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Марказнинг халқаро ҳамкорлиги.

Марказда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида яхши халқаро ҳамкорлик

йўлга қўйилган. Марказ БМТнинг Тараққиёт дастури, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакиллиги, ЮНИСЕФ, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори, “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения), АҚШнинг USAID, ГТЦ (ГФР), Ф.Эбберт номидаги (ГФР) фондлари каби Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб турган халқаро ва хорижий ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Халқаро ҳамкорлар кўмагида ҳар йили Марказнинг профессор-ўқитувчилари учун семинарлар, қисқа муддатли ўқув курслари (“ёзги мактаб”) ташкил этилади.

Марказ АҚШ, Хитой, Германия, Франция, Венгрия, Словакия, Швеция, Польша, Испания, Португалия, Руминия ва бошқа давлатлардаги турдош ўқув муассасалари билан икки томонлама алоқаларни йўлга қўйган.

#### **Ноширлик фаолияти.**

Марказнинг профессор-ўқитувчилар таркиби, шунингдек ходимлари юридик масалалар бўйича ўқувчилар кенг оммасига мўлжаллаб махсус адабиётлар тайёрлаш юзасидан фаол иш олиб бормоқдалар. Марказнинг Нашриёт бўлими халқаро ҳамкорлар кўмагида ўқув ва амалий қўлланмаларни, материаллар ва норматив ҳужжатлар тўпламларини, монографияларни, маъруза матнлари ва бошқа илмий адабиётларни оммавий нусхада чоп этмоқда. Кейинги уч йилнинг ўзида Марказ томонидан “Инсон ҳуқуқлари”, “Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари”, “Инсон ҳуқуқлари таълимига оид БМТ ҳужжатлари”, “Адвокатлик фаолиятининг халқаро стандартлари”, “Судебная система и подготовка судей в зарубежных странах”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”, “Инте-



лектуал мулк ҳуқуқини химоя қилишнинг долзарб масалалари”, “Формирование международной и национальных систем противодействия коррупции”, “Становление морально-этических стандартов государственной службы в зарубежных странах”, “Институционализация ответственности юридических лиц за коррупционные преступления в постсоветских странах”, “Международные стандарты привлечения юридических лиц к ответственности за совершение коррупционных правонарушений”, “Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилиги”, “Бола ҳуқуқларини таъминлашда фарзандликка олиш институти”, “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқи махсус қисм чизмалар альбоми”, “Юридик шахсларнинг коррупцион ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлигини тартибга солувчи халқаро стандартлар тизими”, “Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномалар тўплами”, “Иқтисодий ишлар бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари”, “Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари”, “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий ислохотларнинг асосий жиҳатлари”, “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”, “Жиноят қонунчилиги нормаларини қўллашга оид масалалар тўплами”, “Практикум по гражданскому процессу” ва бошқа ўнлаб китоблар чиқарилди.

# “МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ” ТУШУНЧАСИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАР ТАҲЛИЛИ

**Жўрабек РАСУЛОВ,**  
Жаҳон иқтисодиёти  
ва дипломатия  
университети  
мустақил изланувчиси

***Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 40 миллионга яқин киши қулликнинг турли кўринишларидан жабр чекмоқда. Кишилар таҳдид қилиш, зўравонлик, алдов ва ҳокимиятни суистеъмол қилиш каби усуллар билан мажбурий меҳнатга жалб қилинмоқда<sup>1</sup>.***

Мажбурий меҳнат, қулликнинг замонавий шакллари ва одам савдоси – жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ва алоҳида эътиборда бўлган муаммолар ҳисобланади.

1930 йилда мажбурий меҳнат тўғрисидаги ўзининг биринчи ҳужжати – “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция”ни қабул қилган ХМТ Бош Конференцияси аъзо-давлатларни қисқа муддатларда мажбурий меҳнат қўлланилишини олдини олиш ва бундай жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича зарур чораларни кўришга чақирган. Шунга қарамасдан, 90 йилга яқин вақт ўтган ва Конвенция деярли барча аъзо-давлатлар томонидан ратификация қилинган бўлсада, мажбурий меҳнатни қўллаш амалиёти янгича кўриниш ва

шаклларда намоён бўлиб келмоқда.

Табиийки, мажбурий меҳнатни таъқиқлашни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари фақатгина миллий қонунчилик билан чекланиб қолмайди. Бу борада халқаро ҳуқуқ манбалари бўлмиш халқаро шартномалар, халқаро одат нормалари, халқаро судларнинг қарорлари, доктриналар ва бошқаларнинг аҳамияти ва ўрни айниқса муҳимдир.

Мажбурий меҳнат жиноят сифатида жазога тортилиши шарт. Бугунги кунда мазкур ҳолат инсоният томонидан умумтан олинган факт ҳисобланади. ХМТ аъзо-давлатларининг аксарият кўпчилиги мажбурий меҳнатга оид иккита конвенцияни ҳам ратификация қилишган. Одатда миллий қонунчилик ҳужжатларида, хусусан, жиноят ҳуқуқи-га, меҳнат ҳуқуқи-га оид нормаларда мажбурий меҳнат, шунингдек, қуллик амалиёти ва шунга ўхшаш бошқа амалиётлар қатъият таъқиқланади, мажбурий меҳнатнинг қўлланилиши ҳолатларига нисбатан санкциялар белгиланган.

Шу билан бирга, ХМТ Бош директорининг 2005 йилда бўлиб ўтган 93-сессиясида “Глобал альянс мажбурий меҳнатга қарши” мавзусида қилган маърузасида таъкидлашча, деярли барча давлатларда икки хил муаммо умумий кўринишга эга. Биринчидан, баъзи бир истисноларни инобатга олмаганда “мажбурий меҳнат” тушунчасига аниқ таъриф мавжуд эмас, бу эса ўз навбатида, мазкур ҳолатларни аниқлаш ва жиноятчиларни жазолаш бўйича ҳуқуқни





муҳофаза қилувчи органларнинг вазифасини қийинлаштиради. Иккинчидан, юқоридаги ҳолатнинг натижаси ўлароқ, қайси бир давлатни олмайлик, мажбурий меҳнатни қўллаётган шахсларни жазога тортиш ҳолатлари жуда ҳам камчиликни ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, бундай шафқатсиз доира илдиз отиб бормоқда: аниқ қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги, суд таъқибини амалга ошириш учун ресурсларнинг етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги, муаммога етарлича баҳо берилмаслик ва тарғибот-тушунтириш фаолиятининг чекланганлиги, ва шу сабабли қатъий ва тушунарли қонунчиликни қабул қилишга эришишга интилишнинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар .

Хўш, мазкур масалада миллий қонунчилигимизнинг халқаро-ҳуқуқий стандарларга мувофиқлигига, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг ҳуқуқ тизимимизга имплементация қилинганлик даражасига қандай баҳо бериш мумкин?

2019 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси томонидан ХМТнинг 17 та конвенцияси, жумладан, 8 та асосий конвенцияси, шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга доир конвенцияси ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатлардан - Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция, Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-Конвенция, шунингдек, Ўз-

бекистон томонидан 2019 йил 25 июнда ратификация қилинган Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенцияга Баённома бевосита мажбурий меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Халқаро меҳнат конференциясининг 103-сессиясида Ўзбекистон делегацияси раҳбари сифатида иштирок этган Т.Нарбаеванинг бу борадаги маърузаси масаланинг Ўзбекистон учун қанчалик долзарблигини кўрсатмоқда. “Тан олиш керакки, конвенцияларни ратификация қилиш – бу муаммо ҳал қилинганлигини билдирмайди. Конвенцияларнинг ратификацияси – муаммони 50 фоизга ҳал қилишдир, қолгани эса – халқаро меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳисобланади, бу биринчидан. Иккинчидан, ва энг муҳими – ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда аҳолининг, айниқса, фермерлар ва иш берувчиларнинг фикрлашини ўзгартириш лозим.”

Миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг таҳлили “мажбурий меҳнат” тушунчасини талқин қилиш ва қўллашда сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро

пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кишининг эркини чеклаган ҳолда бирор бир фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш таъқиқланиши мазмунидаги нормалар ўз аксини топган. Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддаси, 3-бандида “Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим”лиги белгиланган норма келтирилган, шунингдек, “мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат” атамаси сифатида баҳоланмайдиган ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган.

Аммо, юқорида келтириб ўтилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “мажбурий меҳнат” тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаган. Бундай таъриф дастлаб ХМТ томонидан 1930 йилда қабул қилинган “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция”нинг (кейинги ўринларда –

29-Конвенция) 2-моддасида берилган ва кейинчалик бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатларида мазкур Конвенцияда қабул қилинган таъриф асос қилиб олинган. Мазкур Конвенциянинг ўзбек тилидаги таржимасида “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамасидан фойдаланилган. Демак, 29-Конвенциянинг 2-модда, 1-бандида мувофиқ, “Ушбу Конвенция мақсадлари учун “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамаси ихти-

ёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади”. Мазкур таъриф иккита муҳим элементни ўз ичига олади: иш ёки хизмат жазолаш таҳдиди остида бажарилади ва кишининг ихтиёрига зид равишда амалга оширилади. Бу ўринда, жазолаш нафақат бирон-бир санкция шаклида, балки инсонни ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиш шаклида ҳам намоён бўлишига эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, жазолаш билан таҳдид қилиш кўп сонли ва турли туман шаклларда намоён бўлиши мумкин. Хусусан, жисмоний тазйиқ ўтказиш ёки эркини чегаралаш, ҳатто жабрдийдага ёки унинг яқинларига ўлим билан таҳдид қилиш кабилар мажбурлаб ишлатишнинг энг кескин кўринишлари бўлиши мумкин. Шунингдек, мамлакатда ноқонуний мақомда фаолият юритаётган мигрантларни ҳукуматнинг ваколатли органларига топшириш таҳдиди билан маълум бир ишларни бажаришга мажбурлаш ҳолатларини ҳам келтириш мумкин. Жазолаш таҳдидининг айрим кўринишлари молиявий хусусият касб этиши ҳам мумкин. Жумладан, ходимга меҳнат шартномасида ёки қонун ҳужжатларида кўзда тутилган иш вақтидан ташқари вақтда ишлашни рад қилган ҳолатларда ишдан бўшатиш таҳдиди билан иш ҳақини тўламаслик. Ушбу ҳолатда, мажбурий меҳнат тушунчасининг иккинчи элементи – ихтиёрий равишда ўз хизматини тақдим этмаслик ҳолатини ҳам кўришимиз мумкин.

Миллий қонунчилик ҳужжатларида эса “мажбурий меҳнат” тушунчасига таъриф дастлаб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасида берилган. Унга кўра, “мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади”. Мазкур таъриф қисман 29-Конвенцияда келти-



рилган таърифга мос келади. Шунингдек, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддаси, учинчи хатбошисида мажбурий меҳнат тушунчаси Меҳнат кодексига берилган таъриф билан айнан бир хил мазмунда келтирилган, яъни “Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно”.

Лекин, эътибор берадиган бўлсак, ушбу қонун ҳужжатларида 29-Конвенциядаги таърифнинг муҳим элементи – шахснинг ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаслик ҳолати мавжуд эмас. Миллий қонунчиликдаги мазкур камчилик ҳуқуқни қўллаш амалиётида, хусусан, мажбурий меҳнатнинг қўлланилиши ҳолатлари учун белгиланган жавобгарлик масалаларини кўриб чиқишда ноаниқ ва нотўғри талқин қилинишга олиб келиши мумкин.

Меҳнат кодексига берилган таърифда, мажбурий меҳнатга жазолаш билан таҳдид қилиш шаклларида бири бўлган меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида жалб қилиш тақиқланиши қайд этилган. Ваҳоланки, Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-Конвенциянинг (кейинги ўринларда – 105-Конвенция) 1-моддасида, “ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўраки ёки мажбурий меҳнатни тугатиш ва унинг ҳар қандай шакллари ишлатмаслик ҳамда қуйидаги ҳаракатлар сифатида қўлламамаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади:

*а) амалдаги сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий тизимга зид сиёсий қарашлар, ёки мафкуравий эътиқодларнинг мавжудлиги ёки фойдаланиши учун сиёсий таъсир, ёки тарбия воситаси ёки жазо чораси сифатида;*

*б) иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари учун иш кучини сафарбар этиш ва ундан фойдаланиш усули сифатида;*



*с) меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида;*

*д) иш ташлаш ҳаракатларида қатнашганлик учун жазолаш чораси сифатида;*

*е) ирқий, ижтимоий, миллий мансублик ёки диний эътиқод белгилари бўйича камситиш чоралари сифатида”.*

Россиялик тадқиқотчи В.П.Мошняганинг таъбири билан айтганда, “Мазкур Конвенция зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклидан сиёсий тазйиқ ўтказиш, тарбиялаш, сиёсий ва мафкуравий қарашлари учун жазолаш, меҳнат ресурсларини сафарбар этиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш ташлашларда иштирок этганлик учун жазолаш чоралари сифатида фойдаланишни тақиқлайди.”

Шу ўринда қайд этиш лозимки, юқорида келтирилган ҳаракатлар, авваламбор, давлат томонидан қўлланиладиган ҳолатлар ҳисобланади. Бунга, 105-Конвенция қабул қилиниши учун эҳтиёжни вужудга келтирган Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги дастлабки даврлардаги мафкуравий, сиёсий ва бошқа мақсадларда мажбурий меҳнатдан оммавий равишда фойдаланиш ҳолатларининг кўпайганлиги сабаб бўлган.

Меҳнат кодексига 105-Конвенцияда мустаҳкамланган мажбурий меҳнат шаклларида фақат биттаси – меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида иш бажаришга мажбурлашнинг тақиқланишини мазкур ҳолатнинг асосан ходим билан иш берувчи ўртасида-

ги муносабатларига тааллуқлилиги билан изоҳлаш мумкин. Бу эса, шубҳасиз, меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар ҳисобланади.

Шунингдек, 29-Конвенциянинг 2-модда, 2-бандида “зўраки ёки мажбурий меҳнат” сифатида баҳоланмайдиган ҳолатлар келтирилган бўлиб, уларнинг рўйхати Меҳнат кодексининг 7-моддаси, иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳолатлар билан деярли ўхшаш. Аммо, мазкур ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили миллий қонунчилик нормаларининг бу масалада сезиларли камчиликларга эга эканлигини кўрсатди.

Хусусан, 29-Конвенциянинг 2-модда, 2-банди, а) кичик бандида куйидаги норма мустаҳкамланган: “мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунлар кучига кўра талаб қилинадиган ва ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишларга қўлланиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.”

Худди шу мазмундаги норма Меҳнат кодексининг 7-моддасида куйидагича қайд этилган: “ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.”

Ушбу икки ҳолатда ажралиб турган масала, яъни 29-Конвенцияда келтирилган “ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишлар”нинг мазмунига миллий қонунчилик ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон

Республикасининг 2002 йилда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунда ҳам, ҳарбий хизматни ўташ тартибига оид бошқа қонун ҳужжатларида ҳам ҳуқуқий баҳо берилмаган. Мазкур конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинганлиги ва унинг талабларини бажариш миллий ҳуқуқ тизими субъектлари учун мажбурий эканлиги нуқтаи-назаридан келиб чиқсак, қонун ҳужжатларида унинг мазмунини аниқлаштириш, ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида бажарилиши лозим бўлган “ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишлар”нинг рўйхатини қатъий белгилаш лозим бўлади. Акс ҳолда, ҳарбий хизматни ўтовчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузиш ҳолатларига ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳаққоний ҳуқуқий баҳо бериш мураккаблашади.

Шу билан бирга, 29-Конвенциянинг 2-модда, 2-банди, б) ва е) кичик бандларида миллий қонунчиликда кўзда тутилмаган ва мажбурий меҳнат сифатида баҳоланмайдиган ҳолатлар ҳам келтирилган:

“б) тўла ўзини-ўзи бошқарадиган мамлакат фуқароларининг одатдаги фуқаролик бурчларининг бир қисмини ташкил қиладиган ҳар қандай иш ёки хизматни;

е) жамоанинг майда хизматларини, яъни жамоанинг бевосита фойдаси учун шу жамоа аъзолари томонидан бажариладиган ва шу туфайли жамоа аъзоларининг одатдаги фуқаролик бурчлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган ишларни, фақат ушбу жамоа аъзолари ёки унинг бевосита вакиллари шу ишларнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича маслаҳатлашиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт билан.”

Мазкур иккита ҳолатда асосий урғу мамлакат фуқароларининг қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган фуқаролик бурчлари ҳисобланмайдиган ишларни амалга оширишлари мажбурий меҳнат ҳисобланмаслигига қаратилмоқда. Шубҳасиз, фуқароларни бун-



дай мазмундаги ишларга жалб этишда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиниш талаб қилинади.

Шу ўринда, миллий қонунчиликда “жамоанинг майда хизматлари” тушунчасининг мавжуд эмаслиги бундай турдаги ишларга фуқароларни жалб қилиш уларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши мумкинлигини инобатга олиб, мазкур масалага ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда фуқароларни бундай турдаги ишларга жалб қилиш тартибини қонун ҳужжатларида, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунига тегишли қўшимчалар киритиш орқали мустаҳкамлаш лозим.

“Мажбурий меҳнат” тушунчасининг ҳуқуқий табиати юзасидан миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий стандартлар таҳлили асосида куйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

**Биринчидан**, “мажбурий меҳнат” тушунчасига таъриф дастлаб ХМТнинг 1930 йилда қабул қилинган “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция”сида берилган бўлиб, анчайин кенг мазмунга эга ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда мазкур тушунча Меҳнат кодексида мустаҳкамланган бўлиб, унга берилган таърифда муҳим элемент – шахснинг ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаслик ҳолати кўзда тутилмаган. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мажбурий меҳнатнинг қўлланилиши ҳолатларига ҳуқуқий баҳо беришда бирёклама ёндашувга олиб келади.

**Иккинчидан**, ХМТ конвенцияларида мажбурий меҳнатни қўлланиш шакллари батафсил рўйхати белгиланган бўлиб, миллий қонунчиликда эса фақатгина битта шакли - меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида иш бажаришга мажбурлаш тақиқланиши мустаҳкамланган.

**Учинчидан**, мажбурий меҳнат сифатида баҳоланмайдиган иш ва хизматларнинг рўйхати халқаро конвенцияларда ҳам, миллий қонунчиликда ҳам кўзда



тутилган бўлишига қарамай, миллий қонун ҳужжатлари аксарият ўринларда мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар нормаларига мувофиқ келмайди.

**Тўртинчидан**, мажбурий меҳнат бўйича халқаро ҳуқуқий стандартлар миллий қонунчиликнинг шаклланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатганлигини эътироф этган ҳолда, ушбу стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишда қонун ижодкорларимиз томонидан халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг мазмун ва моҳиятига тўлақонли ҳуқуқий баҳо берилмаган. Мажбурий меҳнат тушунчаси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фақат меҳнат ҳуқуқи доираси билан чекланиб қолган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.unic.ru/event/2018-12-02/v-mire/40-mln-chelovek-zhertvy-razlichnykh-form-sovremennogo-rabstva>
2. Мазкур маъруза билан ХМТнинг расмий сайтида танишиш мумкин: [www.ilo.org/declaration](http://www.ilo.org/declaration)
3. <http://www.unic.ru/event/2019-06-20/v-mire/tanzila-narbaeva-ratiftsirovat-konventsuyu-poldela-glavnoe-izmenit-otnoshen>
4. ХМТ конвенцияларининг инглиз тилидаги асл матнида мазкур тушунча «forced labour» ва «compulsory labour» шаклида қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/docs/2741079>
6. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/>
7. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/>
8. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/docs/2686384>
9. Мошняга В.П. Международный опыт социальной политики и социальной работы. Курс лекций. – М.: Изд-во Мос.гум.ун-та, 2006
10. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <http://www.lex.uz/docs/2741079>

# НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

**Рафик ШАКУРОВ,**  
Доцент кафедры  
Центра повышения  
квалификации юристов  
при Министерстве  
юстиции Республики  
Узбекистана, канди-  
дат юридический наук.

***Народ Узбекистана является свидетелем реформ, которые быстрыми темпами изменяет в лучшую сторону различные сферы жизни нашего общества.***

***Среди реформ, проводимые в судебно-правовой сфере, важным и являются реформы в области нормотворчества. Здесь мы видим как за короткий период времени национальное законодательство, в том числе и уголовное законодательство совершенствуется.***

На торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине государственной независимости Республики Узбекистан глава нашего государства справедливо отметил, что «Проводится большая работа по дальнейшему утверждению в нашем обществе приоритета закона и справедливости, принципа неотвратимости наказания за противоправные деяния, совершенствованию системы судебной власти, органов внутренних дел, адвокатуры, чтобы они на деле стали защитниками прав и интересов человека. Благодаря этим позитивным изменениям находят достойное место в нашей жизни принципы дисциплины, верховенства закона, учета справедливых требований людей»<sup>1</sup>.

Анализ действующего уголовного закона показывает, что внесённые в него изменения и дополнения способствуют защите прав и свобод граждан, развитию новых общественных отношений, в частности рыночных отношений, защите прав собственников, стимулирования предпринимательства.

Представляется интересным, предложенная в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 20 июля 2018 года №ЗРУ-485<sup>2</sup>, новая редакция части первой и пятой статьи 64 УК, где значительно сокращены сроки давности привлечения к уголовной ответственности.

Конечно, сокращение сроков давности направлены на создание условий для того, чтобы лицо могло чистосердечно раскается и скорее явиться с повинной.

Вместе с тем, полагаем, что есть все основания для завершения процесса дифференциации, предусмотренных в части пятой общих сроков привлечения к уголовной ответственности в зависимости от характера и степени общественной опасности совершенного преступления. В связи с этим, предлагаем часть пятую статьи 64 УК изложить в следующей редакции:

**«Лицо не может быть привлечено к ответственности, если со времени совершения преступления истекли следующие сроки:**

- а) пять лет — при совершении преступления, не представляющего большой общественной опасности;*
- б) десять лет — при совершении менее тяжкого преступления;*
- в) пятнадцать — при совершении тяжкого преступления;*
- г) двадцать лет — при совершении особо тяжкого преступления».*

В качестве оснований о необходимости сокращения сроков привлечения к ответственности, можно привести следующие соображения. Изучение лиц, которые скрывались от следствия или суда, но явились с повинной, показыва-

ет, что сам факт того, что они длительное время уклонялись от следствия или суда, каждодневное напряжённое психическое состояние виновного лица, связанное с тем, что его могут задержать, воздействует на их сознание и в определенном смысле также является для них своеобразным наказанием. Кроме того, не совершение со стороны такого лица нового умышленного преступления в период его уклонения от следствия или суда, также свидетельствует об исправлении такого лица.

В реализации Закона о либерализации уголовных наказаний особое место занимает, предусматривающая возможность освобождения лица от уголовной ответственности в связи с примирением.

Анализ действующего уголовного и уголовно-процессуального законодательства показывает, что не исключены случаи препятствующие применению статьи 66<sup>1</sup> УК («Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением»), при наличии соответствующих оснований и условий. Так, уголовное и уголовно-процессуальное законодательство не предусматривает возможности рассмотрения изъявленного желания потерпевшей стороны на примирение, когда приговором суда первой инстанции изменена квалификация совершённого общественно опасного деяния на статью УК, которая предусмотрена в ст.66<sup>1</sup> УК.

Известно, что в соответствии с ч1 ст.583 УПК («Заявление о примирении») заявление о примирении может быть подано потерпевшим (гражданским истцом) либо его законным представителем на любой стадии дознания и предварительного следствия, а также судебного разбирательства, но до удаления суда в совещательную комнату.

Полагаем, что в целях достижения целей наказания, а именно исправления, воспрепятствования продолжению преступной деятельности, а также предупреждения совершения новых преступлений, как осужденным, так и другими



лицами, будет верным статью 583 УПК («Заявление о примирении») дополнить частью второй следующего содержания:

«Заявление о примирении может быть подано потерпевшим (гражданским истцом) либо его законным представителем в апелляционную инстанцию, только в случаях, когда приговором суда первой инстанции была изменена квалификация преступления на преступление, которое предусмотрено в части первой статьи 66<sup>1</sup> Уголовного кодекса». При этом, для правильного уяснения применения предлагаемой части 2 статьи 583 УПК, в пункт 3 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 25 октября 2002 года № 27 (с изменениями и дополнениями от 19 мая 2018 года № 16) «О судебной практике по делам о примирении»<sup>3</sup>, следует внести абзац с руководящим разъяснением следующего содержания:

«В случаях если приговором суда первой инстанции изменена квалификация совершенного общественно опасного деяния на преступление, которое предусмотрено в части первой ст.66<sup>1</sup> УК, а со стороны потерпевшего (гражданского истца) либо его законного представителя было подано заявление о примирении, суды апелляционной инстанции должны руководствоваться общими правилами рассмотрения дел связанных с примирением».

Известно, что существование пробелов и коллизий в законе, приводит к проблеме применения в правоприменительной практике данного закона. Так, анализ и сопоставление некоторых видов наказаний применяемых к несовершеннолетним с наказаниями, применяемыми к совершеннолетним осужденным, в частности наказаний связанных с ограничением свободы (ст.48<sup>1</sup> УК со ст.84<sup>1</sup> УК), лишения свободы (ст.50 УК со ст.81 УК), позволяет определить, что в законе допущена коллизия уголовно-правовых норм, которую необходимо устранить.

В частности, после внесения, в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года № ЗРУ-421 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан»<sup>4</sup> в Уголовный кодекс изменений, минимальный срок ограничения свободы (ст.48<sup>1</sup> УК) и лишения свободы (ст.50 УК) для совершеннолетних стал составлять один месяц. Ранее минимальный срок для этих видов наказаний, составлял шесть месяцев.

Вместе с тем, названные изменения не отразились в сроках аналогичных наказаний, предусмотренных в ст.ст. 84<sup>1</sup> и 85 УК. Поэтому, по сей день минимальный срок наказания в виде ограничения свободы и лишения свободы, которые назначаются в отношении осужденных несовершеннолетних лиц составляет шесть месяцев.

Полагаем, что названным выше Законом Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года № ЗРУ-421 - СЗ РУ, 2017 г., № 13, ст. 194, необходимо было одновременно изменить также низший предел срока наказания ограничения свобода (ст.84<sup>1</sup> УК) и лишения свободы (ст.85 УК), применяемых в отношении осужденных несовершеннолетних, до одного месяца. Исходя из сказанного, предлагаем ч1 ст.84<sup>1</sup> УК «Ограничение свободы» и ч1 ст.85 УК «Лишение свободы» изложить в следующей редакции:

#### **«Статья 84<sup>1</sup>. Ограничение свободы**

*Ограничение свободы назначается несовершеннолетним осужденным в виде основного наказания на срок от одного месяца до двух лет».*

#### **«Статья 85. Лишение свободы**

*Лишение свободы для несовершеннолетних устанавливается на срок от одного месяца до десяти лет, кроме случаев, предусмотренных частями второй, третьей и четвертой статьи 86 настоящего Кодекса».*

Кроме того, имеет место противоречия и в применении части 5 статьи 45<sup>1</sup> УК и в части 2 статьи 82<sup>1</sup> УК, предусматривающей основания, порядок и правила расчёта наказаний при замене наказания в виде обязательных общественных работ наказанием в виде ограничения свободы или лишения свободы из расчёта один день ограничения свободы или лишения свободы за четыре часа обязательных общественных работ.

В данном случае законодателем не



учтены ситуации, когда неотбытый срок обязательных общественных работ может быть ниже минимального срока для ограничения свободы или лишения свободы. Так, если неотбытый срок обязательных общественных работ, к примеру, составил 40 часов, то исходя из буквы закона, срок ограничения свободы или лишения свободы будет составлять 10 дней.

Как, в этом случае, должен поступить суд? Если учесть, что Уголовным законом минимальный срок наказания в виде ограничения свободы или лишения свободы для осужденных несовершеннолетних определен шесть месяцев, а для осужденных совершеннолетних один месяц.

Полагаю, пришло время, извлечь опыт передовых государств (например, стран англо-американской правовой семьи), где минимальный срок наказания в виде лишения свободы может составлять вплоть до одной сутки.

Вносимые в законодательство изменения и дополнения всегда направлены на его совершенствование. Одной из задач совершенствования закона является его оптимизация, то есть нахождение наилучшего варианта, которые позволяют влиять на эффективность применения данного закона.

Поэтому, полагаем необходимым исключить из пункта «б» ч.3 ст.207 УК («Должностная халатность») квалифицирующий признак:

«незаконный провоз через государственную или таможенную границу Республики Узбекистан наркотических средств, их аналогов или психотропных веществ в крупных размерах».

В целях унификации, а именно приведения к единообразной системе или форме статьи 207 УК и охвата диспозицией данной статьи всех преступлений, совершению которых повлекло должностная халатность, предлагаем пункт «б» части 3 статьи 207 УК («Должностная халатность») изложить в следующей редакции:



#### **«Те же деяния, повлекшие:**

*а) смерть человека;*

*б) совершение тяжкого или особо тяжкого преступления — наказываются ограничением свободы от двух до пяти лет либо лишением свободы до пяти лет с лишением определенного права».*

В заключении, следует отметить, что проводимые в нашей стране с начала обретения независимости правовые реформы, направленные на защиту прав, свобод и интересов граждан, рождают у народа Узбекистана уверенность в светлом будущем нашей страны. Поэтому, сегодня граждане Узбекистана не только поддерживают и одобряют реформы в области законодательства, но и сами принимают активное участие в них, давая свои предложения в законы Республики Узбекистан.

#### **Использованная литература:**

1. Самый великий, самый дорогой праздник нашего народа//Выступление Президента Шавката Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине государственной независимости Республики Узбекистан. – Народное слово, 2018 год 1 сент.

2. Закон Республики Узбекистан от 20 июля 2018 года №ЗРУ-485 «О внесении изменений и дополнений в уголовный, уголовно-процессуальный кодексы Республики Узбекистан и кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности».

3. См.: пункт 3 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 25 октября 2002 года № 27 (с изменениями и дополнениями от 19 мая 2018 года № 16) «О судебной практике по делам о примирении».

4. Законом Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года № ЗРУ-421 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан».

**Хожимурод  
ОДИЛҚОРИЕВ,**  
юримдик фанлар  
доктори, профессор,  
**Гулнора  
ИНАМДЖАНОВА,**  
юримдик фанлар  
номзоди, доцент

**Жамият тараққиётининг турли босқичларида мамлакат ва давлат олдида муайян мақсад ва вазифалар устувор бўлиб майдонга чиқади. Шу маънода Ўзбекистон Президентини Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари мамлакатимиз ҳозирги босқичдаги тараққиётининг стратегияси ва моҳиятини очиб беради: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда... янги фикр, янги гоя, инновацияга таянган давлат ютади”<sup>1</sup>.**

Мазкур раҳбарий ғоядан келиб чиқиб таҳлил юритадиган бўлсак, давлат қурилишини ҳамда бошқарувини ислоҳ этиш соҳасида ҳам инновацион ёндашувни қўллаш салмоқли самара беришига умид боғлаш мумкин.

Биринчидан, давлат бошқарувини оптималлаштириш ва модернизациялашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган принциплар, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ҳамда “Маъмурий ислохотлар концепцияси”да назарда тутилган устувор йўналишлар асосида ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, унинг аниқ мезон ва талабларини ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан, марказий ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифа (функция)ларни амалга ошириш тартиби (регламенти)ни, уларнинг ижтимоий масъулияти доирасини аниқ белгилаш лозим.

Учинчидан, давлат бошқаруви органларининг иқтисодий тармоқларига маъмурий таъсирини қисқартириш ва бозор усулларидан самарали фойдаланиш зарур.

Тўртинчидан, давлат ҳокимияти вакилик ва ижроия органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантирувчи механизмларни такомиллаштириш, давлат аппарати вертикал тузилмасини мукамаллаштириш мақсадида ўта марказлашган

бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим<sup>2</sup>.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси”да давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органларини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг ташкилий-тузилмавий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; уларнинг функционал ваколатларини амалга ошириш механизмларини аниқлаштириш; бозор усулларини кенг қўллаш асосида давлат органларининг иқтисодий тармоқларига, айниқса тадбиркорлар фаолиятига аралашувини, маъмурий таъсирини чеклаш; бошқарувнинг вертикал тузилмасини оптималлаштириш, унга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш масалалари кун тартибига қўйилди. Шунингдек, давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларини, фуқароларни кенг жалб этиш, давлат-хусусий шериклиги шаклларини ривожлантириш вазифаси илгари сурилди.

Маълумки, мамлакатимизда қарор топган ва фаолият юритаётган давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси, давлат идораларининг тизими умумий тарзда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Унга кўра, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар (2-модда). Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.

Асосий қонунимизнинг барча қоидалари мажмуи тафаккур қилиб кўриладиган бўлса, мамлакатимизда мустақиллик даврида вужудга келтирилган ва амал қиладиган давлат-конституциявий давлатдир деган хулоса чиқариш мумкин. Конституциявий давлат деганда, давлат ҳокимияти идоралари Конституцияда белгиланган тартиб ва тамойиллар асосида шакллантириладиган ва конституциявий нормаларга қатъий риоя этган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширадиган давлат аппарати тушунилади.

Конституциявий давлат-мамлакатнинг бутун ҳудудида ва давлат фаолиятининг барча соҳаларида Конституция устуворлиги, қолаверса, жорий қонунларнинг устуворлиги таъминланган давлатдир. «Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (15-модда). Мамлакатда чиқариладиган бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (16-модда).

Барча давлат органлари Конституция асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини конституциявий ваколатлар ҳамда шу асосда қабул қилинадиган қонунларда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланадиган ваколатларга мувофиқ ҳолда амалга оширадилар.

Демократик конституциявий давлатда эркинлик, мустақиллик ва мулкка эгаллик қилишнинг кафолатлари тизими Конституцияда мустаҳкамланган бўлиши лозим. Ва, конституциявий нормалар бевосита ҳаракатланувчи ҳуқуқий қоидалар бўли-



ши ҳамда бу борада конституциявий назоратнинг самарали механизми мавжуд бўлиши талаб этилади.

Юқоридагилардан ташқари, давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий қиёфаси мазмунига жамиятда шаклланган ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маънавият ва маърифийлик, ижтимоий адолат мезонлари, талаб ва фазилатлари ўз таъсирини ўтказди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий жабҳалардаги барча саъй-ҳаракатлар, пировардида, ҳозирги ҳуқуқий қиёфадаги давлатчилигимизни том маънодаги демократик ҳуқуқий давлатга айлантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини инновацион тарзда ривожлантириш манфаатлари, айти вақтда, унинг конституциявий асосларини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилди. Шунга кўра, 2014 йил 16 апрелдаги Қонун билан Конституциянинг қатор моддаларига ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилди. Хусусан, давлат-ҳуқуқий тизимимизга “жамоатчилик назорати”, “парламент назорати” институтлари киритилди; Президентнинг мамлакат ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича парламентга мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди; Бош вазир лавозимига номзод кўриб чиқиладиганда парламентга Ҳукуматнинг ҳаракат дастури тақдим этилиши ҳақидаги қоида киритилди (98-модда), шунингдек вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг тегишли вакиллик орган-

ларига ҳисобот тақдим этиш мажбурияти белгиланди (103-модда).

Давлат – сиёсий тизимимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхонаси, Вазирлар Маҳкамасининг виртуал қабулхонаси, вилоят, шаҳар, туман Халқ қабулхоналари каби идоралар ташкил топганлиги давлат органлари билан халқнинг бевосита мулоқот қилишига имкон яратди. Улар фуқароларни ташвишлантираётган кўплаб муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Жамиятимизнинг инновацион тарзда ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида давлат бошқарувини модернизация қилишнинг бир қатор йўналишлари ва вазифалари ҳақида фикр юритиш мумкин. Биринчидан, демократик давлат бошқарув мезонларини белгиловчи принципларни ҳаётга собитқадамлик билан жорий этиб бориш. Булар бошқарувга инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши (шу жумладан, давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ўртасида ваколатларнинг оқилона тақсимланиши), қонун устуворлиги, давлат бошқарувига халқ оммаси ҳамда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралиги ва очиқлиги каби принципларни сингидиришдир.

Иккинчидан, давлат бошқарувини модернизация қилиш ва маъмурий ислохотлар самарасини оширишда тегишли ва-

колатли органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини (регламентларини) изчил такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Маъмурий процессуал кодекс, “Давлат бошқаруви тўғрисида”ги ва “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, ижроия ҳокимият тизимидаги бошқарув билан шуғулланувчи органлар структураси ва функцияларини рационаллаштириш маъмурий ислохотнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунда давлат бошқарувида мувозий тузилмаларнинг бўлиши ва бир-бирининг функцияларини такрорлашнинг мавжуд бўлишини бартараф этиб бориш талаб этилади. Мазкур иш илмий асосланганлик ва мақсадга мувофиқлик негизида амалга оширилиши лозим.

Тўртинчидан, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини таъминловчи самарали механизмларни яратиш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини фаоллаштириш зурур.

Бешинчидан, давлат бошқарув аппарати фаолиятининг қонунчилик, ҳуқуқий базасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ. “Давлат бошқаруви асосини қонунлар ташкил этар экан, — деб таъкидлади Биринчи Президент Ислоҳ Каримов, — қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятдан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади”<sup>3</sup>.

Олтинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини рационал ташкил этишда замонавий ахборот — коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини



тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари мобайнида жамиятни ахборотлашатириш, фуқароларнинг ахборот олиш (ундан фойдаланиш, тарқатиш) эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва мезонларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Бу даврда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни фуқароларга етказишга, оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг мақсадли ва натижали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўплаб қонунлар қабул қилинди.

Давлат бошқарувида “электрон ҳукумат” тизимини янада кенгроқ жорий этиш лозим. Бу тизим воситасида давлат идоралараро ва бошқарув жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасида электрон ҳужжат айланиши, автоматлаштирилган ахборот-маълумот тизими, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сервиси ҳамда ахборот ресурс базаларидан самарали фойдаланиш амалга оширилади. Натижада, давлат бошқаруви тизимида маъмурий процедуралар ва давлат хизматларини кўрсатиш электрон шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилади. Электрон ҳукумат куйидаги принциплар асосида фаолият юритади: давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, давлат хизматларининг ҳаммабплиги, ахборотнинг муҳофазаланганлиги, маъмурий ахборотнинг электрон таҳлил этилиши, давлат органларининг ўзаро келишилган тарзда ҳаракатланиши, давлат органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан муттасил яхшиланиши ва ҳ.к.

Электрон ҳукумат инфраструктурасида Ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш портали амал қилади. Ушбу қонун электрон ҳукумат билан мулоқотга киришганда фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатларини белгилайди.

Еттинчидан, давлат бошқаруви идораларининг аҳоли билан алоқадорлигини



кучайтириш, ҳамкорлик механизмларини яратиш муҳим. Бир томондан, аҳолини давлат бошқарув органлари фаолиятидан мунтазам равишда хабардор қилиб туриш, иккинчи томондан, маҳаллий давлат бошқарув органлари қарорларини қабул қилишга (қарорлар лойиҳасининг муҳокамасига, маҳаллий референдумларга) кенг жалб этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, давлат бошқаруви билан корпоратив бошқарувни яқинлаштириш, улар нисбатининг оқилона мезонларини белгилаш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га Мурожаатномасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти тузилмаларини олдимизда турган залворли вазибаларни ҳал этишга сафарбар қилиш, шунингдек давлат қурилишини янада демократлаштириш, давлат органларини халққа бундан яқинлаштириш борасидаги таклифлар илгари сурилди. Ушбу ташаббусли таклифлар, табиийки, Конституция ва амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, Мурожаатномада кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, конституциявий ислохотларни куйидаги йўналишлар ва мавзуларда давом эттириш мумкин бўлади. Жумладан, мазкур ҳужжатда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни оптимал бошқарув марказига айлантириш вазибаси ўртага қўйилди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда Конституцияга мувофиқ, пар-

ламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмайди. Шунинг учун вазирларнинг, Хукумат аъзоларининг парламент олдида масъулиятини ошириш учун яқин вақт ичида Конституцияга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини ҳам Олий Мажлис палаталари томонидан тасдиқланиши, уларнинг ҳисоботларини эшитиши, вазирларга парламент сўровлари йўллаши механизмларини назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни вақтда, жойлардаги маҳаллий Халқ депутатлари кенгашларида ҳам вилоят ва туман ҳокимликлари аппарати тузилмаларини, идоралар раҳбарларини тасдиқлаш тартибини белгиловчи нормаларни Конституциянинг XXI бобида акс эттириш зарурияти келиб чиқади.

Мурожаатномада маҳаллий ҳокимият органлари ваколати ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш вазифаси белгиланди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини изчил такомиллаштириш, уларни янада демократлаштириш ва халққа яқинлаштириш мақсадида Халқ депутатлари кенгашларига тегишли ҳудудлар депутатлари корпуси томонидан сайланадиган раис раҳбарлик қилиши; вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларини тегишли ҳудудлар аҳолиси томонидан сайланадиган ҳокимлар бошқаришини белгиловчи, шунингдек уларнинг ваколатларини аниқлаштирувчи янги нормаларни Конституциямизга киритиш лозим бўла-

ди, деб ўйлаймиз. Айни шундай демократик сайлов нормалари конституциявий қонунчиликка жорий этилгач Конституциянинг 103-моддасида мустақамланган маҳаллий ҳудудлардаги ҳокимларнинг тегишли Халқ депутатлари кенгашларига ҳисобот тақдим этишига оид нормани амалга ошириш механизмлари яратилади. Бу, бир томондан, уларнинг мустақиллигини оширади, иккинчи томондан, масъулиятини кучайтиришга сабаб бўлади.

Маълумки, Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари мустақамланган. Уларнинг мавқеини янада мустақамлаш мақсадида ушбу ижро тузилмалари ихтиёрига бошқа вазифалар қатори шунингдек фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш масаласи ҳам киритилган.

Ушбу конституциявий қоида ижросини таъминлаш йўлида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2018 йил 1 апрелдан ФХДЁ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларини расмийлаштириш, оила институтини мустақамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича ФХДЁ органи, “Оила” марказининг туман(шаҳар) бўлими ҳамда бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман(шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб



чиқиб, шу жумладан ФХДЁ органларининг туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилиши муносабати билан адлия ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларини чегаралашни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

ФХДЁ органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича 2018 йилда қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда янги қоидалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июнида “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3785-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарордаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари томонидан ФХДЁ органларининг оилани мустаҳкамлаш, никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида қайд этиш, тарғибот ва маърифат бўйича чора-тадбирларни кўриш йўналишидаги ишларни ташкил қилиш юзасидан зарур чоралар белгиланди. Жумладан, туманлар (шаҳар) ҳокимлари ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари фаолияти, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш устидан умумий раҳбарликни амалга ошириши белгиланди.

Худудларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ўз вақтида қайд этиш, ҳозирда қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФХДЁ органларида қайд этилишини таъминлаш бўйича туман, шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилнинг 3 июлида қабул қилинган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-498-сонли қарори билан тасдиқланган Низомда туман ҳоким-



ликлари томонидан ФХДЁ бўлими раҳбар ва масъул ходимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш масалалари кўзда тутилган.

Конституцияда белгиланган оилани муҳофаза қилишга оид нормаларни ижро этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнида “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур концепция давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган оила сиёсати аҳоли бандлигини ва реал даромадларини изчил ошириб боришга, фуқаролар фаровонлигини оширишга, ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан эътиборга молик.

Давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги тизимининг аниқ ишлаши, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилиш ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Т., 2018, 19 – 20-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Т., 2018, 21-бет.
3. “Халқ сўзи” 2015 йил 25 январь

## МУАММО ва ЕЧИМ



Насиба  
АБДУРАҲМОНОВА,  
Судьялар олий макта-  
би бош консултант

*Бугунги кунда судлар томонидан даъво аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш бўйича қонунчилик нормаларини тўғри қўллаш ва бу борадаги муаммоли масалаларни таҳлил қилиш заруратидан келиб чиқиб, судларга тегишли тавсиялар бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби томонидан фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан 2018 йил давомида даъво аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш билан боғлиқ суд амалиёти умумлаштирилди.*

Даъво аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш бўйича суд амалиёти таҳлили бу борада судлар томонидан амалиёт асосан тўғри йўлга қўйилганлиги, судлар томонидан фуқаролик процессуал қонунчилиги нормалари ва Пленум қарори талабларига риоя қилинган ҳолда қонуний ва асосли ажримлар қабул қилинганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал нормаларини қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги 14-сон Пленум қарори кўрсатмаларига кўра, судья фақат ФПК 194, 195-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга ёки қайтаришга ҳақли бўлиб, бунда қонунда назарда тутилган асослар рўйхати тугал эканлиги инобатга олиниши лозим.

Арз қилинган талаблар исботланмаганлиги, даъво муддати ўтганлиги ва қонунда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатишни рад этишга йўл қўйилмайди.

ФПКнинг 192-моддасига кўра, судья аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай яқка тартибда ҳал этади. Аризани иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади. Аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга аризага ажрим чиқарилгандан кейинги кундан кечиктирмай юборилади.

Аризани қабул қилишни рад этиш асослари ФПКнинг 194-моддасида кўрсатилган. Судьянинг ушбу моддада назарда тутилган асослар бўйича аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиши судга иккинчи марта мурожаат этишга тўсқинлик қилади.

Судда даъво ишларини кўзғатишнинг асосий шартларидан бири судга мурожаат қилувчи шахслар доирасини тўғри аниқлашдан иборатдир.

Судья фақат қонунда назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли. Келтирилган талабларнинг исботланмаганлиги, даъво муддатини ўтказиб юборилганлиги ва қонунда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзғатишнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

**ФПКнинг 194-моддаси 1-қисми 1-бандига кўра, суд арз қилинаётган талаб судга тааллуқли бўлмаса аризани иш юритишга қабул қилишни рад этади.**

Айтайлик, аризага судга ариза билан мурожаат қилиб, А. шаҳар Шифокорлар кўчасида жойлашган яқка тартибда қурилган уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ажрими билан ФПКнинг 194-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан аризани қабул қилиш рад этилган ва аризага маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Аниқланишича, аризага аризада А. шаҳар Шифокорлар кўчасида жойлашган уй-жойни ўз ҳисобидан қурганлигини, бироқ

ушбу қурилган уй-жойни ер майдони қудаси К. номига ажратилганлигини, ўғли ва келини ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли уй-жойни ўз номига расмийлаштира олмаётганлигини билдирган.

*ФПКнинг 26-моддасига мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича судга қуйидаги ишлар тааллуқлидир, фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно.*

А. шаҳар ҳокимининг қарори билан шаҳарнинг М. турар-жой мавзесидан фуқаро К. номига уй-жой қуриш учун шаҳар бош режасига асосан 5-сонли ер майдони ажратилган.

Бундай ҳолатда суд аризани қўриб чиқиш жараёнида низоли уй-жой айнан фуқаро К.га ажратилган ер майдонига қурилганлиги ҳамда унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиши ёки қилмаслик ҳолатларига аниқлик киритмаган ҳисобланади.

Шунингдек суд ФПК 194-моддасининг 1-қисмига кўра, арз қилинаётган талаб фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли эмаслиги ҳақидаги асоси билан аризани қабул қилишни рад этиш ва аризага арз қилинган талаб бўйича маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириш ҳақида нотўғри хулосага келган бўлади.

#### **Яна бир мисол:**

Тасаввур қилайлик, даъвогар М. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Рдан А. шаҳар, Наврўз м.ф.й., Б. кўчасида жойлашган 400 кв.метр ер майдонини ўзига қайтариб олиб беришни сўраган.

Туманлараро судининг ажрими билан даъво ариза судга тааллуқли эмаслиги асоси билан аризани қабул қилиш рад этилган ва даъвогарга туман давлат нотариал идорасига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

*ФПКнинг 26-моддасига 1-қисми 1-бандига кўра, фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлидир.*

Бундай ҳолда ҳам суд даъвогар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, даъвогарнинг даъво талаби ер низоси, яъни ерни қайтариш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли фуқаролик ишлари бўйича суднинг судловига тааллуқли эканлигига эътибор қаратмасдан, аризани қабул қилишни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган ҳисобланади.

**ФПКнинг 195-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра, агар манфаатдор шахс номидан берилган ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.**

Мисол учун аризачи И. судга ариза билан мурожаат қилиб, унда турмуш ўртоғи А.ни муомалага лаёқатсиз деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг ажрими билан ФПКнинг 195-моддаси 1-қисмининг 2-бандига асосан аризани қайтариш белгиланган.

Аниқланишича, аризачи И. билан А. 2018 йил 18 март куни қонуний никоҳдан ўтганлар ва бу ҳақда туман ФХДЁ булимида 444-сонли далолатнома ёзуви қайд этилган.

Уларнинг турмушларидан икки нафар фарзандлари туғилган.

Вилоят Рухий асаб касалликлари диспансери Бош шифокори томонидан берилган маълумотномага кўра, А. 2018 йил 11 сентябрдан мазкур диспансерда даволаниб келаётганлиги қайд этилган.

*ФПКнинг 310-моддасига кўра, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиши натижасида фуқарони муомала лаёқати чекланган*



*деб топиш тўғрисидаги ёки фуқарони руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги иш унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, прокурор, даволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари берган аризалар бўйича қўзғатилиши мумкин.*

Ушбу ҳолатда ҳам суд қонунларни нотўғри талқин қилиб, аризачи И. билан А. қонуний никоҳда бўлиб, улар эр-хотин ҳисобланишини инobatга олмасдан, ариза иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан берилган деб ҳисоблаб, аризани қайтариш ҳақида нотўғри хулосага келган деб баҳоланади.

**ФПКнинг 195-моддаси 1-қисми 3-бандига кўра, агар иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.**

Аризачи Э. судга жавобгар Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасига нисбатан шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, мансабдор шахсларни ҳаракатини ғайриқонуний деб топишни, 555-сонли буйруқни бекор қилиб, уни ишга тиклашни, моддий ва маънавий зарарларни ҳамда мажбурий прогул учун иш ҳақини ундириб беришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ариза қайтарилган ва Э.га Республика Давлат божхона қўмитасига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди

кассация инстанциясининг ажрими билан суднинг ажрими бекор қилинган, аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ажрими билан Э.нинг шикоят аризаси такроран қайтарилиб, унга даъво аризаси билан Республика Давлат божхона қўмитаси жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Аниқланишича, Б. вилояти Божхона хизмати катта лейтенанти Э. Давлат божхона қўмитаси раисининг 555-сонли буйруғига асосан Низомнинг 144 “д” кичик бандига мувофиқ шахсий илтимосига кўра лавозимидан озод этилган.

Шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган туман маъмурий суднинг ҳал қилув қарори билан Э.нинг мансабдор шахслар ҳаракатини ғайриқонуний деб топиш, буйруқни бекор қилиш ва ишга тиклаш ҳақидаги аризаси рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан (Э.нинг бирлаштирилган талаблари меҳнат муносабатидан келиб чиққанлиги сабабли) туман ва шаҳар маъмурий судларининг қарорлари бекор қилинган ва иш бўйича иш юритиш тугатилган.

Шундан сўнг, Э. фуқаролик ишлари бўйича К. туманлараро судига август ойида мурожаат қилган.

Вилоят суди кассация инстанциясида суднинг 15 августдаги ажрими бекор қилиниб юборилганда ҳам ФПКнинг 27-моддасига асосан мазкур низо фуқаролик судида кўрилиши таъкидланиб, иш қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун юборилган ва Э.нинг шикоят аризаси даъво тартибида расмийлаштиришга эътибор қаратиш лозимлиги билдирилган.

Э.нинг юқоридаги талабларини “даъво аризаси” шаклида расмийлаштирилганлиги ҳақида имзоланган даъво аризаси судга тақдим этилган.

*Амалдаги ФПКнинг 34-моддаси 9-бандига кўра фуқаронинг меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшаш жойидаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.*



Биринчи инстанция суди, даъвогар Э.нинг талаблари даъво аризаси шаклида бериб бўлинганлиги, меҳнат низоси унинг танлаши бўйича ўзи яшаётган ҳудуддаги судга ҳам берилиши мумкинлига эътибор қаратмасдан ФПКнинг 195-моддадаги талабларини нотўғри қўллаб аризани қайтариш ва Э.га Давлат божхона қўмитаси жойлашган судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириш ҳақида ноқонуний ҳулосага келинган деб баҳолаш мумкин.

**ФПКнинг 195-моддаси 1-қисми 4-бандига кўра, агар ариза ушбу Кодекснинг 189-моддасида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда берилган бўлса судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.**

Хусусан, даъвогар М. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, отасида қолган “Нексия” русумли автомашинасини жавобгар Э.дан олиб беришни сўраган.

Туманлараро судининг ажрими билан даъво аризага автомашинага нисбатан эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинмаганлиги сабабли қайтарилган.

Аниқланишича, даъвогар М. даъво аризасида марҳум отаси Ф.ни номида бўлган ва ўзига васиятнома орқали қолдирилган “Нексия” русумли автомашинасини жавобгар Э.дан олиб беришни сўраган.

Ҳужжатлардан, низоли атомашина Ф.нинг номида турганлиги ҳақида ИИБ ЙХХБ РИБнинг маълумотномаси, Ф.нинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома, васиятнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома судга тақдим этилганлиги аниқланган.

Суднинг, даъво ариза қонунда белгиланган тартибда тузилганлигига, даъвогар ўзининг талабига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни тасдиқловчи барча далилларни илова қилганлигига эътибор қаратмасдан, ФПКда ҳужжат илова қилинмаганлиги учун аризани қайтариш назарда тутилмаганлигига эътибор бермай даъво аризани қайтариши асоссиз ҳисобланади.

#### **Яна бир мисол:**

Айтайлик, даъвогар Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Ш. ва М.лардан регресс тартибида 555.555.555 сўм ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг ажрими билан даъво ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар даъвогарга қайтарилган.

*ФПКнинг 189-моддаси 1-қисми, 3-бандига кўра, жавобгарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари кўрсатилиши керак.*

Биринчи босқич суди, даъво аризада жавобгарларнинг яшаш жойи ҳақида маълумотнома йўқлигини асос қилиб даъвони қайтарган.

Даъвогар Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси даъво аризада жавобгарларнинг манзилларини аниқ кўрсатганлиги, даъво аризага илова қилинган жиноят ишлари бўйича туман судининг қарорида жавобгарларнинг яшаш жойи тўлиқ кўрсатилганлиги, жавобгарларнинг шахсини тасдиқловчи фуқаролик паспорти нусхалари тақдим этилганлиги биринчи инстанция судининг эътиборидан четда қолган деб ҳисобланади.

**ФПКнинг 195-моддаси 1-қисми 7-бандига кўра, агар давлат божи ва почта харажатлари белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, давлат божини тўлашни кечиктириш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёки илтимоснома рад этилган бўлса судья аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.**

Мисол учун даъвогар Ш. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар туман 1-сонли давлат нотариал идораси, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати, туман молия бўлими ва бошқаларга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундиришни сўраган.

Суд ажрими билан даъвогар Ш.нинг даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилган.

Аниқланишича, суд даъвогар Ш.нинг даъво аризасини қайтаришда ФПКнинг 189-моддасида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда берилганлигини ҳамда тўланиши лозим бўлган 11.200.000

сўм миқдорига давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаганлигини асос қилиб келтирган.

Бироқ, Ш. томонидан биринчи инстанция судига 21.000 сўм, 54.000 сўм ва 11.200 сўм давлат божи тўланганлиги ҳақида тўлов квитанцияси ва давлат божи тўловининг бир қисмини кечиктириб туриш ҳақида илтимоснома тақдим этилган. Б. тумани “А” м.ф.й. томонидан берилган далолатномага кўра, даъвогар Ш. ҳеч қаерда ишламайди, оиласи моддий ёрдамга мухтож оилалар қаторида туради.

ФПКнинг 133-моддаси 2-қисмига кўра, суд тарафларнинг мулкий аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича, иқтисодий ҳамда маъмурий судларга ариза ёки даъво аризаси билан муурожаат қилиш ҳамда суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, қарор, ҳукм ва ажримлар устидан шикоят қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари”да белгиланган миқдорда давлат божи тўланади.

Ушбу ҳолатда суд, даъвогар Ш. давлат божини қисман тўлаганлиги ва у моддий томондан қийналганлиги ҳақида ҳужжат тақдим этганлигини инобатга олмасдан, суд харажатларини камайтиришни ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш ҳамда кечиктириб туриш масалаларини кўриб чиқмасдан, даъво ари-

зани ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариб, шошма-шошарликка йўл қўйган.

**Таҳлил натижалари ҳамда суд амалиётида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, даъво аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш билан боғлиқ қонун нормаларини такомиллаштириш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш юзасидан куйидаги тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ деб топилди:**

➔ Муурожаатларни судда кўришнинг асосий шартларидан бири низонинг ва бузилган ҳуқуқнинг мавжудлиги ёки арз қилинган талабнинг аризачининг манфаатларига дахлдорлиги. Шу сабабли шахс судга муурожаат қилиш вақтида дастлаб арз қилинаётган талаб бўйича низо ёки бузилган ҳуқуқнинг мавжудлиги ёхуд арз қилинган талабнинг аризачи манфаатларига дахлдор эканлигини аниқлаш лозим;

Муурожаат қилинган масала бўйича низо мавжуд бўлмаса, шахснинг ҳуқуқлари бузилган бўлмаса ёки унинг манфаатларига дахлдор бўлмаса, ариза судга тааллуқли бўлмайди.

➔ Судлар даъво аризаларни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш жараёнига алоҳида эътибор билан ёндашиб, иш учун аҳамиятли бўлган барча ҳужжатларнинг тақдим этилганлигини текширишлари, ариза ва шикоятларнинг судловга тааллуқлилиги масаласини ҳал қилишлари лозим.

➔ Фуқаро вафот этган бўлиб, унинг меросхўрлари меросни эгаллашга киришаётган бўлсалар, қонунга мувофиқ, ушбу жараён маъмурий тартибда амалга оширилади, нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилади.

Меросхўрлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда, меросни тақсимлаш суд тартибиде амалга оширилади. Ушбу тартиб умумий мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ муносабатларга, шу жумладан, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни тасарруф этишига ҳам тааллуқли.

➔ Даъво тартибиде иш юритишга оид баъзи тоифадаги ишлар ўзига хос тарзда кўриб чиқилиши боис, улар «алоҳида тартибда юритиладиган ишлар» деб аталади ва уларнинг рўйхати ФПКнинг 293-моддасида санаб ўтилган. Бу тоифадаги ишлар судларда ФПКнинг 27–37-бобларида кўрсатилган



истисно ва қўшимчалар билан фуқаролик суд ишларини юретишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўриб чиқиши лозим;

Муайян низога оид ариза ёки даъво аризаси билан судга куйидаги 3 хил тоифадаги шахслар мурожаат қилишга ҳақлидир:

ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилаётган шахслар ва уларнинг вакиллари, шу жумладан, адвокатлар;

прокурорлар;

қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлган давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлар;

➡ Фуқаролик ишлари бўйича судлар давлат божи ундирувига оид масалаларни ҳал этишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари”да белгиланган миқдорда давлат божи тўланишига эътибор қаратишлари лозим.

Агар аризачи қонунга кўра давлат божини тўлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида илтимоснома мавжуд бўлмаса, шунингдек почта харажатлари тўланмаганда, судья аризани қайтариш ҳақида ажрим чиқариши шарт (ФПК 195-моддаси). Ажримда тўланиши лозим бўлган давлат божи, почта харажатлари суммаси кўрсатилиши ва ушбу камчилик бартараф қилингандан сўнг тақдоран мурожаат қилиш имконияти мавжудлиги тушунтирилиши шарт.

Судья фуқаролик ишини қўзғатиш босқичида аризачининг илтимосномаси бўйича, уни мулкӣ аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга, бўлиб-бўлиб тўлашга ёки миқдорини камайтиришга ҳақли бўлиб, бу ҳақда аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақидаги ёхуд аризачининг илтимосномасини қаноатлантириш ҳақидаги алоҳида ажримда кўрсатади. Илтимоснома рад қилинганда, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар суднинг тегишли ажрими билан аризачига қайтарилиши лозим;



➡ Даъвогарлар меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги, меҳнат шартномасини бекор қилишни асослигини исботловчи далилларни тақдим этиш эса, қонун билан жавобгарга юклатилганлиги сабабли (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 111-моддасининг 2-қисми), ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризаларини ФПК 189-моддаси биринчи қисмининг 6-банди ва 195-моддаси биринчи қисмининг 7-бандида назарда тутилган асослар бўйича қайтаришга йўл қўйилмаслиги лозим;

➡ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 72-моддасига кўра, никоҳда бўлмаган вояга етмаган ота-онадан бола туғилган ҳолда улар ўн олти ёшга тўлганларидан сўнг оталикни белгилаш тўғрисида мустақил равишда талаб қўйишга ҳақли. Шу муносабат билан суд кўрсатилган шахсларнинг оталикни белгилаш тўғрисидаги аризасини ФПКнинг 195-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан қайтаришга ҳақли эмас.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги иш бўйича тараф вояга етмаган шахс бўлса, суд унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийсини қонуний вакил сифатида ишда иштирок этишга жалб этиши шарт (ФПК 42-моддасининг 2-қисми);

➡ Даъво аризаларни иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш бўйича суд амалиётини бир хил юртилишини таъминлаш мақсадида судлар томонидан ўқув-семинар машғулотларида тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилади.

# БУЮК БРИТАНИЯ ҚОНУНЧИЛИК БЎЙИЧА ОТА - ОНАЛАР ВА ФАРЗАНДЛАРНИНГ АЛИМЕНТ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Абдурасул  
МИНОЖИДДИНОВ,  
ҳуқуқшунос

*Оила ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва бошқа функцияларни бажариб, давлат ва жамият ривожига катта таъсир кўрсатади. У меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг манбаси ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун оила ривожига шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий барқарорлигининг муҳим омилларида ҳисобланади.*

Оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ҳал томонлама жамиятнинг асосий бўғини сифатида барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг доимий эътиборда бўладиган устувор йўналишлардан бири саналади. Бинобарин, халқ оилалардан ташкил топар экан унинг барқарорлиги, оилаларнинг тинч ва тотувлиги мамлакатнинг ривожига ва истиқболлини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистонда оилалар барқарорлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сонини камайтириш, оилани сақлаб қолиш имконини берадиган кўплаб ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий чоралар белгиланган ва

бу борадаги ҳуқуқий асослар яратилган. Бирок, шунга қарамасдан эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сони уларнинг ўсиб бориш динамикасини кўрсатади. Бу ҳолат айниқса, катта шаҳарларда юқори эканлиги кўзга ташланади. Шу боис эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сонини камайтириш, оилаларнинг бутунлиги ва барқарорлиги сақлаб қолиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, бу борада амалга оширилаётган ислохотларни кучайтириш замон талабидир. Ўз навбатида, эр-хотин, ота-оналар ва фарзандлар ҳамда оила бошқа аъзоларининг бир-бирини ўзаро моддий жиҳатдан таъминлаши масаласи ҳам муҳимдир. Бунда алимент мажбуриятларининг тўғри белгиланганлиги ҳамда уни қўллаш механизмларининг амал қилиш даражаси алоҳида ўрин тутади. Шу муносабат билан оила аъзоларининг алимент мажбуриятлари бораси хорижий тажрибани ўргани ва уни Ўзбекистон қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Таъқдиллаш лозимки, ота оналар ва фарзандларнинг бир-бирига нисбатан алимент мажбуриятлари кўпгина Европа давлатларида эр-хотиннинг никоҳдан ажралганидан сўнг ўз фарзандларини ёки фарзандлар вояга етгач меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ота-оналарини молиявий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш маъносида тушунилади. Бу мажбуриятлар баъзи ғарб давлатларида никоҳдан





ажралиш тартиби ёки оила ҳуқуқи орқали тартибга солинади. Шотландияда “алимент,” Англия ва Уелсда “support” яни “қўллаб қувватлаш” “ғамхўрлик қилиш” маъносида тушунилади. “Алимент” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, овқатланиш ва озиқ-овқат билан таъминлаш маносида келади. Шунингдек, Шотландия ҳуқуқи бўйича алимент асосан никоҳдан ажралгандан сўнг эрнинг хотинини озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа ҳаёт учун муҳим нарсалар билан таъминлаш воситаси сифатида белгиланган. Ота- оналарнинг алимент мажбуриятлари бўйича Хаммурапи қонунларида ҳам ота-она болаларини дунёга келтирганлиги ва тарбиялаганлиги учун уни зарур озиқ-овқат билан таъминлаш мажбурияти келтирилган. Бундан ташқари, агар эр ўртада фарзандлари бўлгани ҳолда хотини билан ажрашмоқчи бўлса, хотинига болаларини тарбиялаши учун мол-мулк ёки эр майдони бэриши кэрак ҳисобланган. Шунингдек, ота она ва фарзандларнинг алимент мажбуриятлари бўйича Юстиниан кодексида маълум бир нормалар белгиланган. Ҳозирги жамиятда ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўртасидаги алиментнинг мазмуни Англиядаги чэрков судлари томонидан эр-хотин никоҳдан ажралганда ўртадаги фарзандга, у ёки бу ота она томонидан ўртадаги фарзандга алимент тўланган. XX асрда эр-хотин ўртасидаги алимент мажбуриятлари либерализациялаштирилди. Яъни никоҳдан ажралиш асосан оилавий муносабатларда ёмон хулқ-атвор асосида келиб чиқиши мумкинлиги аниқланди ва кўпинча никоҳдан ажралганидан сўнг эр, хотини билан қолган

фарзандлар учун алимент мажбурияти-ни бажарган.

Буюк Британияда алиментнинг бешта тури мавжуд.

- эрнинг ўз хотинига тўлайдиган алимент;
- хотиннинг ўз эрига толайдиган алимент;
- фуқаролик ҳуқуқида шэриклар бошқа шерикларга тўлайдиган алиментлар;
- ота ёки она фарзанди учун толайдиган алимент;
- бирор бир шахс болага, яъни асраб олинган ёки фарзандликка олинган болага тўланадиган алиментлар.

Буюк Британияда эр-хотин никоҳдан ажралгандан сўнг улар ўртасида вужудга келадиган фарзандлар учун тўланадиган алимент мажбуриятлари мавжуд ҳисобланиб, то фарзанд вояга етгунича ота ёки она томонидан ажралиш натижасида эр ёки хотин билан қолган фарзанд учун алимент ота ёки онадан ундирилади. Ота она ва фарзандларнинг мажбуриятлари маълум бир муддат билан чекланади. Баъзи ғарб давлатларида, шу жумладан Шотландияда фарзандлар учун алимент тўлаш фарзанд вояга етгунича, яъни 18 ёшгача амалга оширилади. Вояга етган, аммо меҳнатга лаёқатсиз болалар учун улар 25 ёшга тўлгунича ота-она томонидан алимент мажбурияти бажарилади. Фарзанд 25 ёшга тўлгач уни таъминлаш давлат зиммасига ўтади.

Шунингдек, Буюк Британияда никоҳдан ажралгандан сўнг фарзандларни ота ёки она билан қолишда ва уларга алимент ундиришда ота ёки онанинг



моддий ва маънавий аҳволига жиддий етибор бэрилган ҳолда, ўртадаги фарзандларнинг ота ёки онада қолиш масаласи ҳал қилинади.

Бундан ташқари, айниқса Англияда ота-она зиммасига фарзандлар таъминоти учун алимент белгилашда ота-онанинг даромадлари қанчалигига алоҳида эътибор берилади ва шу асосда даромадига мутаносиб равишда лекин нормал ҳаёт кечирish учун зарур бўлган миқдорда алимент белгиланади. Ушбу омилга эътибор берганда алимент миқдорини белгилашда алимент тўловчининг ва алимент олувчининг келажакда унга қандай даромадлар олиши ёки даромади ошиши ёки камайишини инobatга олган ҳолда тайинлаши лозим. Шу билан бирга, Шотландия оила қонунчилигига кўра, ота-оналарнинг алимент мажбуриятларни белгилашда эр-хотиннинг соғлиги ва бошқа ҳолатларга эътибор бериши лозимлиги келтирилган. Буни Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги билан таққослаганда, бизнинг оила қонунчилигимизда ота ёки онанинг фарзанди учун берилadиган таъминот маблағининг миқдори суд томонидан таъминот тўловчининг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда тўланадиган қатий суммада ундирилиши белгиланган.

Англияда “Children support acts 1991 in United Kingdom” ҳужжатида биноан, ота-она вояга етмаган болаларига то улар 18 ёшга тўлгунга қадар алимент тўлашлари шарт. Ушбу ҳужжатнинг кўп моддалари ота-онанинг фақат вояга етмаган болаларга нисбатангина таъминот бериш мажбуриятларига бағишланган

бўлиб, ўз болаларини моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятини англатади. Бу мажбурият боланинг истеъмоли учун озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турли хил ўйинчоқлар, жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланиш чоғида керак бўладиган буюмлар, ўқув қуроллари харид қилиш шаклида амалга оширилади”.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ота-онанинг мажбуриятидир. Одатда Англияда бизнинг миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда бир йиллик тўловлар ҳам амалга оширилиши мумкин. “Children support acts 1991 in United Kingdom”нинг 2- бўлимида ота-онанинг вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига нисбатан улар 25 ёшга тўлгунча тегишли мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Ўзбекистон қонунчилигида, яъни Оила кодексининг 111-моддасига биноан, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ота-онасининг касаллигига ва бошқа узрли сабабларга кўра қилинадиган қўшимча харажатларда иштирок этишлари шарт. Аммо Буюк Британияда “Children support acts 1991 in United Kingdom” да бундай нормалар келтирилмаган.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар томонидан қўшимча харажатлар ихтиёрий равишда қопланмаса, талаб қилинаётган сумма суд тартибида ундирилиши мумкин.

Англияда ҳам алимент ундириш тўғрисидаги низо узил-кесил ҳал этилгунга қадар, судья шу низо бўйича унда белгиланган миқдорда вақтинча алимент ундириш тўғрисида ажрим чиқа-

риши мумкин. Агар суд никоҳдан ажратишда ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун муддат бериши ҳам мумкин.

Демак, ушбу норма юқорида кўриб чиқилан ғарб давлатлари оила қонунчилиги нормалари билан ўхшашдир. Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли равишда Буюк Британияда алимент келишуви, деган элемент мавжуд эмас, балки алимент белгилашга оид мажбуриятларни Мажлис судларида (The Court of Session) ёки Шэриф судларида (The sheriff court) судьялар томонидан адолат мезонларига риоя қилинган ҳолда белгилаб берилади” . Бу борада Ўзбекистон оила қонунчилиги билан боғлиқ айрим фарқларни кузатиш мумкин.

Буюк Британия оила қонунчилигига кўра эр-хотин ва умумий ҳуқуқ асосида никоҳ қурган эр-хотинлар алимент мажбуриятлари бўйича тенг ҳуқуқлидир. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги алимент мажбуриятларининг муҳим хусусият шундаки, Шотландия қонунчилигига кўра алимент мажбурияти учун даъво муддати мавжуд ҳисобланади. Бу мажбуриятни амалга ошириш 2 йилни ташкил этади. Яъни алимент ундиришни сўраб судга шу муддат ичида мурожат қилиш лозим. Ўзбекистон қонунчилиги билан ўхшаш хусусияти шундаки, Буюк Британияда алимент мажбуриятларини бажармаслик натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик, миллий қонунчилигимизга ўхшаб, мажбурий тарзда ундирилади. Алимент Англияда алимент мажбурияти юклатилган шахснинг мол-мулкига ва бошқа даромадларига қаратилади. Шэриф судлари ёки мажлис судлари томонидан белгилаб бериладиган алиментнинг аниқ миқдори берилмаган бўлиб, бунда алимент мажбурияти юклатилган ота ёки онанинг моддий ва манавий аҳволдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Алимент мажбуриятлари Англияда ҳам маълум пайтгача давом этиб, кейин бу мажбуриятлар тугалланади. Ушбу ҳолатни қуйдагича изоҳлаш мумкин:



- алимент олаётган фарзанд вояга етганда, вояга етган аммо меҳнатга лаёқатли бўлиб қолган фарзанд 25 ёшга тўлганда алимент мажбурияти якунланади;

- алимент олувчи ёки алимент тўловчи шахслардан бири вафот этганда алимент мажбурияти якунланади;

- бола фарзандликка олинганда ёки таъминлаш шартини билан бола-ни бирор ота ёки она ўз қаровига олганда алимент тўлаш мажбурияти якунланади.”

Уэльсда ота ёки она томонидан ўзига юклатилган алимент мажбуриятини бажармаслик ота ёки онанинг маълум бир ҳуқуқларидан маҳрум қилинишига олиб келиши мумкин. Ўзбекистон оила қонунчилиги билан ўхшаш равишда алимент ундириш тўғрисидаги суднинг қарорини бажармаган эр ёки хотинга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, алимент мажбуриятларни белгилаш, алимент тарзида амалга ошириладиган тўловларнинг миқдорини белгилаш ҳамда алиментларни ҳисоблаш қоидаларини такомиллаштириш, бунда алиментнинг адолатли ва реал вазиятга мос миқдорини ўрнати тартибини либераллаштириш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Children support acts 1991 in United Kingdom. Article 48.
2. Civil Partnership Acts 2004 in England. Page 33.
3. The Family law acts 1985 in Scotland. Cross heading. Alimony obligation of parents and other persons
4. Pensions and Social Security Acts 2000 in United Kingdom. Page 19.
5. [www.legislation.gov.uk](http://www.legislation.gov.uk)

# МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАРДАН Фойдаланишга доир шартномалар



**Қамбариддин  
МЕХМОНОВ,**  
юримдик фанлар  
бўйича фалсафа  
доктори, Тошкент  
давлат юримдик  
университети  
Фуқаролик ҳуқуқи  
кафедраси доценти  
вазифасини  
бажарувчиси

*Интеллектуал мулк объектларини яратиш ва тижорат муомаласига киритишга доир шартномалар мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланади.*

*Бироқ, мутлақ ҳуқуқлардан фойдаланишга доир шартномалар, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилашга доир ҳуқуқий механизмнинг етарли эмаслиги, интеллектуал мулкни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шу боисдан ушбу соҳадаги ҳуқуқий қоидаларни таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади.*

Аввало, мутлақ ҳуқуқлар моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, юримдик адабиётларда кўрсатилишича, мутлақ ҳуқуқлар дейилганда, бундай ҳуқуқлар соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш каби) бўйича ҳақдорлиги, ваколатлигини ва айни вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишнинг тақиқланишини таъминловчи субъектив ҳуқуқ тушунилади [1; 314-б.].

Фуқаролик кодексига интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўлланилган «мутлақ ҳуқуқ» иборасини «exclusive right» (исключительное право) билан айний ва бир хил маънода тушуниш лозим. Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ қоидаларда эса, «абсолют» ҳуқуқ ҳақида сўз боради ва ушбу ҳолатда улар бир-биридан фарқланади.

Ахборот-коммуникацион технологияларига оид муносабатларда бевосита қуйидаги объектлар юзасидан шартномалар тузилиши кузатилади:

- фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари;
- дастурий таъминот;
- саноат мулки;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);
- интеграл микросхема;
- селекция ютуқлари;
- фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситалари (фирма номи, товар белгиси, товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ);
- интеллектуал мулкнинг бошқа объектлари.

Юқоридаги интеллектуал мулкнинг





ўзига хос объектлари юзасидан тузиладиган шартномаларнинг ҳуқуқий табиати ҳам турлича. Бугунги кунда ахборот-коммуникацион технологияларига оид муносабатларда нафақат интеллектуал мулк объектлари, балки персонал маълумотлар юзасидан ҳам шартномалар тузилиши кузатилади. Масалан, персонал маълумотлар ҳозирги кунда ахборот-коммуникацион технологияларига оид муносабатларда хусусан, ижтимоий тармоқлардан (facebook, Instagram, twitter ва ҳ.к.) фойдаланишда бевосита қўлланилади. Ҳуқуқий амалиётда персонал маълумотлардан ноқонуний, шартнома шартларига зид равишда фойдаланиш ҳолатлари учрайди. Масалан, Cambridge Analytica ҳамда facebook ўртасидаги низони кўрсатиш мумкин.

Фикримизча, ахборот-коммуникацион технологияларига оид муносабатларда персонал маълумотлар юзасидан тузиладиган шартномада реклама, персонал маълумотлардан учинчи шахсларга фойдаланишга бериш, фуқаронинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларига бевосита даҳлдор бўладиган ҳатти-ҳаракатлар бўйича фойдаланувчи ва хизмат кўрсатувчи ўртасида шартномада келишувга эришилган бўлиши, акс ҳолда етказилган ёки етказилиши мумкин бўлган зарар учун жавобгарлик чорасини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши

мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулкӣ ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир, бироқ мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас [2; 18-б.].

Б.Ахмаджоновнинг фикрича, ғоя ва билимни қўлда ушлаб туриб бўлмагани каби, уни бирон жойда сақлаб қолишнинг ҳам имкони бўлмайди. Зеро, муайян интеллектуал фаолият натижаси фақатгина учинчи шахслар идрок этадиган объектив шаклга келтирилганидан сўнг, ҳуқуқ объекти сифатида этироф этилади ва муҳофаза этилади. Бу эса, ўз навбатида, ғоя ва билимнинг учинчи шахсларга маълум бўлишини ва муаллифнинг унга нисбатан эгалик қилиши мантиқсиз ҳолатга айланишини таъминлайди. Айнан шу жиҳат ҳам интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқнинг ашёга нисбатан ҳуқуқдан фарқли жиҳатини англатади [3; 56–57-б.].

Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектларидан учинчи шахсларнинг фойдаланишига имкон берувчи муҳим фуқаролик-ҳуқуқӣ восита ҳисобланади. Лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат бериш ҳақида келишув ҳисобланади. Мулк эгаси (патент эгаси, товар белгиси соҳиби, муаллифлик ҳуқуқи объекти соҳиби, ошкор этилмаган ахборотлар эгаси)нинг ҳуқуқӣ муҳофаза остидаги объектдан фойдаланиши ўзига тегишли ҳуқуқларни белгиланган тартибда ва маълум шартлар

асосида учинчи шахсларга беришга лицензия (рухсатнома) дейилади [4; 248–249-б.].

Интеллектуал мулк объектдан фойдаланишнинг энг кенг тарқалган ва универсал ҳуқуқий воситаси бу лицензия шартномалари ҳисобланади. Лицензия шартномасини тузиш, фойдаланувчининг автоматик тарзда унга розилик бериши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сифати, камчиликлар, тарафларнинг жавобгарлиги каби шартларга ҳар доим ҳам эътибор берилмаслиги ҳуқуқ эгаларининг ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказиши. Шу боисдан, бугунги кун мазкур шартнома билан боғлиқ муҳим қоидалар ва ушбу муносабатларни тартибга солишга доир илмий ишланмаларни тақозо қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк объектларига нисбатан лицензия шартномасига доир муайян қоидалар

хорижий мамлакатлар қонунчилигида белгилаб қўйилган. Жумладан, Германия Федератив Республикаси қонунчилигида лицензия шартномаси конструкцияси мавжуд эмас ва ушбу шартномани самарали, деб ҳисоблашмайди. Агар шартнома бўйича мулк ҳуқуқ ўтказилса, унда шартномада ўтказилаётган мулк (мутлақ) ҳуқуқлар ҳажми ва хусусияти аниқланиши лозим [5; 126–128-б.]. Бунда агар интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлар, агар лицензия шартномасида кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда, ушбу ҳуқуқ лицензиатга берилмаган ҳисобланади. Интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш усулларини белгилашни назарда тутати. Ушбу усуллар, албатта, лицензия шартномасида белгиланиши лозим.

Лицензия шартномаси умумий қоида бўйича ёзма шаклда тузилиши лозим. Ушбу қоидадан истиснолар ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, Россия Федерацияси Гражданлик кодексига кўра, даврий нашрларда асардан фойдаланишда шартнома оғзаки тузилиши мумкин (1286-модда). АҚШда бундай шартнома тузиш ўзига хос тарзда ўрамли (оберточная лицензия – shrinkwrap license) лицензия номини олган. Фойдаланишнинг бошланиши шартнома шартлари келишилганлигини назарда тутати. Бошқа хорижий мамлакатлар, масалан, Германия, Италия, Нидерландия, Швейцария, Япония каби мамлакатларда ҳар иккала шаклда, яъни оғзаки ва ёзма шаклда тузилиши мумкин [6; 165-б.].

Таъкидлаш лозимки, интеллектуал мулк объектини лицензия шартномаси асосида фойдаланишга бериш, аввало, лицензиарда мутлақ ҳуқуқ мавжуд бўлишини тақозо этади. Ушбу ҳуқуқ юридик адабиётларда «истисно ҳуқуқ» тарзида ифодаланади.

Бу борада интеллектуал мулк





ҳуқуқига оид назарияларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Жумладан, истисно ҳуқуқ назарияси юридик адабиётларда алоҳида қайд қилинади. Истисно ҳуқуқ назариясида асосий эътибор ҳуқуқлар мажмуига эмас, ушбу ҳуқуқларнинг позитив ва негатив жиҳатларига қаратилади. Мазкур назарияга кўра, истисно ҳуқуқнинг мазмунини унинг соҳибига берилган ваколатлар ва у томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган имкониятлар ташкил этмайди, аксинча, ҳуқуқ эгасининг ўз ҳуқуқини ҳар ким томонидан бузмаслигини талаб этиш ва ундан фойдаланиш истагида бўлган шахсларнинг ҳуқуқ эгаси розилигини олиш ҳисобланади.

Истисно ҳуқуққа нисбатан «эгаллаш» тушунчасини қўллашда баҳсли ҳолатлар мавжуд. Л.В.Галперин, Л.А.Михайлова-лар истисно ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал мулк объектларига нисбатан эгаллаш ҳуқуқи категориясини қўллаш мумкин, деб ҳисоблайди. Б.У.Ахмаджонов эса, эгалик қилиш элементи номоддий объект бўлган ғоя ва билимга татбиқ этилиши мумкин эмас, – деган хулосага келади. Унинг фикрича, ғоя ва билимни қўлда ушлаб туриб бўлмагани каби, уни бирон жойда сақлаб қолишнинг ҳам имкони бўлмайди. Зеро, муайян интеллектуал фаолият натижаси фақатгина учинчи шахслар идрок этадиган объектив шаклга келтирилганидан сўнг, ҳуқуқ

объекти сифатида эътироф этилади ва муҳофаза этилади. Бу эса, ўз навбатида, ғоя ва билимнинг учинчи шахсларга маълум бўлишини ва муаллифнинг унга нисбатан эгалик қилиши мантиқсиз ҳолатга айланишини таъминлайди. Айнан шу жиҳат ҳам интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқнинг ашёга нисбатан ҳуқуқдан фарқли жиҳатини англатади [7; 15-6].

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни тақдим қилиниши, бу борада ижодкорларга имконият ва имтиёз берилиши аввало янги ихтиролар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Унинг моҳияти ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

И.С.Резникованинг фикрича, ўзига тегишли ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида суд орқали талаб қиладиган талабларнинг чекланган рўйхати мавжуд бўлиб, уларни сотишни таклиф қилиш, сотиш ва контрафакт товарларни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни содир этишни таъқиқлаш, жавобгар ҳисобидан низоли қурилгани йўқ қилиб ташлаш, етказилган зарани қоплаш ёки компенсацияни талаб қилишдан иборат [8; 42-6.]. Бу ўринда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланмаганлиги, турлича талабларни қўйилишига процессуал қонунчиликнинг йўл қўйиши, асосийси даъвони



таъминлаш чораси ва даъво предметига доир талабларни аниқлаштириш муҳим.

С.И.Крупконинг фикрича, мутлақ ҳуқуқни юридик тақдирига таъсир кўрсатувчи, уни тасарруф қилишга доир ҳаракатларни бошқа юридик ҳаракатлардан фарқлашга имкон берувчи мезонлардан бири бўлиб ҳуқуқ эгаларининг эркин тижорат муомаласига киритиш бўйича юридик ҳаракатларни содир этиши ҳисобланади. Ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим қилишда мутлақ ҳуқуқ тасарруф қилинади. Ихтирони амал қилиши бўйича низолашилганда статик муносабатлар, яъни ихтирони муҳофаза қилишга доир муносабатларга киришилади [9; 41-б.]. Мутлақ бу ўринда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги зарур. Ҳуқуқ эгаси ўз хоҳишига кўра фойдаланиши, мазкур ҳуқуқни бошқа шахсларга фойдаланишга рухсат бериши ҳам мутлақ ҳуқуқни тасарруф этишни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1083-моддасида патент билан муҳофазаланган ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидаги ўз хоҳишича фойдаланишдаги алоҳида ҳуқуқ, шу жумладан муҳофазаланган ечимларни қўлланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш, патент билан муҳофазаланган технологик жараёнларни ўз ишлаб чиқаришида қўллаш, муҳофазаланган ечимга эга бўлган маҳсулотларни сотиш ёки сотишга таклиф этиш, тегишли маҳсулотларни четдан келтириш

ҳуқуқи патент эгасига тегишлидир деб кўрсатилган. Бу ўринда алоҳида ҳуқуқ аслида Фуқаролик кодексининг моҳияти бўйича мутлақ, яъни истисно ҳуқуқни ўзида ифодалайди. Шу билан бирга асосан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланишга эътибор қаратилган.

Фикримизча, Фуқаролик кодексининг 1083-моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ:

1083-модда. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасидаги фойдаланиш ҳуқуқи

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига нисбатан истисно ҳуқуқ патент эгасига тегишлидир.

Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига нисбатан истисно ҳуқуқ агар бу бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаса, ўз хоҳишига кўра фойдаланишни, бошқа шахсларга фойдаланишга рухсат бериш ёки фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқини назарда тутаети.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданское право. Учебник. – М., БЕК, 1994. Т.1. 314 с.
2. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. – Тошкент: ТДҶОУ, 2003.
3. Ахмаджонов Б.У. Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни муҳофаза қилиш // ТДҶОУ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №3. – Б. 56-57.
4. Гражданское право. Учебник. – М., БЕК, 1994. Т.1. 314 с.
5. Янковенко Д.А. Договорное оформление передачи прав на программы для ЭВМ в гражданском законодательстве Германии. Д.А.Янковенко // Научно-правовой журнал «Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата». 2013. – №3. – С. 126-128.
6. Канашевский В.А. Лицензионный договор в законодательстве и практике зарубежных государств // Закон. – 2011. – № 4. 165-б.
7. Ахмаджонов Б.У. Фуқаролик ҳуқуқида мутлақ ҳуқуқлар мазмуни ва уларни амалга ошириш муаммолари: юрид. фан. номз. ... Дисс. автореферати. – Тошкент: ТДҶОУ, 2011.
8. Резникова И.С. Судебная защита исключительных прав на полезные модели и изобретения. Имущественные отношения в РФ. 2017. №7 (190). С.42-46.
9. Крупко С.И. Правовой режим совместного обладания исключительным правом на изобретение: актуальные проблемы в свете применения части 4 Гражданского кодекса Российской Федерации. Имущественные отношения в РФ. 2018. №12 (207). С.41. с.31-43.



**Саволларга Тошкент вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг судьяси Раҳмонжон МАДУМАРОВ жавоб беради.**

**— Сиз учун судья ким, яъни уни қандай таърифлайсиз?**

— Мен учун судья адолат тарозиси ишониб топширилган инсондир. Адолат тарозиси ҳар кимга ҳам ишониб топширилмайди. Шунинг учун ҳам унинг палласини ҳар доим тўғри тутадиган инсон (судья) виждонли, ҳалол, пок, адолатли, ҳақиқатгўй, қатъиятли ва ўз соҳасининг билимдони ҳамда одил судловни амалга ошириш жараёнида ўта маданиятли, хушмуомала ва бегараз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман.

**— Ҳукм чиқаришда ҳеч адашганмисиз?**

— 12 йиллик судьялик фаолиятим даврида адашмаганман десам, албатта, бу нотўғри бўлади, беайб – Парвардигор. 2001 йил бошларида илк судьялик фаолиятимни бошлаган вақтимда хато ва камчиликларга йўл қўйганман, лекин бу хатолар жуда кўпол хатолар сирасига кирмайди (асосан процессуал хатолар). Ушбу хатоларим юқори турувчи судлар томонидан қонунга мувофиқлаштириб қўйилган.

**— Чарчаган пайтларингизда нима билан шуғулланасиз?**

— Мен ишдан чарчаган пайтларимда дам олиш учун оила аъзоларим – отам, укаларим, сингилларим, фарзандларим ва набираларим билан бўлишга ҳаракат қиламан. Улар билан бирга бўлган пайтларим чарчоқларим унутилади.

**— Бирон фарзандингизнинг судья бўлишини истайсизми?**

— Икки нафар фарзандим бор. Қизим



2009 йилда Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Ҳозирги кунда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига қарашли “Қолмоқир” конида стандартлаш ва сертификатлаш бошқармасининг етакчи муҳандиси бўлиб ишлайди. Оилали уч нафар фарзанди бор.

Ўғлим 2009 йилда Тошкент давлат халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Ҳозирги кунда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг касаба ушмасида етакчи мутахассис бўлиб ишлайди. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Фарзандларим иккаласи ҳам ушбу касбларни ўзлари қизиқишларидан келиб чиқиб танлашган, мен уларга эътироз билдирмаганман.

**— Бадий адабиётга муносабатингиз қандай?**

— Бадий адабиётга муносабатим жуда ҳам яхши. Китоб мутолаа қилишни яхши кўраман. Бўш пайтларимда ўзбек ва жаҳон адабиётидан (кўпроқ рус адабиёти) мутолаа қилиб тураман. Мутолаа иш фаолиятимда катта ёрдам беради.

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**Баҳодир  
ИСРОИЛОВ,**  
иқтисод фанлари  
доктори, профессор

*Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва халқаро субъект сифатида дунё мамлакатлари томонидан эътироф этилиши давлат зиммасига бир қатор умумэътироф этилган халқаро меъёрларни бажариш мажбуриятини ҳам юклайди.*

Иқтисодий интеграциялашув жараёнлари қайд этилган ижобий жиҳатлари билан бирга жамият ва давлат учун хавfli оқибатларга ҳам сабаб бўлади. Айти пайтда, дунё иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, аҳолининг яшаш сифати даражаси ошиши билан бирга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш кўрсаткичларининг ҳам ўсишига таъсир этиши кузатилмоқда.


Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тарқатилган маълумотлар дунё бўйича йиллик порахўрлик билан боғлиқ маблағлар айланмаси ҳажми 1 трилион долларни ташкил этиши ва бунинг оқибатида дунё иқтисодиёти 2, 6 трилион доллардан маҳрум бўлиши ҳамда ушбу йўқотиш дунё ЯИМнинг 5

фоизидан иборатлигини қайд этади [1].

Халқаро нуфузли ташкилот томонидан тарқатилган ушбу рақамлар мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликлар халқаро характерга эгаллиги ва унинг оқибатлари ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар учун ҳам салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган долзарб ижтимоий хавfli иллат эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўплаб давлатларида аҳоли турмуш даражасини ошириш омили бўлган иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида, турли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ислохотлардан кўзланган мақсад қанчалик ижобий бўлмасин, уларнинг айримлари коррупция даражасини ошириши ва унинг гуллаб яшнашига шарт-шароит яратмоқда. Чунки жамиятдаги консерватив қарашлар, одатлар ва қонунчиликдаги жузъий нуқсонлар, ислохотларни амалга оширишга тўсиқ бўлиши билан бир вақтда мазкур қонунларни самарали қўллаш механизмига жиддий таъсир ўтказмоқда. Фақат қонунларни қабул қилиш билан жамиятдаги коррупция ҳолатларига барҳам бериб бўлмаслиги дунё амалиёти тажрибасидан маълум.

Маълумки, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими бошқарувдаги муаммоларнинг ечимидан бошланади. Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолат ҳамда давлат бошқарув тизимига бўлган ишончига жиддий путур етказадиган муаммоли энг хавfli иллат коррупция ҳисобла-





нади. Мамлакатимизда ана шундай оғир жиноятни содир этган 1 минг 177 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарликка тортилгани бунинг яққол далилидир [2].

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъмурий аппарат ишининг нечоғли самарадорлигига боғлиқ. Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда улкан бюрократик аппарат унинг ривожланишига тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг бозор ислохотлари, ижтимоий вазибаларни бажаришга доир саъй-ҳаракатларига халақит беради. Бундай ҳолат рўй бермаслиги учун давлат маъмурий тизимини ислоҳ қилишга ҳамда уни замон талабларига мослаштиришга мажбур.

Бу эса бошқарув тизимида жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражадаги бошқарув органлари фаолиятини жиддий танқидий таҳлил қилиш асосида маъмурий ислохотларни амалга ошириш зарурлигини талаб қилади.

Таълим тизими соҳаларни, мамлакатни бошқарадиган ёш авлодни тарбиялайди. Давлат ривожланишининг келажаги мамлакатда йўлга қўйилган таълим тизими натижаларига боғлиқдир. Таълимнинг қанчалик ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини таълим олувчилар ва таълим берувчиларга етказиш мақсадида Жанубий Африкадаги Стелленский университети пештоқида “Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ масофага етиб борадиган ракета шарт эмас. Бунинг

учун таълим сифатини пасайтириш ва имтиҳонларда ўқувчилар билимини ёлғон баҳолаш етарли. Бемор шундай врач қўлида вафот этади. Бино шундай қурувчи қўлидан нурайди. Пул шундай иқтисодчи ва бухгалтерлар қўлида талон-тарож бўлади. Адолат шундай юрист ва судьялар қўли вайрон бўлади. Таълимнинг бузилиши-миллатнинг йўқолишидир”, мазмундаги битик ёзиб қўйилган [3].

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий соҳалар билан бир қаторда кадрлар сиёсатида ҳам амалга оширилаётган ислохотлар хорижий давлатлар тараққиётида ҳам кузатишганлиги - ушбу ислохотлар зарурияти қонуниятли эканлигини исботлайди.

Фикримизнинг исботи сифатида 80-йилларда жаҳоннинг етук давлатларида амалга оширилган бошқарув тизимини янгилаб, кадрлар сиёсатининг янги тизимига ўтилганлигини; МДҲ мамлакатларида кадрлар сиёсати ислохотининг миллий тараққиёт шарти сифатида ислоҳ қилинаётганлиги каби кўплаб тарихий намуналарни келтириш мумкин.

Миллий давлатчиликнинг шакллантириш жараёни жамиятининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётини ислоҳ этиш билан узвий боғлиқ бўлиб, янгидан таркиб топаётган ижтимоий муносабатлар талабларига тўлиқ жавоб берувчи кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини шакллантиришни тақозо этади. Мамлакатда давлат ва жамият қурилиши янгидан шаклланаётган тузумларнинг фаоллиги, қобилиятли-

ги билан бирга, ушбу жараёнда етакчи ўринга чиқадиган уларнинг фаоллигига ҳам боғлиқ бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенга кўламли ислохотлар ва уни мазмун-моҳиятини англайдиган ҳамда ижросини таъминлай оладиган раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни кўриш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 7 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балого қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт” [2], деб таъкидлагани бежиз эмас.

2019 йилда мамлакатимизда таълим тизими коррупциясиз соҳа бўлиши учун

махсус дастур тайёрланиб, унинг ижросини таъминлаш учун сайъи ҳаракатлар бошлаб юборилди. Лекин таълим тизимида коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқламасдан унга қарши курашиш етарли самара бермайди. Шу сабабли дунёнинг барча мамлакатлари коррупцияга қарши курашишни айнан унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишдан бошлайди.

Таълим тизимида коррупция ҳолатларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган натижалар бўйича Россия Олий иқтисод мактаби Давлат университети тадқиқотчилари ҳар йили таълим тизимида порахўрлик миқдори 1 млн. доллардан ошишини қайд этади [4, 15 б.].

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламига қарамасдан ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар кўпаймоқда. «Транспаренси Интернешнл» халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан эълон қилинган маълумотларига кўра 2018 йил якунлари бўйича Ўзбекистон коррупция даражаси индекси бўйича 180 мамлакат орасида 158 ўринни эгаллаган [5]. Ушбу кўрсаткич даражаси 2017 йилга нисбатан бир поғонага пасайганлиги ушбу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўламини кенгайтириш зарурли-



гини кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилган маълумотлар таҳлили машҳур мутафаккир Арасту томонидан «ҳокимлик юки тушган киши тез ўзгаради», дея билдирган фикр ҳанузгача долзарблигини йўқотмаганлигини кўрсатмоқда [6].

Таълим тизимидаги коррупция ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўлларини ўрган олимлар уларни қуйи ва юқори даражаларга бўлиб тадқиқ этишни таклиф этади [7].

Қуйи даражада содир этиладиган коррупция ҳолатлари ўқув жараёнида содир этилади. Жумладан, қуйи коррупция ҳолатлари сифатида қабул жараёни, ўқув сессиялари натижаларида баҳолаш ва якуний аттестацияда содир этиладиган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Юқори даражадаги коррупция ҳолатлари эса олий таълим муассасини аккредитациялаш, таълим фаолиятини лицензиялаш, квоталар ажратиш ва бюджетдан маблағ ажратиш билан боғлиқ ноқонуний ҳатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Стефан Р.Хайнеман “Таълим ва коррупция” асарида коррупциядан холи таълим тизимининг хусусиятлари:

- таълим олиш тизимининг тенглиги;
- ўқув дастурлар ва материалларининг тўғри тақсимланиши;
- таълим муассасалари аккредитациясининг шаффофлиги ва ҳалоллиги;
- таълим маҳсулотлари ва хизматлари кўрсатишнинг ҳалол ва сифатлилиги;
- таълим стандартлари талабларига таълим муассасалари ва профессор-ўқитувчилари, мулкдорлари томонидан тўлиқ амал қилиниш каби ҳолатларда намоён бўлишини қайд этади [8].

Давлат бошқаруви тизимидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига



лозим даражада муносабат билдириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш оқибатида одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишни таъминлаш имконини беради.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш” 2017-2021 йилларда амалга ошириладиган ислохотларда устувор вазифа сифатида белгиланиши муҳимлигини исботлайди[9].

Мазкур устувор вазифани бажариш давлат бошқарув, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва давлат хизматчилари малякасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини

жорий этишни талаб этади.

Шу боис каттаю-кичик раҳбарларнинг муҳим вазифаларидан бири жадвал ислохотлар даврида халқимизни оғирини енгил қилиш ҳисобланади. Бу эса раҳбарларни, ҳам билим-ўқуви, ҳам истеъдод ва салоҳияти билан замон талабига жавоб берадиган, ислохотлар моҳиятини чуқур англайдиган кадрлар бўлишини талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги Фармони билан коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида белгиланган асосий вазифалардан бири, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш масаласи ҳисобланади. Мазкур ҳужжатда ислохотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилингани қайд этилган.

Лекин иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилади. Коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги эса аҳоли ва ёшларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти каби омилларга боғлиқ ҳисобланади.

Шу сабабли Фармонда 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб “ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш” тартиби жорий этилди [10]. Ёшларда таълим йўналишидан қатъий назар таълимнинг барча босқичида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билимни эгаллаши шахсда коррупцияга муросасизлик кайфиятини шаклланишига хизмат қилади.

Фармонда таълим босқичида талаба ва ўқувчиларга мактаб, коллеж, лицей ҳамда олий таълим муассасасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билим бериш тартибини жорий этилиши ижобий натижалар беради, деб ҳисоблаймиз.

Қайд этилганлар таълим тизимида



коррупция ҳолатларига барҳам бериш ва таълим тизимида коррупция ҳолатларини олдини олиш учун белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадларида қуйидаги тартибларни амалиётга жорий этиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- қабул имтиҳонлари жараёнларининг янада шаффофлигини таъминлаш мақсадида сиртқи ва кечки таълим тизимида қабул қилишнинг суҳбат асосида қабул қилиш тизимидан воз кечиш ва тўғридан-тўғри буюртма бўйича қабул қилиш;

- қабул имтиҳонларини йил давомида шаффофлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш механизмини жорий этиш;

- имтиёз билан таълим муассасасига қабул қилиш тартибидан тўлиқ воз кечиш ва олимпиада, мусобақалар ғолиблари, имтиёзли ўқувчилар учун тест синовлари бўйича тўплаган умумий баллларини 10 фоиз миқдорида қўшимча бериш тартибини жорий қилиш;

- таълим бериш тизимини қандай мақсадда ўқитиш, ким томонидан ўқитиш, қандай усулда ўқитиш, таълим тизимини қандай ташкил этиш ва бошқариш ҳамда холис якуний аттестация таъмоийллари асосида ташкил этиш;

- тўлиқ степендиясиз ўқитиш тизимида ўтиш;

- таълим сифатини ошириш мақсадида якуний назоратларни таълим муассасасиз ўтказиш механизмини йўлга қўйиш;

- ишга қабул қилишда кадрлар билими даражасини хусусий амалиёт орқали баҳолашга ўтиш.

Фикримизча, давлат таълим сиёсатида раҳбар кадрлар муаммосига юқори даражада эътибор берилиши, унинг сабабларини чуқур илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этиш зарур.

Шунингдек кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг янги концепцияси ҳамда коррупциясиз таълим дастурини ҳозирги замон сиёсатшунослик илми

ва коррупцияга қарши курашиш амалиёти, ҳамда унинг назарий-методологик жиҳатларини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиш - Ўзбекистоннинг Буюк келажаги учун хизмат қилади, деб ўйлаймиз.



### Фойдаланилган манбалар руйхати:

1. <http://www.kun.uz>. 9 декабрь 2018 йил.
2. Ш.М.Мирзиёев. Билимни авлод – буюк келажаkning, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса таълимнинг кафолатидир. <http://prezident.uz>.
3. <http://Google>.
4. С.П.Юхачев. Коррупция в системе образования: типология и последствия // Социально-экономическая явления и процессы.-2008.-№3.-с.47.
5. <https://www.transparency.org/news/pressrelease/2018>.
6. Қ.Назаров. Фарб фалсафаси. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент-2004.
7. А.А. Салюк, М.А.Матненко. Коррупция в сфере образования как социальное явление: проблемы и пути их решения. // Молодой ученый. — 2016. — № 9. — с. 11. Актуальные проблемы права. Н.А.Бейсембаева. Проблема коррупционности в сфере образования и пути её решения в современной России // Молодой ученый. — 2016. — № 9. — с. 67.14 Актуальные проблемы права. Г.Г. Кузнецов Г. Г. Коррупция в РФ: противодействие и ликвидация// Международный журнал экспериментального образования. — 2014. — № 6. — с. 58.
8. Хайнеман Стефан Р. Образование и коррупция // Народное образование. 2004. № 9.
9. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 февралдаги 4947-сонли Фармони. Т.:Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
10. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги 5729-сонли Фармони. Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон.

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЁЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



**Нихолбек ФАНИЕВ,**  
Тошкент давлат  
юримдик университетининг  
муштақил  
изланувчиси

**Бугунги кунда инсоният ҳаётини ва унинг ривожланишини ахборот алмашинувисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, ахборот шахснинг кундалик эҳтиёжларини таъминлашдан тортиб, унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларда фаолияти олиб боришини ҳам таъминлаб турадиган, инсон фаолиятини йўналтирадиган ҳамда шахс сифатида ҳар томонлама ривожлантирадиган асосий манбалардан биридир. Зеро, кишининг шахс сифатида камоли ва ҳаётий фаолиятининг даражасини белгловчи мезонлардан бири унинг қанча миқдорда ва сифатдаги ахборотга эгаллиги билан боғлиқ бўлиб, бу вазиятда ахборот деганда, тақдим этилиши шаклидан қатъий назар турли хилдаги маълумот (хабар)лар тушунилади. Шу боис ахборотни олиш, ундан фойдаланиш ва ўтказиш воситаларининг ўрни, ахборотни етказиш ва узатиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳимдир.**

Ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви ва технологик инновацияларнинг ривожланиши телекоммуникация соҳасини жамият ҳаётининг янги вужудга келаётган тизим сифатидаги роли ошишига сабаб бўлди. Ушбу соҳадаги технологияларнинг доимий ўзгариб бориши, бозордаги рақобат даражасининг юқорилиги, телекоммуникация муносабатларнинг мураккаб тузилиши мазкур соҳани комплекс тартибга солиш заруратини асослантиради. Телекоммуникация компаниялари фаолияти корпоратив, шартнома ва меҳнат ҳуқуқи нормалари билан анъанавий тартибга солиниши билан бирга, турли соҳаларга тааллуқли катта ҳажмдаги норматив ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирида бўлади. Хусусан, телекоммуникация бозорида шаклландирган муносабатларни шартли равишда учта йўналишга ажратиш мумкин: 1) инфратузилмаси ва тармоқни яратиш ва эксплуатация қилиш; 2) телекоммуникация хизматларини кўрсатиш;

3) давлат томонидан тартибга солиниши (лицензиялар ва назорат қилиш).

Телекоммуникация инфратузилмасини яратиш ва эксплуатация қилиш шаҳарсозлик ва фуқаролик кодексарини ва улар асосида чиқариладиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан, шунингдек ер ва уй-жой кодексининг айрим нормалари билан ҳамда алоқа тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.


Телекоммуникация хизматларини кўрсатишда операторлар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги 512-ХII-сон “Алоқа тўғрисида”-ги, 1999 йил 20 августдаги 822-И-сон “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, 1997 йил 24 апрелдаги 400-И-сон “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, 1997 йил 26 декабрдаги 541-И-сон “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунларга риоя қилишлари лозим. Зеро ушбу қонунларда ахборот соҳасидаги давлат хавфсизлиги, терроризмга қарши кураш, фуқа-

роларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, ахборотни олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатиш эркинлиги тамойиллари ўз ифодасини топган ва ушбу ҳолатлар операторларнинг телекоммуникация хизматлари соҳасидаги фаолиятида қатъий амал қилишлари талаб этиладиган мезонлар саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сонли Фармонида телекоммуникация соҳасини ривожлантириш, бу соҳани ривожлантиришга нисбатан инновацион ёндашувларни жорий этиш масалалари белгиланган. Бу эса айни пайтда телекоммуникация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини ривожлантириш ҳамда соҳада изчил ва барқарор ислохотларни амалга оширишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, “Телекоммуникация” атамаси грек тилидан таржима қилинганда “tele” узоқда, ва лотинча communico – “умумийлаштираман”, лотинча “communication” – хабар, узатиш маъноларини англатади<sup>1</sup>, яъни, бунда сўз узоқ масофага хабарни етказиш ёки муайян масофадан туриб ахборотни олиш мумкинлигини (ахборот “умумийлашуви”) ҳақди кетади. Шу жиҳатдан мазкур термин ахборотни масофадан туриб узатиш бўйича хизмат кўрсатишни англатади ва фойдаланилаётган технологиялар (рангли нурлар, радиотўлқинлаш, бевосита электр импульслар)га боғлиқ бўлмайди<sup>2</sup>.

“телекоммуникация” термини техник ва технология воситалар ва усуллар ёрдамида ахборотни масофадан туриб узатиш англатадиган тизимни англатиши лозим. Бунда қабул қилиш ва қайта ишлаш ҳам бевосита масофадан туриб амалга оширилишини ҳисобга оладиган бўлсак, улар учун зарурий ва айрим ўринларда якуний элемент барибир узатиш ҳисобланади. Чунки, ахборот алмашинуви ва у билан ишлаш масо-



фадан амалга оширилар экан бунда бирламчи элемент узатиш бўлмоғи лозим, акс ҳолда ахборотни қабул қилиш ёки уни қайта ишлаш жараёни амалга ошмайди. Ахборот бирламчи манбадан узатилганидан кейингина уни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаб қўйиш, қайта жўнатиш ёки бошқа электрон ёки телекоммуникацион манзилларга қайта узатиш мумкин бўлади. Телекоммуникациянинг бош ва асосий мезони масофадан ахборот бўйича жараёнларни амалга ошириш бўлганлиги сабабли ҳам “узатиш” асосий масала бўлиб қолади.

Амалдаги қонунчиликда “телекоммуникация” термини эмас мазкур соҳада қўлланилаётган “телекоммуникациялар” терминига изоҳ берилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасига кўра, “телекоммуникациялар – сигналлар, белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш” сифатида белгиланган.

Бу ўринда қонунчиликнинг “лар” кўплик қўшимчаси орқали “телекоммуникация” терминига легал тушунчани ифодалашида муайян маъно мавжуд албатта, чунки, бу термин бирликда фақат битта ускуна ёки битта тармоқни англатиши ва ахборотни масофадан туриб узатиш ва у билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олмаслиги мумкин. Шу

сабабли ҳам “телекоммуникация” терминини кўпликда ифодалаш орқали қонунчиқарувчи турли эътирозлар ва ҳар хил талқиннинг олдин олишга ҳаракат қилган, албатта. Бироқ нима бўлганда ҳам “телекоммуникация” термини бирликда ифодаланиши ва ушбу атаманинг моҳияти очиб берувчи асосий жиҳатлар ва элементлар изоҳланиши зарур. Зеро, ҳуқуқий термин ҳисобланган “телекоммуникация” ўзбек тилида қўлланилаётганлигига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ, бу эса ўз навбатида уни тушуниш ва талқин этишда қийинчиликларни вужудга келтириш мумкин.

Украинанинг 2003 йил 18 ноябрдаги “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига кўра, телекоммуникациялар (электр алоқа) – белгилаш, сигналлар, матнлар, тасвирлар ва товушлар ёки ҳар қандай кўринишдаги ахборотни радио, ўтказгичли, оптик ёки бошқа электромагнит тизими бўйича узатиш, ажратиш ёки қабул қилишдир.

Германиянинг 2004 йил 22 июндаги “Телекоммуникациялар” тўғрисидаги Қонунига кўра, “телекоммуникация” белгилар, сигналлар, тасвирлар ёки овозлар кўринишидаги ҳар қандай ахборотни телекоммуникация ускуналари ёрдамида жўнатиш, узатиш ва қабул қилишни англатади.

Умуман олганда, телекоммуникация тушунчасининг легал таърифини

шаклланишда давлатлар бир хилда ёндашишади ва уни “объект – жараён” конструкциясининг уйғунлигида тавсифлашади. Чунки телекоммуникация фақат узатишдан иборат бўлмайди ҳамда буни (узатишни) амалга ошириш воситаси ҳам одатдаги, анъанавий узатишдан фарқли равишда “ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлар” орқали таъминланади. Шу сабабли телекоммуникация тушунчасида ифодаланган объект – ахборот ва унинг кўринишлари бўлса, жараён – узатиш усули ва қурилмаларини англатади. Масалан, мобиль телефон алоқа воситаси орқали ахборотни оғзаки етказиш ёки SMS хабар матнини жўнатиш узатиш усули ҳисобланса, телефон қурилмаслиги ва электромагнит тўлиқидан тутиш ва хабарларни юбориш қўрилмаси “қўл телефони” ҳисобланади.

Телекоммуникациянинг моҳиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир жиҳат унинг хизмат кўрсатиш объекти эканлиги билан боғлиқ. Шу сабабли телекоммуникация хизмат кўрсатиш муносабатларининг объекти сифатида муайян белгилар ва шартларга жавоб бериши лозим лозим бўлади. Яъни, телекоммуникация хизматлари фақат тегишли қурилмани муайян тармоққа улаш ва ундан тармоқ доирасида ахборот айирболаш воситаси сифатида фойдаланишни таъминлашни англатиши ёки ҳуқуқ субъектлари ўртасида комплекс тусга эга бўлган ҳамда тегишли қурилмаган эга бўлган абонентни тармоққа улаш орқали ахборотни узатиш ва қайта ишлаш функцияларини таъминлаб беришдан иборатлигини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Қоидага кўра, телекоммуникация хизмати умумий маънода ахборотни узатиш, қайта ишлаш ва сақлашни ўзида ифодаладиган ва буни техник ва технологик восита, ускуна ва қурилмалар орқали амалга оширадиган механизм ҳисобланади. Лекин бу жараёнда буюртмачи (хизматдан фойдаланувчи, абонент, истеъмолчи) ва ижрочи (теле-



коммуникация хизматини кўрсатаётган оператор, провайдер ёки бошқа шахс) ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг объектини нима ташкил этишини белгилаш муҳимдир.

Таъкидлаш лозимки, халқаро амалиётда асосий телекоммуникация хизматлари (basic telecommunications services) сифатида телефон сўзлашуви алоқаси, телекс, телеграф, факс, ажратилган тармоқ (хусусий ижарага олинганлар) хизматлари киради алоқа хизмат тушунилади<sup>3</sup>. “Тоза хизматлар” билан бирга алоҳида ажратиладиган “хизматлар деб номланадиган”лари цивилистлар ўртасида баҳс мунозарага сабаб бўлади<sup>4</sup>. Хусусан, бу ҳолатда амалий ечимлардан бирини Д.И.Степанов таклиф этади. Унинг фикрича, аралаш шартноманинг қўлланилишида хизмат кўрсатишнинг хусусияти (хизмат кўрсатиш ва уни қабул қилишнинг бирлиги) ва олинаётган натижанинг жисмоний объект кўринишида мавжудлиги инобатга олинади лозим. Муносабатларнинг расмийлаштиришнинг бундай моделини қўллаш ателекоммуникация фаолияти учун ҳам сослидай кўринади. Бироқ бу асосий муаммони яъни, телекоммуникация хизматларга ёки иш бажаришга киришини ҳал этмайди.

Кўплаб юридик шахслар учун телекоммуникация фаолиятининг бошқа йўналиши бўлиб ўзларига тегишли телефон линиялари, таъсис этилган алоқа станциялари ва бошқа объектларга жорий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бўлган ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бундай фаолиятни хўжалик фаолияти, мазкур вазиятда юзага келган муносабатларни эса – хўжалик муносабатлари сифатида эътироф этиш мумкин. Замонавий воқеъликлар шароитида телекоммуникация фаолиятининг мазмуни кенгайиб бормоқда. Хўжалик ва бошқарув циклларида компьютер тармоқлари, радио алоқа воситалари, сунъий йўлдош (спутник) ва алоқанинг бошқа турлари телекоммуникация фаолиятини интеграциясидан, айрим ҳо-



латларда эса бошқарув, хўжалик, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар билан интеграциясидан далолат беради.

Телекоммуникациялар соҳасининг шиддат билан ривожланиши эса “рақамли” ахборот алмашинуви вужудга келиши ва кенг тарқалиши билан боғлиқ. Замонавий “рақамли эра” етакчи сиёсатчилар (хусусан АҚШ сенати қўмитаси раҳбари, сенатор Конрад Бёрнс) томонидан Интернет ва телекоммуникация индустриясининг кесишган чорраҳаси сифатида эътироф этилмоқда<sup>5</sup>. Бу эса телекоммуникация тизимли ва тармоқлари кейинги йилларда тўлиқ рақамли ускуналар ва воситаларга ўтиб кетиши муқарраллигини кўрсатади. Бунда фаолиятнинг турли соҳаларида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таркибида телекоммуникациялар (стационар ва мобил телефонлар; компьютерлар, шу жумладан интернет ва бошқа тармоққа уланганлари) ахборот жамиятнинг ривожланиш омили билан бирга аҳоли ва юридик шахсларнинг ахборот ҳамжамиятига тайёрлиги индексини ташкил этади. Мазкур ҳолат эса ўз навбатида телекоммуникация хизматлари доираси, ушбу хизматдан фойдаланувчиларнинг имконияти ва тегишли билим ва малакага эга бўлишларини талаб этади. Шу сабабли телекоммуникация хизматлари учун муҳим бўлган истеъмолчиларнинг ахборот ҳамжамиятига тайёрлик ҳолати

хам хизматлар даражаси ва сифатини белгилаб беради.

Телекоммуникацияси соҳасини ҳуқуқий тартибга солишда телекоммуникация хизматларининг объекти, ушбу ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти ва ўзига хослигини аниқлаш муҳим ўрин тутди.

Телекоммуникация соҳасидаги махсус объектлар бўлиб ресурслар ва трафиклари ҳисобланади. Ушбу объектларнинг умумий классификацияга қўшилиши телекоммуникация объектларининг қуйидаги тизимини таклиф этиш имконини беради:

1. Моддий (неъмат) объектлар, шу жумладан: а) алоқа иншоотлари (тармоқ – симли алоқа иншоотлари; радио тармоқли алоқа иншоотлари; қабул қилиш – узатиш маркалари (радио ва телевидения); кўчма радио уяли мобил, транкингли, пейжингли радио алоқа тизимлари; сунъий йўлдош алоқасининг ер станциялари; симли алоқа воситаларининг кўчма иншоотлари; симли узатиш станциялари; бошқариш ва ахборотлаштиришнинг автоматлаштирилган тизимлари; ахборот – ҳисоблаш тизимлари; локал, ҳудудий, глобал тармоқлар; телекоммуникация терминаллари, телекоммуникация инфратузилмасининг бошқа моддий объектлари); б) алоқа ер-

лари; в) инженерлик инфратузилмаси ва алоқанинг ёрдамчи ускуналари; г) алоқа молияси (универсал хизмат резервлари, алоқада инвестициялар).

2. Номоддий (неъмат) объектлар, шу жумладан: а) телекоммуникация инфратузилмаларига кириш; б) симли ва радиочастотали тармоқларнинг абонент базаси; тармоқларнинг манзиллари ва рақамлари маълумотлари базаси; г) радиочастотанинг тайинланган номиналлари маълумотлари базаси; д) алоқа сири.

3. Уларни кўрсатиш бўйича ҳаракатлар, хизматлар ва натижалар (тармоқнинг радиочастотаси, кодлари ва рақамлари; сертификатлар, лицензиялар, рухсатномалар).

4. Мустақил объект сифатида телекоммуникация хизматлари (кириш хизмати, чақириқнинг кириш ва тамом бўлиш хизмати, алоҳида телекоммуникация хизматлари, универсал хизмалар ва бошқарлар);

5. Алоқа хизмати ва объектларига қимматли қоғозлар, лицензия ҳужжатлари, сертификатлар, рухсатномалар, декларациялар.

6. Телекоммуникация ресурслари (ижод маҳсули, интеллектуал фаолият натижалари): телекоммуникация тармоқлари рақамлари ва манзиллари (телефон, телеграф, компьютер, бошқарлар); радиочастотали ресурс (частота, частота чизиқлари ва шу кабилар).

7. Телекоммуникация соҳасидаги ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирадиган махсус телекоммуникация объектлари, - алоқа воситасига келаётган чақирувлар, хабарлар ва сигналлар – трафик – юклама алоҳида ўрин тутди.

Фикримизча, телекоммуникация ҳуқуқий муносабат объектлари классификациянинг амалий аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

Биринчидан, телекоммуникация соҳасидаги ҳуқуқий муносабат объектларининг комплекс табиатини тушуниш муҳимдир. Чунки, ушбу объектлари турли ҳуқуқ нормалари, турли ҳуқуқ



соҳалари билан тартибга солинади. Телекоммуникация муносабатларини бир вақтнинг ўзида турли ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солиш эҳтимоли катта. Масалан, алоқа объектлари учун ер оли ер ҳуқуқи нормалари билан шакллантирилади, кейинчалик улар фуқаролик муносабатлари объект бўлиши мумкин, сўнгра улар тўлиқ ёки қисман фойдаланиш учун алоқа объектига топширилиши мумкин. Алоқа соҳасида ер участкасининг бўлиши, кейинчалик уларни ер, маъмурий ёки фуқаролик муносабатлари объектига ўтишини инкор этмайди.

Иккинчидан, телекоммуникация муносабати объектларининг ҳуқуқий режими турли ҳуқуқ соҳаларининг нормалари таъсирида шаклланади, бироқ телекоммуникация муносабатларида комплекс объект ягона ва бир бутун объект саналади ва субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам айнан мазкур объект бўйича шакллантирилиши лозим. Бу ҳолат телекоммуникация муносабатларнинг яхлитлиги кафолати ҳисобланади. Масалан, оператор телекоммуникация каналини шакллантириш имкониятини кўриб чиқаётган бўлса, ўз навбатида инвестициялаш, лойиҳалаштириш, ускуналарни харид қилиш, канални шакллантириш ва трафикни ўтказиш бўйича барча муносабатлар мазкур каналнинг ҳуқуқий режимини шакллантиради. Бунда ушбу канал лизинг, олди-сотди, аренда ва бошқа муносабатларнинг объекти бўлиши мумкин. Бу лицензиялашга, кириш хизматларининг қийматига, рухсат бериш ва таъқиқлаш ҳамда канал ҳуқуқий мақомнинг бошқа элементларига алоқадор ҳисобланади, бироқ бу оператор учун трафики киришнинг ягона объекти бўлади. Ўз навбатида, мазкур канал бўйича йўналтирилган трафик каналнинг ҳуқуқий мақомига таъсир ўтказмаслиги лозим.

Учинчидан, телекоммуникация соҳасидаги барча ҳуқуқий муносабатлар алал оқибат ахборотнинг жисмсиз оқими сифатида трафик билан боғлиқдир. Бу ҳолат фуқаролик муносабатлари

учун ашё асосий объект бўлиб, муносабатнинг соҳиятини белгилаши каби телекоммуникация ҳуқуқий муносабатлари учун трафик асосий объект саналади ва уларнинг моҳиятини белгилайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, телекоммуникация ҳуқуқий муносабат объекти сифатида комплекс тусга эга бўлган, турли ҳуқуқ соҳаларнинг предмети таркибига кирадиган элементлар ўзида қамраб олган ва шу сабабли у билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳам мазкур соҳа методларидан фойдаланиладиган, хизмат объекти сифати сифатида алоҳида комплекс хизмат турларини қамраб оладиган фаолият соҳаси тушунилади. Телекоммуникация ҳуқуқий муносабат объекти сифатида белгиланганда, унинг муомалада бўлиши билан боғлиқ масалалар асосан фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.



### Фойдаланилган манбалар руйхати:

1. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы; перспективы использования. М.: Школа-Пресс, 1994. – С. 191- 192.
2. Кузнецова О.А. О правовой конструкции единого договора об оказании телекоммуникационных услуг // <http://publishing-vak.ru/file/archive-law-2016-7/2-kuznetsova.pdf>
3. Перечень терминов, краткое описание процедур и договоренностей, принятых в рамках ВТО. “Действующее международное право”, т. 3, в сборнике “Всемирная торговая организация: документы и комментарии” / Под ред. Смирнова С.А.. М., 2001.
4. Степанов Д. Услуги как объект гражданских прав // Российская юстиция, 2000. № 2. С.16.
5. Senator Conrad Burns. Communications Policy for the Next Four Years // FEDERAL COMMUNICATIONS LAW JOURNAL Vol. 57. 2005. N 3 P. 167–174.

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР



**Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,**  
юридик фанлар  
номзоди, доцент



**Олимжон ИСРОИЛОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
хузуридаги Давлат  
бошқаруви академия-  
си мустақил  
изланувчиси

*Европа Иттифоқи ва Ўзбекистоннинг шериклик ва ҳамкорлик соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва ривожланиши. 1996 йил 21 июнда Флоренцияда Европа Иттифоқи аъзо-давлатлари Вакиллари, Еврокомиссия раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти “Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим” (ШХБ)ни имзоладилар. Бу акт билан бирга 17 протокол ва 33 декларация имзоланган. Бу Битим ўзининг кўлами, тартибга солинадиган халқаро масалалар ва томонларнинг ваколатлари даражаси билан ажралиб туради.*

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожидида 1999 йил алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур йилда Европа ҳамжамиятлари ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик битими кучга кирди, ТАСИСнинг янги регламенти қабул қилинди. ШХБ доирасида Европа Иттифоқи-Ўзбекистон биринчи Ҳамкорлик кенгаши 1999 йил 13 сентябрда Брюсселда бўлиб ўтди. Шундан сўнг идоравий учрашувларга йўл очилди ва тенг ҳуқуқли муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий негизлари ҳам мустаҳкамланиб борди.

Бу Битимга кўра Ўзбекистонда халқаро-ҳуқуқий фаолият йўллари белгилаб олинди. Битимда томонлар БМТ уставиди, Хельсинки конференциясининг Яқунловчи ҳужжатида (1975 йил июль) ҳамда 1990 йил ноябрда ҳукумат бошлиқларининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Конференциясидаги учрашувида қабул қилинган Янги Европа учун Париж Хартиясида мустаҳкамланган демократия, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари принципларини, бозор иқтисодиёти принципларини, шу жумладан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Бонн Конференцияси ҳужжатларида мустаҳкамланган принципларни ҳурмат қилишлари керак. “Европа ҳамжамияти” деб ном олган Европа иқтисодиёти ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома халқаро ҳуқуқий манба сифатида унинг ташкил топишини ҳуқуқан расмийлаштирди, деб ҳисоблайди Ҳ.Юнусов.

Шартномада 6-бобнинг 41-моддасида интеллектуал мулкка оид қоидалар белгиланган. Унда айтилишича ушбу битим кучга киргандан кейин беш йиллик муддат тугагач, интеллектуал, саноат ва тижорат мулки эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамжамиятдаги даражага мос келадиган ҳимоя даражасига, шу жумладан, мазкур ҳуқуқларни кучайтириш борасида самарали





воситаларга эриши мақсадида бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилишни яхшилаб бораверади.

Ушбу Битим кучга киргандан кейин, беш йил ўтгач Ўзбекистон Республикаси 5-Илованинг биринчи бандида айтиб ўтилган интеллектуал, саноат ва тижорат мулкига эгалик ҳуқуқлари тўғрисидаги кўп томонлама конвенцияларга қўшилади, қўшилган ушбу конвенцияларнинг тегишли шартларига биноан уларга Аъзо-давлатлар ёки улар амалда Аъзо-давлат томонидан қўлланилади, деб белгиланган.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик Битимининг 42-моддасида томонлар Ўзбекистон Республикасининг мавжуд ва бўлажак қонунларининг Ҳамжамият қонунлари билан яқинлашуви Ўзбекистон Республикаси билан Ҳамжамият ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашнинг муҳим шarti, деб билдилар. Ўзбекистон Республикаси ўз қонунларининг Ҳамжамият қонунларига мос келишига аста-секин эришишга ҳаракат қилади. Қонунларнинг яқинлашуви жараёни, хусусан, ҳуқуқнинг қуйидаги соҳаларига тадбиқ этилади: бож ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолияти, интеллектуал мулк, телекоммуникациялар соҳасидаги қонунлар, рақобат қоидалари, шу жумладан савдо бобидаги барча параграфлар, давлат хариди ва бошқа соҳалар.

Шериклик ва Ҳамкорлик Битимининг 63-моддасида томонлар ахборотни қай-

та ишлашнинг замонавий усулларини, унинг воситаларини қўшган ҳолда қўллаб-қувватлайдилар. Улар самарали ўзаро ахборот алмашишни рағбатлантириш бўйича керакли ишларни қилдилар. Жамоатчиликни Ҳамжамият ва Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги асосий ахборот билан таништиришга қаратилган дастурларга устивор эътибор қаратилади, имкони бўлганда интеллектуал мулк ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда маълумотлар базасига йўл очиқ ҳам бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Европа Иттифоқи мамлакатларининг тажрибаси ва амалиётдан республикамизда кенг фойдаланиш яхши самара беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, томонлар келишув маданий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши, маданий ҳамкорлик асосан аъзо-давлатларда асарларнинг эркин айланиши орқали юқори ҳамкорликни таъминлайди деб ўзаро ишонч билдирганлар. Битимнинг 73-моддасида белгиланишича, томонлар ушбу моддага мувофиқ ЕИ ва Аъзо-давлатларнинг маданий ҳамкорлик дастурларида иштирок этиши ва Томонларни ўзаро қизиқтирувчи фаолиятни ривожлантириш мумкин. Ҳамкорлик муассаларни, маданият арбобларини ва маданият соҳасида ишловчи бошқа шахсларни ўзаро маданий айирбош шаклида, ёдгорликларни, тарихий жойларни ва ҳоказоларни муҳофаза қилишда ахборот ва тажриба алмашиш

шаклида амалга оширилиш мумкин, деб таъкидлангани, бевосита муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган асарларнинг эркин айланишига олиб бориши ҳақида келишиб олинган.

Битимда белгиланганишича Ўзбекистон Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) га аъзо бўлиши йўлида қатор ҳужжатлар қабул қилиши лозим эди. БСТга аъзо бўлиш учун республикамизда ҳуқуқий, иқтисодий, халқаро масалаларга оид ислохотлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Дастлаб Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 10 июнда 296-сонли ва 1999 йил 3 сентябрда 415-сонли қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, Европа Иттифоқи ва унинг аъзо давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги Битимнинг амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Ҳукуматининг 1999-2005 йилларга мўлжалланган комплекс Дастури тасдиқланган эди.

Юқоридаги қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 июлда 328-сонли қарори билан тузилган идоралараро комиссияси Республика мувофиқлаштирувчи кенгашига айлантирилди. Кенгаш зиммасига йилнинг ҳар чорагида “Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги Битим”нинг барча модда ва қоидалари қандай амалга ошири-

лаётганлиги тўғрисида ахборот бериб бориш юклатилди. Шунингдек, Дастурда Ўзбекистоннинг энг муҳим халқаро шартнома ва битимларга аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинган эди.

Дастурда БСТга аъзолик билан боғлиқ чора-тадбирлар, шунингдек муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро конвенция ва шартномаларга аъзо бўлиш муддатлари ва тадбирлари белгиланган. Дастурнинг 8- ва 9-бўлимларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид бўлган миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни халқаро меъёрларга мослаштириш, халқаро конвенцияларга аъзо бўлиб киришдаги бирламчи вазифалар, соҳа идораларининг ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва бошқа шу каби муҳим масалаларда тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланди.

Ўзбекистон Ҳукумати халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳозирги кунда ана шу Дастурда белгилаб олинган режа ва тадбирлар орқали ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Айниқса, муаллифлик ҳуқуқига оид республика қонунчилигини БИМТ ва БТС томонидан маъмурий бошқаруви амалга оширилаётган халқаро конвенциялар қоидаларига мувофиқлаштириш қарорининг 9.4-бандида алоҳида вазифа сифатида белгилаб



қўйилди.

Шериклик ва ҳамкорлик битимда иттифоқнинг барча аъзо-давлатларида янги аср ахборотлашган жамиятда муаллифлик ҳуқуқи объектлари ва унга тенглаштирилган объектларнинг қонуний савдосини таъминлашга эришиш йўллари ҳамда узоқ йилларга мўлжалланган дастурлар қабул қилиниши, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш восита ва усуллари ҳақида гап боради. Европа Иттифоқи мамлакатларида янги асрда ахборот технологиялари билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг ривожланиши тенденцияларини анча вақт олдин россиялик олимлар айтиб ўтишган эди. Республикамининг халқаро савдо тизимига кириши ва янги технологиялар билан боғлиқ халқаро сиёсат юритишида ривожланган мамлакатларнинг босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш орқали, кейинги қадамларни белгилаб олиш мумкин.

Айтиш керакки, Европа Иттифоқининг ижрочи органи сифатида Европа комиссияси Европа Иттифоқи Министрлар кенгаши ва Европа парламенти тавсиясига кўра аъзо-давлатлар учун муаллифлик ҳуқуқи соҳасида икки йўналишда тавсиялар ишлаб чиққан:

*биринчидан, аъзо-давлатлар Бернь ва Рим конвенциясининг сўнги таҳрирдаги матнларига қўшилиш;*

*иккинчидан, ахборот алмашинувини янада кенгайтириб бориш.*

**Юқоридагиларга кўра Европа Иттифоқи қуйидаги икки муҳим қонунчилик таъминлашни алоҳида таъкидлайди:**

*муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунчилик;*

*қалбақлаштирилган объектларга нисбатан боғжона режимини қўллаш қонунчилиги.*

Таъкидлаш жоизки, Европа иттифоқида муаллифлик ҳуқуқига оид фаолиятни таъминлашда кейинги йилларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган ўндан ортиқ Директивалар

қабул қилинган. Европа Иттифоқида амалда бўлган халқаро актлар шу ҳамжамиятнинг аъзо-давлатлари миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсаки, мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи, умуман, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликни ривожлантиришда Европа иттифоқи доирасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида такомиллаштирилиши ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиз.



### Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

- Юнусов Х. Европа Иттифоқи ҳуқуқи. Т.: ЖИДУ, 2006. -Б.89-90  
Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи ҳуқуқи. -Т.: Янги аср авлоди, 2007.-Б.498  
Богуславский М.М., Гаврилов Э.П. Авторское право: изменения и дальнейшее развитие. //Советское государство и право, 1975. - №6. -С.22-30  
Каримова А. Международные организации-инструмент многостороннего сотрудничества. Т.: УМЭД, 2001.-Б.47  
Ўзбекистон хусусий ҳуқуқини Европа иттифоқи хусусий ҳуқуқи билан уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари. -Т.: ЖИДУ.-2005.-74-75-б.  
Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим бўйича қўлланма. -Т.: Европэд, 2003.-Б.114.  
Ўзбекистон ҳуқумати қарорлари тўплами. Т.: 1999. -№ 6., Ўзбекистон ҳуқумати қарорлари тўплами. Т.: 1999. № 9  
Циркулярная письмо. План мероприятий по выполнению первоочередных задач в связи с вступлением в силу Бернской конвенции по охране литературных и художественных произведений в Узбекистане. № 08-4-55.12.05.2005 г.  
[www.fips.ru/avp](http://www.fips.ru/avp) 11.12.2007  
[www.icrc.org/Web/rus/siterus0.nsf/html/copyright](http://www.icrc.org/Web/rus/siterus0.nsf/html/copyright) 17.07.2007  
[www.icrc.org/Web/rus/siterus0.nsf/html/copyright](http://www.icrc.org/Web/rus/siterus0.nsf/html/copyright) 17.07.2007  
[www.fips.ru/avp](http://www.fips.ru/avp) 11.12.2007

# САЙЛОВ КОДЕКСИ – ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИНING ҚОНУНИЙ АСОСИ



**Нилуфар  
ДАДАБАЕВА,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Судьялар олий  
кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий  
мактаби бош  
мутахассиси

**2019 йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.**

**Мухтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг сайлов қонунчилигини ягона кодекслаштириш борасидаги муҳим ташаббуси 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ўз ифодасини топган эди.**

Жаҳон сиёсий харитасида турли бошқарув шакллариغا эга икки юздан ортиқ давлат бўлса, сайлов қонунчилигини тизимлаштирган ҳолда кодекс сифатида тартибга солишга қаратилган амалиёт атиги 40 га яқин давлатдагина мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси халқаро норма ва стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг лойиҳаси кенг жамоатчилик, шунингдек сайлов қонунчилиги борасидаги энг малакали ва етук мутахассислар - халқаро экспертлар томонидан батафсил муҳокама қилиниб, умумэътироф

этилган халқаро сайлов стандартларига мос, пухта, ихчам ва яхлит шаклда қабул қилинди.

Эркин, очиқ сайлов тизими — ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг энг зарур омилларидан. Чунки сайлов орқали фуқаролар давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этади.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши, амалиётга жорий этилиши юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалий самарасидир. Фуқароларнинг сайловга доир ҳуқуқларини амалга оширишга оид механизмларни такомиллаштиришга қаратилган Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси, унинг ижросини таъминлаш Президентимизнинг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Таркатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурини тасдиқлашга доир Фармонида аниқ белгилаб берилган эди.

Сайлов кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланган, 18 боб, 103





моддадан иборат ушбу Сайлов кодекси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 25 июнда имзоланди ва кучга киритилди. Бунда, аввало, сайловга оид мавжуд бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари яхлит ҳужжатга жамланди.

Сайлов кодекси кучга киритилиши муносабати “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ўз кучини йўқотди. Мазкур қонунларнинг барчасида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига доир деярли бир хил нормалар такрорланар эди. Бу эса ўз навбатида бу соҳадаги қонунчиликни ягона бир кодекс шаклига келтириш лозимлигини англатар эди.

Сайлов кодексидан шу пайтгача миллий сайловчилигимизда бўлмаган ўнлаб янги норма ва қоидалар жой олди, амалда бўлган айрим тартиб-қоидалар бекор қилинди. Бундан ташқари, ижтимоий ҳаёт катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирокини чеклов-

чи нормалар чиқариб ташланди. Қонунчилик палатасида амалдаги депутатлик ўринлари (150 ўрин) сақлаб қолингани ҳолда, Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари учун Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакилларига квота ажратиш институти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига номзод кўрсатиш тартиби бекор қилинди. Янгиликлардан яна бир асосийси энди сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчилар бундан кейин бир ёки бир нечта номзодни ёхуд партияни қўллаб имзо қўйиши мумкин бўлади.

Сайлов — демократия кўзгуси. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Сайлов жараёнларида барчамизнинг, аввало, дунёқарашимиз, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимиз, гражданлик позициямиз яна бир бор намоён бўлади”. Янги сайловлар илк бор Сайлов кодекси асосида ўтади.

Мазкур кодекс мамлакатимизда сайловларимизнинг ошкоралик, шفافлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик тартиб-тамоийиллар асосида ўтишида муҳим омил бўлиши баробарида, сайловчи ва сайланувчилар учун кенг имкониятлар ва қулайликлар яратиб беради.

# ОДИЛ СУДЛОВ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

Тоҳир САФАРОВ,  
тадқиқотчи

**Сўнгги йилларда жаҳон ҳуқуқий ва сиёсий тажрибасида электрон демократия тобора долзарб соҳа бўлиб бормоқда. Европа Кенгаши томонидан аъзо давлатларга 2009 йилда берилган тавсияларида электрон демократия аҳолининг иштироки даражасини ошириш, демократик жараёнларга эришиш учун имкониятлар яратиш орқали мавжуд демократик тизимни мустаҳкамлаши таъкидланган.**

Европа кенгаши электрон демократиянинг бир тармоғи сифатида электрон ҳужжат айланмасига асосланган шаффоф, ҳисобдор ва мустақил электрон судлов тизимини ажратиб кўрсатади.

Электрон судловнинг асосий жиҳатлари электрон ҳужжат айланмаси, масофадан ҳамкорлик қилиш, жумладан ишларни масофадан кўриш, аҳолининг суд ҳужжатлари билан танишиши учун имконият яратиш, суд фаолияти ҳақида маълумот олиш ва мурожаатлар билан электрон ишлаш имкониятидан иборат бўлиб, у суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлишини кафолатлайди.

Электрон демократия жорий этиш ташаббуси ҳар қандай манфаатдор шахс томонидан билдирилиши мумкин.

Ташаббус барча даражадаги давлат бошқарув органларида электрон демократия жорий қилиниши орқали юқоридан пастга қараб ёки фуқаролар томонидан пастдан юқорига қараб қилиниши мумкин.

Электрон демократияни жорий қилишда жамиятдаги сиёсий хусусиятлар ва сиёсий маданиятни инобатга олиш зарур. Электрон демократиянинг барча иштирокчилари тўлиқ шаффоф ҳаракат қилишлари, ўз ҳаракатлари ва омма олдига билдирган фикрлари учун ҳисобдор ва жавобгар бўлишлари лозим.

Электрон демократия унинг барча иштирокчилари учун наф келтириши керак. Электрон демократиянинг таркибий қисми бўлган электрон судлов фуқаролар ва судлар ўртасидаги яқинликни шакллантириш учун таъсирчан омил вазифасини бажаради.

Бизнинг назаримизда электрон судлов одил судлов вазифаларини интернет фойдаланувчиларга бериб қўйишдан иборат эмас. У фуқароларни судлар ва ҳуқуқий жараёнлар тўғрисида самарали ахборот олиш имкониятини таъминловчи манба билан таъминлаш, шунингдек, мурожаатларни электрон қабул қилиш, уни текширилиши жараёнидан электрон тармоқ орқали хабардор бўлиб туриш, электрон тарзда жавоб йўллаш, интернет банкинг орқали почта харажатлари,

## E-SUD / МИЛЛИЙ ЭЛЕКТРОН СУДЛОВ АХБОРОТ ТИЗИМИ

(www.reestr.uz) - E-SUD миллий электрон судлов ахборот тизими  
Давлат ахборот ресурслари ва давлат органларининг ахборот тизимлари реестрида (www.reestr.uz) рўйхатдан ўтган

**E-SUD ахборот тизимига уланган судларнинг сони**



Ҳозирги пайғам Тошкент ш. ва Тошкент вилоятининг барча фуқаролик ишлари бўйича туманларо судлари E-SUD\* ахборот тизимига уланган

Илк: Наманган, Фарғона, Андижон, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ишга туширилган аҳолида

**E-SUD ахборот тизимига мурожаатлар келиб тушиш динамикаси**



2013-2016 йй. давомида жами 171584 та электрон аризалар келиб тушган бўлиб, улардан 118753 таси қамоқтан қилинган

**E-SUD ахборот тизимидан рўйхатдан ўтган юридик ва жисмоний шахслар сони**



E-SUD ахборот тизими қуйидаги ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган ва тарғиб қилинганда:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон Қарорини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПҚ-4453-сон Қарорини;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги 346-сон Қарорини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги ПҚ-4570-сон Қарорини;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-4820-сон Қарорини.

© Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда конституциянинг яқинда қабулланиши" қўйини юлмаси билан. © 2013-2017  
\*Батафори маълумот билан Э.С.Суднинг сайтида таъминланади.

давлат божлари тўлаш учун имконият яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига (ЖПК) кўра, ошкораликни таъминлаш учун судларда жиноят ишларининг муҳокамаси видео-конференцалоқа режимда ўтказилишига рухсат этилган.

Видеоконференц алоқа режимда суд ўтказиш нафақат суднинг ички ресурсларини тежаш ва судларнинг самарадорлигини оширишда, балки иштирокчи тарафлар учун қўшимча имкониятлар ҳам яратади.

ЖПКнинг 114-моддасига кўра, гувоҳ ёки жабрланувчи узрли сабабларга кўра судга келмаган тақдирда, суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра, улар видеоконференцалоқа воситасида сўроқ қилиниши мумкин.

Шахс жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки мол-мулкига шикаст етказилиши мумкин деган асосли шубҳа бўлган тақдирда ҳамда вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчини очиқ суд мажлисида сўроқ қилиш унинг руҳиятига жиддий зарар келтириши мумкин деган асосли тўхтамга келинса суд томонидан уларнинг шахсини конспирациялаш чораларини кўриб, видеоконференцалоқа режимда сўроқ қилиш имконини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шахси конспирацияланган жабрланувчи ёки гувоҳнинг шахсига доир маълумотлар ошкор этмаслик шарти билан судланувчига, унинг ҳимоячисига ва давлат айбловчисига уларнинг сўровига асосан берилиши таъминлаш таклиф этилади.

Мазкур шахслар суд мажлисида жисмонан ҳозир бўлиш мажбуриятидан озод этилиб, ўз кўрсатувларини хавфсиз шароитда бериш имкониятининг яратилиши, жабрланувчи ва гувоҳни суд мажлиси пайтида ёки суд биносидан чиқиб кетаётган вақтида бино атрофида унга турли жароҳатлар етказилишини олдини олади.



Қонун мазмунига кўра, гувоҳ ёки жабрланувчининг узрли сабабларга кўра судга келмагани, улар қаерда бўлишидан қатъий назар уларни видеоконференцалоқа воситаси орқали сўроқ қилиш учун асос бўлади.

Аммо, судлар тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига кўра, судлар ва бошқа органлар учун мажбурий бўлган 2017 йил 24 июндаги 23-сонли Олий суд пленуми қарорида суд мажлисларини видеоконференцалоқа режимда ўтказишнинг зарурий шарти ишда иштирок этувчи шахслардан лоақал биттаси бошқа маъмурий-ҳудудий бирлик (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ҳудудида, яъни ишни кўраётган суд жойлашган ҳудуддан ташқарида жойлашган бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари боғланиш иккита суд ўртасида бўлиши лозимлиги белгиланган.

Бундай тушунтириш, видеоконференцалоқа тизимида иш кўриш имкониятларини жиддий чеклайди. Чунки, бир неча суд муҳокамаси иштирокчилари битта шаҳар (туман) ҳудудида бўла туриб, узрли сабабларга кўра суд маж-

лисига етиб келиш имкониятига эга бўлмасликлари мумкин. Масалан, ЖК 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига нисбатан ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши тарафлар ярашувини тасдиқлаш учун судга юборилган. Судланувчи ва икки нафар жабрланувчи йўл транспорти ходисаси натижасида оғир жароҳатланишгани сабабли, учаласи ҳам ўз ётоғидан тура олмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ЖПК) 585-моддасига мувофиқ ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этиши шарт.

Судланувчи ёки жабрланувчилардан биронтасининг соғлиғи яхшилашиб иккинчи соғлиғи ётоқдан туришга имкон бермайдиган иштирокчининг хонадонига боришни кутиш учун эса бу тоифадаги ишларни муҳокама қилиш учун белгиланган 10 кунлик муддат имкон бермайди.

Бундай ҳолда эса айтиб бериш керакки, бир шаҳарда жойлашган суд муҳокамаси иштирокчиларини видеоконференцалоқа орқали боғлаб, суд таркиби ва бир нафар суд мажлиси котиби вазифасини бажарувчи судья ёрдамчиси судланувчи ётган хонадонга, бошқа икки нафар судья ёрдамчиси эса жабрланувчилар ётган хонадонга бориб, суд мажлисини ви-


деоконференц алоқа орқали ўтказиш таклиф этилади.

Бундан ташқари, қонун ўз мазмунига кўра, гувоҳ ёки жабрланувчини суд мажлисида хориждан туриб, видеоконференц алоқа орқали иштирок этишига йўл қўйсада, бундай алоқа ўрнатишнинг механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги судда ишни кўришда айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Масалан, иш бўйича муҳим гувоҳ Россия Федерацияси ҳудудида жазо ўтаётган бўлса ва ишни шу гувоҳни сўроқ қилмасдан тўғри ҳал этиш мумкин бўлмайдигина ҳолларда хорижда бўлган гувоҳни видеоконференцалоқа орқали сўроқ қилиш механизмини яратиш масаланинг тўғри ечими бўлади деб ўйлаймиз.

Бу масала шу кунга қадар, “Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий алоқалар тўғрисида”ги 1993 йил 22 январда Минскда имзоланган Конвенцияга мувофиқ ҳал этилмоқда. Унга кўра, конвенция иштирокчисининг сўровига асосан, сўроқ қилиниши лозим бўлган гувоҳ турган мамлакат гувоҳни сўроқ қилиб, сўроқ баённомасини сўровни йўллаган мамлакатга тақдим қилмоқда.

Аммо сўроқ қилишнинг бундай тартиби ўта қоқоқ ва жўн ҳисобланади. Қўйилган саволларга жавоб берилгач суд мажлисида гувоҳга савол бериш ҳуқуқига эга бўлган тарафларда (судла-



нувчи, жабрланувчи ва ҳ.к.) яна қўшимча саволлар туғилиши мумкин. Амалдаги тартиб эса иш учун аҳамиятга молик бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқлашни кийинлаштиради.

Ваҳоланки, Конвенциянинг 6-моддасига мувофиқ келишаётган тарафлар сўралаётган тарафнинг қонунчилигида назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишади. Россия Федерацияси жиноят-процессуал кодексининг 240-моддаси, Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 370-моддаси, Белоруссия Республикаси ЖПКнинг 2241-моддасида гувоҳ ва жабрланувчиларни видеоконференц алоқа орқали сўроқ қилишга йўл қўйилади.

Бундан кўринадики, судлар Олий суд Пленуми қарорида тушунтириш берилгандек нафақат Ўзбекистоннинг турли маъмурий ҳудудий бирликларида турган гувоҳ ёки жабрланувчини видеоконференц алоқа орқали сўроқ қилишлари, балки жиноят-процессуал кодексининг

114-моддаси ва Минск конвенциясининг 6-моддаси талабларига кўра, айнан бир маъмурий ҳудудий бирликда ёки хорижда турган гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳам зарурат туғилганда видеоконференц алоқа орқали сўроқ қилишлари мумкин.

Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиқиб электрон судловни ривожлантириш учун маъмурий ҳуқуқбузарликларни юритишда электрон тизимни жорий қилиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикасида жами 26.295 нафар маъмурий ҳуқуқбузарликка оид баённома тузиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар бўлиб, 2018 йил давомида улар томонидан 1.286.528 та маъмурий баённома тузилган. 37 та ҳолатда тузилган баённомалар йўқотилган.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни аниқлаган ваколатли мансабдор шахс ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш имконига эга бўлмаганлиги сабабли ҳуқуқбузарликни расмийлаштириш имконига



эга бўлмаган ҳолатлари ҳам йўқ эмас.

Айталик, йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтаётган пиёда аниқлаган ички ишлар ходими, пиёда унга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилмаса, ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги борасидаги баённомани қандай тартибда расмийлаштиради. Албатта, ички ишлар ходими уни МЖТКнинг 284, 288-моддасиларига асосан 3 соатгача бўлган вақт давомида маъмурий йўл билан ушлаб туриш мумкин. Аммо, уч соат ичида ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқловчи бирон маълумот топиш имкони бўлмаслиги мумкин.

Шу сабабли, биз томонимиздан таклиф қилинаётган электрон маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш юритиш тизими бу муаммоларга оқилона ечим таклиф қилади.

Унга кўра, шахс ўзига нисбатан ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада кўрсатилган ҳуқуқбузарлик содир этганлигини рад қилмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш соддалаштирилган тартибда амалга оширилади. Таклиф этилаётган тартибга кўра, ваколатли мансабдор шахс ҳуқуқбузарликни аниқлаши билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш учун электрон тизим планшетлари орқали

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузади ва ҳуқуқбузарга ушбу баённоманинг электрон шаклини ёки қоғоз шаклини тақдим қилади.

Ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилган баённомада кўрсатилган ҳуқуқбузарлик ўзи томонидан содир этилганлигига эътироз билдирмаган ҳуқуқбузар баённомани планшетдаги махсус бармоқ изларини сканерловчи ускунаси орқали бармоқ изларини тушириш йўли билан тасдиқлайди.

Баённомани тузувчи мансабдор шахс ҳуқуқбузарнинг юз тузилишини расмга олиб, электрон тизим планшетлари орқали реал вақт режимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги базасидан унинг шахсини аниқлайди. Ҳуқуқбузарга тайинланган жаримани замонавий электрон тўлов тизимлари орқали жойида тўлаш имконияти яратилади.

Ҳуқуқбузар баённомада кўрсатилган жарима суммасини ихтиёрий тарзда тўлаганлиги ҳақидаги маълумот электрон базага келиб тушмаган тақдирда, электрон базага киритилган баённома автоматик тарзда судга жўнатилади.

Суд электрон тарзда келиб тушган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида-

ги ишни умумий асосларга кўра кўриб чиқади.

Бу тизим ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсни ёнида ўзини шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, уни шахсини аниқлаш имконини яратади. Бундан ташқари, баённома ва турли тушунтириш хатларини расмийлаштириш учун, ҳуқуқбузарни шахсини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса уни тегиши органга олиб бориб уч соатгача вақт ушлаб туриш учун сарфланадиган куч ва воситаларини тежалишини таъминлайди. Ўз айбига иқрорлик билдирган ҳуқуқбузарни турли инстанцияларга қатнаб, вақт ва маблағ сарфлашидан озод этади.

Асосийси, баённомани йўқотиш, унга ноқонуний йўллар билан ўзгартириш киритиш каби коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўядиган шарт-шароитларга чек қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, судларда электрон демократиянинг такомиллаштирилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатларини кучайтириб, давлатнинг куч ва воситалари тежалишини таъминлайди. Коррупциоген шарт-шароитлар бартараф қилинишини таъминлайди.



# МАЖБУРИЯТДАГИ ШАХСЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ

**Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгаришига оид нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (23-боб. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши), Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 110-сон Қарори ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиб қўйилган.**

Амалдаги қонунчиликка биноан мажбуриятдаги шахслар иккита ҳолатда, яъни кредиторнинг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиши ҳамда қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказиши орқали ўзгариши мумкин.

ФКнинг 313-моддасига кўра, мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартнома ҳисобланиб, унга асосан дастлабки кредитор асосий мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқини топшириш, янги кредитор эса бу ҳуқуқларни қабул қилиш мажбуриятини олади.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасининг предмети унинг муҳим шартларидан бири ҳисобланиб, тарафлар (дастлабки ва янги кредитор) шартномада ўтказиладиган ҳуқуқ предмети аниқ, равшан тарзда асосий мажбуриятга боғлаган ҳолда кўрсатишлари шарт.

Агар талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасида воз кечилаётган ҳуқуқни келтириб чиқарувчи мажбурият аниқ кўрсатилмаган бўлса, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси тузилмаган деб ҳисобланиши лозим (ФКнинг 364-моддаси).

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганда дастлабки кредитор асосий

мажбурият бўйича шахс алмаштирилиши муносабати билан мажбуриятдан чиқади.

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди.

ФКнинг 313-моддаси талабига кўра, талаб қилиш ҳуқуқи ўтган янги кредитор қарздорни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда у бундай хабар бермаслик туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади.

Кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар янги кредиторнинг дастлабки кредитордан оладиган мажбуриятлар ҳажмини аниқлаши муҳим масала ҳисобланади.

ФКнинг 315-моддасига асосан қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фозиларга ҳуқуқ ҳам ўтади.

Янги кредиторга, хусусан, пул мажбуриятининг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар (масалан: боқиманда ундириш ва ҳ.к), шунингдек

**Б.Темирханова,**  
Қорақалповистон  
Республикаси  
иқтисодий суди  
раиси



талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга бўлган ҳуқуқ ҳам ўтади. Ваҳоланки, пул мажбуриятида кредитор ўзгарган ҳар қандай ҳолда ҳам дастлабки кредитордан янги кредиторга барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтади.

Бундан ташқари, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда янги кредитор дастлабки кредитордан талаб қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзига беришини ва талабни амалга ошириши учун аҳамиятли бўлган маълумотларни билдиришини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қарздор талаблар янги кредиторга ўтганлигини исботловчи ҳужжатлар ўзига тақдим этилмагунича унга нисбатан мажбуриятни бажармасликка ҳақли.

Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтида дастлабки кредиторга қарши эътирозларини янги кредиторнинг талабига қарши қўйишга ҳақли.

**Шу билан бирга, ФКнинг 318-моддасида мажбурият бўйича кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган ҳолатлари белгиланган бўлиб, унга кўра ҳуқуқлар:**

1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;

2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;

3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;

4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;

5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ўтиши мумкин.

Қонунчиликда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шакли ҳам назарда тутилган бўлиб, оддий ёзма ёки нота-риал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўша шаклда амалга оширилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимни рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олиниши керак (ФКнинг 320-моддаси).

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасини тузиш вақтида асосий битимни давлат рўйхатидан ўтказиш шартлигини назарда тутувчи қонун ҳужжатларининг талаблари ўзгарган ва бундай тоифадаги битимларни рўйхатга олиш шартлиги бекор қилинган ҳолларда талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномасини рўйхатга олиш талаб қилинмайди.

**Шунингдек, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга қонун ҳужжатларида айрим чекловлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Хусусан:**

- доимий рента шартномаси бўйича рента олувчининг ҳуқуқлари фақат фуқаролар ва нотижорат ташиқлотларига ўтказилиши мумкин (ФКнинг 518-моддаси);

- прокат шартномаси бўйича ижарага олувчи ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишига йўл қўйилмайди (ФКнинг 563-моддаси иккинчи қисми);

- корхонани ижарага берувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиши учун махсус рухсатнома асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас (ФКнинг 579-моддаси бешинчи қисми);

- кафолат бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи, агар кафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас (ФКнинг 303-моддаси) ва бошқалар.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредиторнинг жавобгарлиги хусусида тўхтадиган бўлсак, кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ қарздор бу талабни бажармаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатни олган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2003 йил 28 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 110-сон Қарорининг 12-бандига кўра, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳуқуқи билан боғлиқ ишларни суд муҳокамасига тайёрлашда судлар ишда иштирок этувчи барча манфаатдор шахсларни жалб қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари зарур.

Агар қабул қилинадиган суд ҳужжати дастлабки кредиторнинг манфаатларига таъсир кўрсатиши ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланса, суд уни низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилиш масаласини ҳал этиши лозим.

Дастлабки кредиторни қўшимча далиллар (ҳужжатларнинг асли, дастлабки кредиторнинг кўрсатмалари)ни олиш учун ҳам суд мажлисига жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мажбуриятда шахслар алмашинувининг яна бир кўриниши бу - қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказиши ҳисобланади.

Қарзнинг ўтказилиши - бу мажбурият бўйича қарздорнинг келишув асоси-

да алмаштиришдан иборат бўлиб, унга кўра қарздор ўз мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиб беради. Қарзни бошқа шахсга ўтказиб беришнинг муҳим шarti кредиторнинг розилигини олиш билан боғлиқ (ФКнинг 322-моддаси).

Қарзнинг бошқа шахсга ўтказилишида, худди талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиб беришда бўлгани каби, мажбуриятнинг моҳияти ўзгаришсиз қолади. Янги қарздор дастлабки қарздорнинг мажбурият ва ҳуқуқларини қабул қилиб олади. Шу боисдан янги қарздор кредиторнинг талабига қарши кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни илгари суриши мумкин.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиб бериш битимининг шаклига ҳам худди талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиб бериш учун ўрнатилган ФКнинг 320-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидалар қўлланилади. Хусусан, қарзнинг ўтказилиши қарзнинг вужудга келишига асос бўлган битим қандай шаклда тузилган бўлса, ўша шаклда бажарилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мажбурият бўйича кредитор ёки қарздорнинг ўзгариши тарафларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳажмига ҳамда мажбуриятнинг моҳиятига таъсир кўрсатмайди.



# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

*“Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради”.*

**БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциядан**

**Раҳимжон ОБИДОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Қуроли Кучлари  
Академияси  
катта ўқитувчиси,  
адлия полковниги

Коррупция сўзи – лотинча “пора бериб сотиб олиш” маъносини англатиб, мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишни ифодаловчи сиёсий ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият тушунилади. Коррупция жиноят қонунчилигида ўзи мустақил жиноят таркиби бўлмай, балки бир қатор мансабга оид жиноятларни қамраб олувчи умумлашган тушунчадир.

Хусусан, унинг таркибига мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора олиш, бериш ва бошқа бир қатор жиноятлар киради.

Таъкидлаш лозимки, коррупция, энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлашга монелик қилиб, ижтимоий тенгсиз-

ликни келтириб чиқаради. Эркин бозор иқтисодиётининг ривожланишига, ҳаёт даражасининг пасайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда коррупция фуқароларнинг давлат бошқаруви идораларига бўлган ишончи йўқолишига олиб келиб, уюшган жиноятчиликнинг авж олишига замин яратади ва инсонларнинг хавфсизлигига таҳдид солади.

Шунинг учун ҳам демократик давлатларда коррупция ривожланиш ва янгиланишнинг илдизига болта урувчи хавфли иллат сифатида тан олинди, бу борада тизимли равишда иш олиб боришни тақозо этади.

Бу борада 2003 йил 31 октябрда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинган бўлиб, унга 160 дан ортиқ давлат аъзо бўлган. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига 2008 йилда қўшилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясида кўзда тутилган мақсадларидан асосийлари шуки, амалда коррупциянинг самарали олдини олишга ёрдамлашиш, бу борада халқаро ҳамкорлик ва техник ёрдамни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, енгиллаштириш, шу жумладан, молиявий маблағларни қайтариш, ижтимоий фаолият, ижтимоий мулкни бошқаришда ҳалоллик, поклик ва ростгўйликни рағбатлантириш ҳамда ёқлашдир.





Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатмиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жуда кўплаб маъруза ва чиқишларида лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши кераклиги тўғрисида гапирадилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддиларига асосий вазифа сифатида қўяди. Жамият тараққиёти кушандаси бўлган ушбу иллатга қарши курашиш йўлида аёвсиз кураш олиб борилаётгани ўзининг самарасини бермоқда.

Айниқса мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш 2016 йилнинг октябрь ойидан бошланди. Шу йилнинг 14 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конституциявий ташаббуси асосида “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинди, қонун 2017 йил 4 январдан бошлаб кучга кирди. Мазкур қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солиш, давлат бошқарув органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши кураши юзасидан кўраётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги

ва маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупцияга тоқат қилмаслик муҳитини яратиш кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди. Қонунчилик асосида “2017-2018 йилларда коррупцияга қарши кураш бўйича Давлат дастури” тасдиқланди, унда қўйилган аксарият вазифалар амалга оширилди. Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва бундай қилмишни содир этган шахсларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, мамлакат ривожини ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қатор ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда бундай қабих жиноятларни содир этаётганлар ҳам учраб турибди.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир қонунга хилоф ҳаракат учун жазо муқаррар бўлиб, коррупцияга қарши курашишда барчамиз масъулмиз.

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

**Н.Бегимова,**  
Гулистон туман-  
лараро иқтисодий  
судининг раиси

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**да ҳар бир йўналиш бўйича 5 йилда амалга оширилиши керак бўлган ислоҳотлар белгиланган. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишида бир нечта масала белгиланди.

Биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш масаласи. Бунда, судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш, суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишuvi ва тенг ҳуқуқлилик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш, «Ҳабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш, судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини

мустаҳкамлаш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 879-сонли қарори билан “Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Низом қабул қилиниб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси суд органлари тизимидаги судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш тартиби белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.2018 йилдаги 1036-сонли қарори билан судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бюджет энгил автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар, суд ходимларига уй жойни ижарага олиб яшаганликлари учун компенсация тўлаш белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон-қарори билан тасдиқланган “Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида” Низомга кўра судьяларнинг уларга тенглаштирилган шахсларнинг, уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартибини белгиланди.

Суд ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жойларда судьяликка номзодларнинг шахсий ва





касбий сифатларини ўрганиш учун жамоатчилик комиссияси тузилди.

Иккинчидан, Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш масаласи. Бунда, фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик, расмиятчилик ва лоқайд муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.

Учинчидан, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини такомиллаштириш масаласи. Бунда, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомил-

лаштириш, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш, электрон тартибда суд ва ижро ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

Тўртинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш масаласи. Бунда, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.

Бешинчидан, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш масаласи. Бунда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни барта- раф этиш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилув-

чи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимлари орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этиш бўйича идоравий назоратнинг замонавий механизмларини жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

Олтинчидан, юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масаласида. Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш, адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш, нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш.

Адолат очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида судда ишларни электрон тақсимлаш тизими амалиётга киритилди. Эндиликда инсон аралашувисиз ишни қайси судья кўришини электрон дастур белгилайди.

Суд тергов фаолиятида очиқликни ва қонунийликни таъминлаш, сарсон-овора бўлиш ва ортиқча сарф харажатга йўл қўймаслик мақсадида судда ишларни электрон жиноят иши ва масофадан туриб сўроқ қилиш тизимлари ҳам жорий этилиши белгиланди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Коснтитуцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанала маросимдаги маърузасида, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўналишида иккита таклифни берган эдилар. Биринчиси, судьяликка номзодларни танлаш, шахсий ва касбий сифатларни ўрганишнинг чинакам демократик ва ошкора тизимини жорий этиш, яъни, жамоатчилик фикрини инobatга олган ҳолда номзодларни судьялик лавозимига тавсия этиш тартибини қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш, иккинчиси, муносиб топилган номзодларни камида бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимига тайинлаш тизимини жорий этиш, бунинг учун Судьялар олий кенгаши қошида судьялар олий мактабини ташкил этиш.

Бу таклифдан келиб чиқиб, 2019 йил 06 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини





ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2019 йил 10 январдан бошлаб, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш белгиланди.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул-қилиш 2019/2020-ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади.

Бундан ташқари, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларига қабул қилинган шахслар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилиниши, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланиши, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик

меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдоридан стипендия тўланиши, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг буюртмаси асосида амалга оширилиши, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланиши, судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланиши, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиш дастурини бажармаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган тингловчилар ўқиш даврида олинган стипендия суммасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб берилиши, судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби 2019/2020 ўқув йили тугагунга қадар сақлаб қолиниши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар барча фуқаролар ҳамда шу соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишида ўз самарасини бермоқда.

# ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ



**Абдулхай МУМИНОВ,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази, бўлим  
бошлиғи, ю.ф.н., доцент

*Халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги принципи инсон ҳуқуқлари халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш соҳасидаги муҳим рол ўйнайди. Бугунга келиб, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасида 80га яқин халқаро ҳужжатларга қўшилган. Улар орасида инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг 6 та асосий шартномалари ва уларга қўшимча протоколлар, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ, каби ташкилотларнинг ҳужжатларини миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Халқаро шартномаларнинг ҳар бир иштирокчиси *pacta sunt servanda* тамойилига кўра, ҳар бир шартнома унинг қатнашчилари учун мажбурий ва улар томонидан ўзларига олган мажбуриятларини виждонан бажаришлари шартлиги, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланиб, нафақат БМТ Уставининг 2-моддасида ўз аксини топган, балки халқаро шартномалар ҳуқуқининг кодификацияси бўлмиш, “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги 1969 йил 23 майдаги Вена конвенциясининг 26-моддасида белгилаб қўйилган бўлса, иккинчидан эса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, унинг Факультатив протоколи, Қийноқларга солиш ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, 1949 йилги Женева конвенциялари ва уларнинг 1977 йилги қўшимча Протоколлари каби халқаро ҳужжатларнинг ўзида акс этган.

Жумладан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси қўшилган 1949 йилги Женева конвенциялари ва уларга 1977 йилдаги Биринчи Протокол учун умумий бўлган 1-моддада “Олий Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Конвенция ва Протоколга амал

қилиш ва ҳар қандай шароитда унга амал қилинишини таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади”, деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон қўшилган мазкур ҳужжатларнинг мамлакатимиз ҳуқуқий тизимидаги тутган ўрни хусусида фикр юритадиган бўлсак, авваломбор, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги принципини конституциявий тарзда ифода этганлигини эътироф этишимиз керак. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида “...халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда.” деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, деярли барча қонунларимизда, халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги бўлган ҳаволаки норма кўрсатиб ўтилган, яъни, уларда, агар муайян ҳужжатларнинг нормалари шу соҳада Ўзбекистон қўшилган халқаро шартнома нормаларига зид келиб қолса, бундай ҳолларда халқаро шартнома нормалари устувор бўлиши белгилаб қўйилган.

Ҳар бир муайян давлатда халқаро ҳуқуқ нормалари имплементацияси шу давлатнинг ички ҳуқуқий тизимининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир. Миллий ҳуқуққа татбиқ қилинар экан, халқаро ҳуқуқ нормалари унда алоҳида мавқега эга бўлади. Мамлакат ҳуқуқий тизимининг

узвий қисми сифатида улар ўз мақсад ва принципларига мос равишда, шунингдек, унда белгиланган процессуал тартибга мувофиқ тарзда қўлланилади.

2019 йил 6 февраль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонунда, эса халқаро ҳуқуқий нормаларнинг устуворлиги аниқ баён қилиб қўйилган. Жумладан, мазкур Қонуннинг 2-моддаси учинчи хатбошисида “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади”, деб кўрсатиб қўйилгани ҳолда, Қонуннинг 3-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир”, деб кўрсатиб ўтилган.

Юқорида кўриб ўтилганидек, халқаро шартномалар тўғрисида фикр юритилганда, уларнинг нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга алоҳида урғу берилмоқда. Чунки, “халқаро шартномалар нормаларини имплементация қилиш, превентив воситаси ҳисобланиб, ушбу халқаро нормаларни ҳуқуқни қўллаш фаолиятида тўғри қўллаш ва амалга оширишнинг кафолати ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, барча соҳалар каби, Ўзбекистон Республикасининг халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳасидаги халқаро шартномаларининг нормаларини ҳам миллий қонунчиликка имплементация қилиш долзарб масала касб этади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш мураккаб жараён ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементацияси – бу халқаро муносабатлар субъектлари учун умуммажбурий қоидалардир.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементацияси хусусида фикр билдирилганда трансформация деб



аталувчи халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуққа татбиқ этиш жараёнига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро ҳуқуқшунос олим С.Черничеконинг фикрича, трансформация бу бирор бир давлатни мажбурловчи халқаро ҳуқуқий нормаларни давлатнинг ички юрисдикцияси соҳасига қўлланишидир. Шу тибилан бир вақтда у трансформациянинг икки шаклини – фактик ва юридик трансформация ва юридик трансформациянинг бешта турини фарқлайди: автоматик инкорпорация, хавола қилиш (отсылка), индивидуал инкорпорация, адаптация ва легитимация.

Халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш кенг маънода икки асосий босқични қамраб олади, биринчиси халқаро ҳуқуқий нормаларни тузиш жараёни ва иккинчи босқич халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликда қўлланиши ҳисобланади. Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементацияси, субъектлар томонидан ушбу норма қоидаларига розилигини билдирибгина қолмасдан, балки улар томонидан ушбу нормаларни ҳар томонлама ва тўлалигича татбиқ этиш учун амалга ошириладиган қўшимча мураккаб ҳуқуқий ва ташкилий чоралардир. “Халқаро-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш, одатдагидек, уларни қабул қилишга нисбатан анча мураккаб ва маъсулиятли вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани хал этишга халқаро шартномаларда белгиланган қоидаларни халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳам халқаро ҳам миллий даражада қўлланиладиган мақбул имплементация механизми сифатида мавжуд ҳуқуқий ва

ташкилий воситаларни амалга ошириш на-  
тажасидагина эришиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ нормасининг ички қо-  
нунчилик доирасида амалга ошириш жа-  
раёнини таҳлил қилиш давомида халқаро  
нормаларнинг икки турига алоҳида тўхта-  
либ ўтиш жоиздир – ўзи-ўзидан бажари-  
лиши кўзда тутилган ва амалга ошири-  
лиши миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжат  
ёрдамида кўзда тутилган нормаларни  
қайд этиб ўтиш лозим.

Халқаро шартномалар қоидалари  
тўғридан-тўғри амалга оширилувчи нор-  
малар бўлиб таърифланиши учун улар-  
нинг кўрсатилиши (формулировкаси) аниқ  
ва тўлиқ бўлиши лозим, яъни улардаги  
кўрсатмалар шартнома иштирокчиси бўл-  
ган давлат органлари, юридик шахслар ва  
жисмоний шахсларни миллий қонунчилик  
аралашмасдан туриб тўғридан тўғри ҳуқуқ  
ва мажбуриятларни белгилаши керак. Шу  
билан бир айтиш жоизки, “халқаро норма-  
нинг миллий ҳуқуқ томонидан процедура  
тартибларига тортилишини, унинг тўғри-  
дан-тўғри ҳаракат қила олмаслиги деб ту-  
шунмаслик керак.”

Бошқача сўз билан айтганда тўғри-  
дан-тўғри қўллашнинг мумкинлиги мил-  
лий ҳуқуқ орқали санкцияланиши керак.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси-  
нинг “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги  
Қонуннинг 33-моддасига кўра, Ўзбекистон  
Республикасининг халқаро шартнома-  
лари Ўзбекистон Республикаси томони-  
дан халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ  
оғишмай ва мажбурий тарзда бажари-

лиши лозимлиги, халқаро шартномани  
бажариш мақсадида Ўзбекистон Респу-  
бликаси қонун ҳужжатини қабул қилиш зар-  
ур бўлган ҳолларда, манфаатдор давлат  
органлари Ўзбекистон Республикасининг  
халқаро шартномаси нормаларини им-  
плементация қилиш масалалари бўйича  
тегишли ҳужжат қабул қилиш тўғрисида  
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар  
вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан ке-  
лишган ҳолда таклифлар тақдим этиши  
белгилаб берилган.

Қонуннинг 34-моддасида Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Ўзбекистон Ре-  
спубликасининг халқаро шартномаларига  
ва Ўзбекистон Республикаси томонидан  
қабул қилинган мажбуриятларга риоя эти-  
лишини таъминлаши; Ўзбекистон Респу-  
бликаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон  
Республикасининг халқаро шартномалари  
бажарилишини таъминлаш юзасидан ама-  
лий чоралар кўриши ва Ўзбекистон Респу-  
бликасининг халқаро шартномалари ба-  
жарилиши учун жавобгарлик ўз зиммасига  
юклатилган давлат органлари ва мансаб-  
дор шахсларни ўз ваколатлари доирасида  
белгилаши кўрсатиб ўтилган.

Мазкур моддада, яна, Ўзбекистон Ре-  
спубликасининг халқаро шартномалари  
билан тартибга солинадиган масалалар  
ўз ваколатига кирадиган давлат органла-  
ри Ўзбекистон Республикасининг халқаро  
шартномалари бажарилишини, бундай  
шартномалардан келиб чиқадиган, Ўзбе-  
кистон Республикасига тегишли бўлган  
ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаши  
ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро  
шартномаларининг бошқа иштирокчилари  
томонидан ўз мажбуриятлари бажари-  
лишини кузатиб бориши; шунингдек, агар  
Ўзбекистон Республикасининг халқаро  
шартномалари билан тартибга солинади-  
ган масалалар икки ёки ундан ортиқ дав-  
лат органларининг ваколатларига кирса,  
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар  
вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон  
Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шарт-  
нома бўйича мажбуриятларнинг бажари-  
лишини мувофиқлаштириш ўз зиммасига



юклатиладиган давлат органини белгилаши кўрсатиб ўтилган.

Мисол учун, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини янада такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4056-сон қарорида ҳам, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

Миллий қонунчиликка имплементация қилиниши талаб этиладиган ва давлатлар учун алоҳида мажбуриятлар юкловчи халқаро нормалар ва тамойиллар орасида халқаро ҳамкорлик амалиёти натижасида ишлаб чиқилган умумэтироф этилган нормалар ва тамойилларни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Умумэтироф этилган тамойиллар орасида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, давлатларнинг суверен тенглиги, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро мажбуриятларни виждонан бажаришга оид нормалар муҳим ўрин тутди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистоннинг ҳарбий қонунчилигида тутган ўрнига назар ташлаш ўринли ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасида Ўзбекистон Республикаси барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда, тенг ҳуқуқлилиқ ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини



тан олиш асосида куриши (2-банди), Мудофаа доктринаси халқаро ҳуқуқнинг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принциплари ва нормаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларга таяниши белгилаб қўйилган (3-банди), Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги сиёсати, бошқа давлатларга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик (бундан ҳарбий тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш ҳоллари мустасно), бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, эҳтимол тутилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, каби халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига; хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги; ядровий ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, тарқатиш ва жойлаштиришдан воз кечиш; Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома принципларига содиқлик, каби принципларга асосланиши белгилаб қўйилган (10-банд).

Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементациясида 1949 йилги Женева конвенциялари борасидаги мазкур амалиётни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, I-Женева конвенциясининг 53-54-моддалари, II-Женева конвенциясининг 43-45-моддаларида кўзда тутилган ҳимоя тимсоллари ва сигналларидан хусусий шахслар, фирмалар ва компаниялар томонидан ҳамда уруш пайтида хиёнаткорона фойдаланишни тақиқловчи нормалар ўз-

бекистон Республикасининг “Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни нинг 14 моддасида ўз аксини топган. Бу нормаларнинг бузилганлиги учун эса, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси ни 203 моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси”ни 152-моддаси га кўра жавобгарлик белгиланган.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларни имплементация қилиш жараёнида, уларнинг нормаларига оид билимларни аҳоли, ҳарбий ва мансабдор шахслар орасида кенг тарқатишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Женева конвенцияларини тарғиб қилиш ва ўқитиш ҳақидаги норма киритилган I-ЖКнинг 47-моддаси, II-ЖКнинг 48-моддаси, III-ЖКнинг 127-моддаси, IV-ЖКнинг 144-моддасида, шуннидек, I-Қўшимча Протоколнинг 83-моддасида «Олий Аҳдлашувчи Томонлар тинчлик даврида ҳам, қуролли можаролар даврида ҳам Конвенциялар ва мазкур Протоколни ўз мамлакатларида имкон қадар кенг ёйиш, хусусан, уларни ўрганишни ҳарбий тайёргарлик дастурларига киритиш ва уларнинг фуқаро аҳоли томонидан ўрганилишини рағбатлантириш мажбуриятларини зиммасига олади, токи ҳужжатлардан қуролли кучлар ҳам, фуқаро аҳоли ҳам хабардор бўлсин. Қуролли можаролар

даврида Конвенциялар ва мазкур Протоколнинг қўлланилиши билан боғлиқ маъсулиятни ўз зиммасига олган ҳар қандай ҳарбий ёки фуқаро маъмурлар бу ҳужжатларнинг матни билан тўлиқ танишиб чиқишлари керак», – дейилган. II Қўшимча Протоколнинг 19-моддасининг «Оммалаштириш» деб аталган қисмида: «Мазкур Протокол имкон қадар кенгроқ миқёсда оммалаштирилиши керак», деб белгилаб қўйилган.

Мазкур нормалардан келиб чиқиб, Женева конвенциялари ва уларга қўшимча протоколларнинг нормалари мамлакатимизнинг таълим тизимида, жумладан олий таълим ҳамда ҳарбий таълим тизимида ўқитилиб келинмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасининг биринчи қисмида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик, шу жумладан фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарлик ўқув дастуридаги мажбурий фан бўлиб, умумтаълим мактабларида ва ўрта махсус таълим муассасаларида чақирувга қадар тайёргарлик ўқитувчилари томонидан битириш йили арафасидаги курслардан ёки синфлардан бошлаб ўтилиши белгилаб қўйилган.

“Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” курси доирасида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, юқори синф ўқувчиларида Женева конвенцияларида белгилаб қўйилган инсонпарвалик ғояларини, жумладан, бу ҳуқуқнинг асосий тушунчалари, комбатант ва унинг ҳатти-ҳаракатлари, халқаро гуманитар ҳуқуқни бузганлик учун жавобгарлик, фарқловчи тимсол ва белгилар, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой халқаро ҳаракати тўғрисидаги билимлар бериб борилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низоми да таълим муассасалари ўқувчиларига чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани доирасида, уларнинг оммавий қирғин қуроллари таъсиридан сақланиш восита ва усуллари, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда вазиятлар

## ХАЛҚАРО ЗИДДИЯТЛАР ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ



юзга келган шароитда амалга оширилган хатти-ҳаракатлар (24-банд)ни ўргатиш белгилаб қўйилган. Демак, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини фуқаролик таълим тизимида жорий этилиши, биринчидан, давлатимизнинг ратификация қилинган халқаро битимни виждонан бажаришини намоён қилса, иккинчидан Қуролли Кучлар сафида муддатли ёки контракт асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчилар учун хизмат давомида халқаро уруш ҳуқуқи бўйича ўтиладиган мавзуларни тушуниб, ўзлаштириб олишни энгиллаштиради.

Иккинчидан эса, бугунги кунда юридик олий ўқув юртларида “Халқаро гуманитар ҳуқуқ”, ҳарбий олий ўқув юртларида эса, “Уруш ва қуролли можаролар халқаро ҳуқуқи” ўқув курси ўқитилмоқда.

Аммо, фикримизча, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини ўқитиш бошқа олий ўқув юртларида ҳам ҳуқуқшунослик фанлари доирасида ўқитилиши, яъни алоҳида курс сифатида эса, балки, “Инсон ҳуқуқлари” фани доирасида ўқитилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементацияси хусусида фикр юритилган, бундай нормаларни бузганлик учун жиноят қончилигида қанчалик жавобгарлик белгиланганлиги ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси қончилигида тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар учун жавобгарлик ҳам белгилаб қўйилган. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Урушни тарғиб қилиш – яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш, агрессия учун муҳим шароит яратиб берувчи ва ундан олдин юз берувчи жиноят ҳисобланади ва бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150-моддасида жиноий жавобгарли белгилаб қўйилган.

Агрессия - босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оши-



ришга қаратилган фитнада қатнашиш, бу халқаро жиноят сифатида эътироф этилади. 1928 йилги Париж пакти, Нюрнберг трибунали Низоми, БМТ Устаविда, БМТ Уставига мувофиқ қабул қилинган, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамда ҳамкорликка тааллуқли 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияда, 1975 йилдаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Кенгашнинг яқунловчи ҳужжатида, 1974 йил 14 декабридаги БМТ Бош Ассамблеясининг 3314-махсус резолюциясида халқаро жиноят сифатида эътироф этилган мазкур қилмиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 151-моддасида, босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш ҳамда босқинчилик урушини бошлаш ва уни олиб бориш, жиноий қилмиш сифатида белгиланган ва тегишли равишда жавобгарлик белгиланган.

Урушнинг қонун ва удумларини бузиш, тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-тарож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 152-модда).

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг

умумэтироф этилган ва барчага мажбурий бўлган принцип ва меъёрлари уруш қонунлари ва удумлари сифатида кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужатларда халқаро ҳам-жамият томонидан тан олинади.

Геноцид, яъни миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш – озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 153-модда).

Терроризм, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият ижтимоий хавфли қилмишлар сифатида белгиланган ва озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 155-модда).

Ёлланиш халқаро ҳуқуқ томионидан тақиқланган қилмиш ҳисобланади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1961 йил 24 ноябрдаги резолюциясида, 1968 йилги БМТ Бош Ассамблеяси 2465-сонли резолюциясида ёлланувчилардан фойдаланиш

амалиёти жиноий ҳаракат ҳисобланиши, ёлланувчиларнинг ўзлари эса, қонундан ташқари жиноятчилар эканлиги кўрсатиб ўтилди.

1989 йил 4 декабрда “Ёлланувчиларни ёллаш, фойдаланиш, молиялаштириш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, унда қандай шахслар ёлланувчи сифатида қаралиши лозимлиги ҳақида мезонлар белгиланган. Ёлланма жангчилар барча давлатларда, жиноий таъқиб қилиниши лозим. Конвенцияга кўра, “Ёлланувчиларни ёллаган, ўқитган, молиялаштирган ёки улардан фойдаланган ҳар қандай шахс... жиноят содир этган, деб топилади”.

Аммо, қайд этиш лозимки, давлат томонидан топширилган расмий мажбуриятни бажариш шахс жавобгарлигини келтириб чиқармайди. Бундай шахсларга ҳарбий маслаҳатчилар киради ва улар армияни вақтинча бошқаришни амалга оширади, лекин ҳарбий ҳаракатларда қатнашмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 154-моддасига кўра, “Ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши”, шунингдек, “Ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш” жиноий қилмиш сифатида белгиланган ва тегишли жавобгарлик кўзда тутилган.

Шу ерда, кейинги пайтларда, қуролли можароларга болаларни жалб этилиши ва улардан фойдаланиш ҳолатлари қуролли можаролар бўлаётган давлатларда кўпроқ учраши ва унга мамлакатимиз фуқароларини ҳам жалб этишга ҳаракатлар бўлаёт-



ганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси 2008 йили қўшилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Болаларни қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 154-моддасини тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Яъни, мазкур моддани “Шундай ҳаракатни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан қўллаш”, деган норма билан тўлдириш ва унинг санкциясини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчилик муайян даражада имплементация қилинган. Аммо, шу билан бирга, Ўзбекистон қўшилган кўп томонлама халқаро шартномаларнинг нормаларини миллий қонунчиликда қанчалик имплементация қилинганлиги бора-сида комплекс тадқиқотчиликни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Мисол учун, ЮНЕСКОнинг “Қуролли можаролар чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 1954 йилги конвенцияси нормаларига кўра, қуролли можаролар даврида маданий бойликларни махсус белгилар остига олиш, маданий объект билан ҳарбий объектлардан қанчалик узоқда жойлаштириш керак, маданий бойликлар учун масъул ходимларни тайёрлаш, каби кўплаб масалалар фикримизча, ҳали ҳам қонунчилик даражасида ҳал этилишини кутиб турибди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, биринчи ўринда, Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги халқаро стандартлар асосида доимий равишда такомиллаштириб борилаётганлигини кўрсатиб берса, иккинчи томонидан, давлатнинг ўз фуқароларининг тинч-тотув яшаши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама самарали таъминлашга ҳамда кафолатлашга ёрдам беради, учинчидан эса, Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларига қанчалик содиқлигини билдиргани ҳолда, унинг халқаро имиджини янади ошишига ёрдам беради.

## Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам /А.Саидов таҳрири остида. Т.: Адолат, 2004. Б.36-94
2. Женевские конвенции от 12 августа 1949 года и Дополнительные протоколы к ним. -3-е изд. М.: МККК, 2003. 344 с.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 6 февраль <http://lex.uz/docs/4193761>
4. Қаранг: Лукашук И.И. Современное международное договорное право. (общая часть) М., Wolters Kluwer, 2006; Каламқарян Р.А. Мигачёв Ю.И. Международное право в вопросах и ответах. М., Эксмо, 2007; -С.131-142; Блищенко И.П. Международное и внутрисоветское право. -М.: Юридическая литература, 1986. -С.45; Гавердовский А. С. Имплементация международного права. -Киев, Наукова думка, 1987. -341с.; Карташкин В.А. Права человека в международном и внутрисоветском праве. -М., 1995. -С.36-58; Зыбайло А.К. вопросу о соотношении международного и национального права (теоретические аспекты)//Белорусский журнал международного права. -Минск, 1999, №1. -С.65-69; Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. -М.: НИМП, 1999
5. Черниченко С. В. Личность и международное право. -М.: Международные отношения, 1974. -С. 48-52
6. Лукашук И. И. Международно-правовое регулирование международных отношений (системный подход). -М.: Международные отношения, 1975. -С. 10
7. Лукашук И. И. Международно-правовое регулирование международных отношений (системный подход). -М.: Международные отношения, 1975. -С.16.
8. Батырь В. А. Имплементация норм международного гуманитарного права в военном законодательстве Российской Федерации // Автореферат на соискание ученой степени кандидата юридических наук. -М.: Военный университет, 1999. -С. 16.
9. Drzewicki K. National legislation as a Measure for implementation of International Humanitarian Law. -P. 110.
10. David E. Principes de droit des conflicts armés. -P. 164.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 84-модда.
12. Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. 1994 й., 22 сентябр. (Ахб., 1995 й., № 3, 6-м.)
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 й., 22 сентябр. (Ахб., 1995 й., № 1, 1-м.)
14. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуни. lex.uz
15. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик. – Тошкент: «Илм зиё», 2005. -Б.156-203
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 348-сон қарорига илова.
17. Бунда куйидаги ҳужжатлар алоҳида ўрин тутди:  
1868 йил 11 декабрда Санкт-Петербургда имзоланган портловчи ва ёндирувчи ўқларни ишлатишни бекор қилиш ҳақидаги Декларация; 1899 йилда Гаагада имзоланган инсон танасида айланувчи ёки яссиланувчи ўқларни ишлатишни ман қилиш ҳақидаги Декларация; 1907 йилги Гаага конвенциялари; 1925 йил 17 июндаги кимёвий заҳарли ва бактериологик уруш воситаларини қўллашни ман этувчи Женева протоколи; 1949 йил 12 августдаги Женева конвенциялари ва уларга 1977 йилги кўшимча протоколлар; 1954 йил 14 майдаги “Қуролли можаролар чиққан ҳолларда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида”ги Гаага Конвенцияси; 1980 йил 10 октябрдаги “Оддий қуролнинг ҳаддан ташқари кўп зарар келтиради ёки барча нарсага барабар таъсир этади деб ҳисобланиши мумкин бўлган муайян турлари қўлланилишини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида”ги конвенция ва унга кўшимча протоколлари ва бошқа шу каби ҳужжатлар.
18. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, куйидагилар ёлланувчи ҳисобланади: биргалликда зўравонлик ҳаракатларида иштирок этиш учун чет элда ёки ўз жойида махсус ёлланганлар (ҳарбий тўқнашувда ёки ҳукуматни ағдарилган ҳаракатда ёхуд давлатнинг конституциявий тузумини ағдариб ташлашда қатнашувчилар); бундай ҳаракатларда иштирок этишдан шахсий фойда кўриш нияти мавжуд бўлиб, бунга рўёбга чиқаришда моддий мукофотлаш ваъда қилганлар; ҳарбий ҳаракатлар қаратилган давлатнинг ёки ҳарбий тўқнашувларда иштирок этувчи давлатнинг доимий яшовчи аҳолиси бўлмаган ва фуқароси бўлмаган шахслар; давлат томонидан расмий мажбуриятларни бажариш учун жўнатилмаганлар; ҳаракатлар содир этилувчи ҳудудда ёки ҳарбий тўқнашувлар томони бўлган давлатлар ҳарбий кучлари шахсий таркибига кирмайдиганлар.

# КЎРНАМАКНИНГ КЎЗИ ОЧИЛДИ ЁҲУД УКАНИНГ АКАСИГА ҲАСАД ҚИЛИБ СОДИР ЭТГАН ЖИНОЯТИ ХУСУСИДА



**Исматулла  
МАМАНОВ,**

Тошкент вилоят  
маъмурий судининг  
судьяси



Аслида ака-ука орасидаги можаро анча илгари, Собитнинг тўйи арафасида бошланган эди. Тун ярмида чойхонадан ширакайф бўлиб қайтган Ҳомид кўча дарвозаси яқинига тўкилган шағални кўриб, ғазаби қайнади. У темир дарвозани шундай зарб билан тепдики, даранглаган товуш атрофни жунбушга келтирди. Шу заҳоти эрининг қаршисида пайдо бўлган Норгул унга ялинди:

– Вой, дадаси, ундай қилманг, одамларни уйғотиб юборасиз, вақт ярим кеча бўлди.

– Менинг чегарамни бузиб, қайси аблах бу ерга тош тўқди?, – дағдага қилди Ҳомид. – Нега индамадинг?!

– Вой, секинроқ, – пичирлади хотини, – бегона эмас, Собит акангиз тўктирган экан. Бир-иккита тош думалаб, биз томонга ўтса-ўтгандир...

– Акам бўлса, ўзига!.. – ўшқирди Ҳомид. – Мен бойваччаман, нима қилсам бўлаверади, демоқчими? Бугун тош, эртага бошимга ахлат тўқади. Ҳозир унга кўрсатаман!

У шундай деб, катта тош олиб, кўшни дарвозага зарб билан отди. Момақалди роқдек гумбурлаган овоздан итлар саросимага тушиб, вовиллай бошладди. Елкасига чопонини ташлаб, кўчага оёқланг чиққан ака – Собит чайқалиб турган укасига рўбарў келди.

– Тинчликми? Чақирдинг-ми, ука? –

деди у уйқусираган кўзларини уқалаб.

– Тинчликмас, бойвачча! – дағдага қилди ука. – Шунча кенг жой туриб, мен томонга тош тўкибсиз. Биз оёқости бўлдикми? Э, фермер бўлсангиз, ўзингизга...

Гап нимадалигини англаган Собит мураса оҳангида жавоб қилди:

– Ўзим уйда эмасдим. Ҳайдовчи четроққа тўккандир-да, эрталаб болаларга айтаман, тозалаб қўйишади.

– Эрталаб ўзим томонда битта тош кўрсам, -тахдид қилди Ҳомид акасига, – мендан хафа бўлманг!

Орадан бир ой ўтиб, Собит ўғил уйлантирди. Ҳомид девор-дармиён кўшни бўла туриб, тўйга қадам босмади. Хотини эрининг чизган чизигидан четга чиқишга юраги дов бермаси-да, ундан бекитиқча овсинининг тўйига “тоғора” жўнатиб юборди. Аммо орадан бир неча кун ўтгач, “қорлар ёғиб, излар босилди”, деб ўйлаган Норгул қилган ишидан минг пушаймон бўлди.

Тўйга сон-саноксиз “тоғора”лар келиб-кетган бўлса-да, биргина Норгулники йўқолиб қолди. Шўрлик аёл чўрткесар эрининг ғазабидан қаттиқ қўрққани боис, бунга ҳам рози эди. Афсуски, “ёпиқ қозон” ёпиқлигича қолмади, уни тасодифан қайнотаси Шербўта очди.

Ўша куни ўғли Собитникига тўйдан кейин ҳол-аҳвол сўраш учун кирган ота-

хон набира-келин кўлидан бир пиёла чой ичиб, меҳмон бўлди. Кетар чоғида катта келини: “Ота, тўйку, яхши ўтди-я, лекин Норгулнинг тоғораси йўқолгани чатоқ бўлди,” – деб қолди. Салдан кейин Ҳомидникига кирган Шербўта ўғли ва келини билан у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирганида, тоғора тўғрисидаги ўша гапни айтиб юборса бўладими? Баҳона тополмай турган Ҳомид бу гапдан кейин хотинини болалари билан кўчага ҳайдаб солди. У отасининг “ҳай-ҳай”ига қарамай, акасиникига ўтиб, у билан жанжаллашди.

– Сен бойваччалар, бизни менсимайсанлар-да? – келинойисига ҳезланди у. Хотиним қилган “тоғора”ни аҳлатхонага ташлагансан, биламан. Ҳозироқ тоғорани топиб берасан!

Уканинг найрангларига шу пайтгача чидаб келаётган ака бу сафар ҳам ўзини оғир-вазмин тутди.

– Сен туғишган жигаримсан, – деди Собит укасига, – нима десанг кўнаман. Отам билан шу ҳовлига кириб келганларинг қандай ярашиб турибди. Сенинг тегишинг тоқчада турибди, қани, ўтиринглар, бир отамлашайлик.

Уканинг муз юраги бу ширин сўзларга ҳам эримади.

– Гапни айланторманг, ака, – деди у бироз шашти тушиб. – Тоғора баҳона менинг обрўимни тўқяпсизлар. Уч кун ичида уни ернинг остидан бўлса ҳам топасизлар. Акс ҳолда, иш чатоқ бўлади.

Ака-укани мурасага келтириш учун ота яна гапга аралашди. У Ҳомидни койиган киши бўлди:

– Битта тунука товоқ деб шунча гавғо кўтаришинг инсофданми, жон болам? Йўқолган пичоқнинг сопи олтиндан эмас-да, энди. Келишинглар, болаларим...

Отасининг охириги айтган гапини ўзича тушунган Собит бироз тараддудланиб, укасига юзланди:

– Шунақа тоғорадан ўнтасининг пулини берсам, рози бўласанми?

Ака бу гапни айтди-ю, балога қолди.

– Ота, кўрдингизми?.. Бунингиз атай-

лаб, мени мазах қилиш учун шундай деяпти, – ўшқирди Ҳомид акасининг ёқасидан олиб. – Сенга қанча пул керак?

Кўни-кўшнилари бир амаллаб уларни ажратиб қўйишди. Бу жанжалнинг шовқини узоқ вилоятлардаги қариндошларнинг қулоғига бориб етди. Адашиб у томонларга бориб қолган тоғора эгасига қайтарилди.

Шунча гап-сўзлардан кейин ҳам Собит гина-кудрат қилиб ўтирмай, отасининг бир оғиз гапи билан укасини фермер хўжалигига трактор ҳайдовчиси қилиб ишга олди.

\* \* \*

Айни буғдой ўрими авжи паллага етганда, Собитнинг тоби қочиб, шифохонага тушди.

Ғалла бўйича шартнома бажарилишига атиги 20 фоиз қолди, – деди Собит вақтинча фермер хўжалигига раҳбарлик қилишни укасига топшираркан. Ҳосил етиб ортади, юзимни ерга қаратма, ука.

Аммо “Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас” деб, бекорга айтишмас экан. Ҳомид биринчи кунданок қинғир ишларини бошлаб юборди. Буни қарангки, бу йўлда уни қўллаб-қувватлайдиган ҳамтовоқлар ҳам топила қолди. У бир





кунда уриб-янчилган буғдойнинг ярмини дон омборига, ярмини жиноий шерикларидан бирининг уйида қазилган яширин ертўлага таший бошлади.

Тез орада фермер хўжалиги ғалла режасини бажаролмаганини эшитган Собит тўлиқ даволанмасдан шифохонадан чиқишга мажбур бўлди, У қайтадан ҳисоб-китоб қилиб чиқиб, етиштирилган ҳосилнинг камида учдан бир қисми қаёққадир ғойиб бўлганини фаҳмлади. Бу тўғрида укасидан сўраб, балога қолди.

“Хизматга-туҳмат” деб шунга айтишади-да, – деди Ҳомид, “Қўрққан олдин мушт кўтарар» қабилида йўл тутиб. – Мен бор ғаллани топширдим. Ана, ўрилмай қолган озроқ майдон бор. Кейинроқ уни ўриб, чиққан буғдойни ишчилар билан бўлиб олмоқчи эдик.

– Режадан ортиб қолса, ишловчиларга дон берилади, бўлмаса, йўқ, – укасининг кўзига тик боқди Собит.

– Мен режангизни билмайман, ака, – Удағайлади ука, – Мен улушимни оламан, тамом-вассалом!

– Чучварани хом санабсан, – қатъий гапирди ака ҳам. – Мен лафзимда тураман. Аввало бу жумбоқнинг тагига етаман. Қолаверса, машинамни сотиб бўлса ҳам, одамларга ваъда берган донни тарқатиб бераман.

Собит бир шумлик юз берганини сезиб турса-да, нима қилишини билмай, боши қотди. Бу қинғирликда укасининг

кўли борлигига унинг ишончи комил эди, аммо... Хўш, сих ҳам, кабоб ҳам куймаслиги учун нима қилиш керак?! Ниҳоят, Собит энг мақбул йўлни топди: у маҳалла посбони Раҳмонга мурожаат қилди.

Орадан уч кун ўтиб, қишлоқ четига ташландиқ уйга яширилган 20 тонна буғдой топилди. Энг қизиғи, Собит маҳалла оқсоқоли, посбон ва отаси ҳамроҳлигида у ерга кириб борганида, ўғрибоши ҳамтовоклари билан қўшни хонада базми-жамшид қилиб ўтирарди. Хуллас, маҳалла кўмитасининг кафолат хати инобатга олиниб, жиноят охирига етказилмаганлиги туфайли ўғриларга унчалик оғир бўлмаган жазо чоралари қўлланилди. Дон эса фермер хўжалигига тегишли эканлиги исботлангач, қонуний эгасига қайтарилди.

Шу воқеалардан кейин девор-дармиён қўшни бўлиб яшайдиган ака-ука юзкўрмас бўлиб кетишди. Аммо ҳамма нарсага вақт даво, деганлари ҳақ гап. Собит укаси билан ярашиб олишни ният қилиб, тузукроқ баҳона топишга астойдил киришганди.

Тасодифан укасининг дарвозасини тақиллатаётган Аширкул сўдхўрга кўзи тушган Собит, буни бежизга эмаслигини англаб етди. Игнадек озғин бу одам доимо эски, “отам замонлари”дан қолган, ўзи айтмоқчи, “молтопар” велосипед миниб юрар, табиатан беозордек кўринган бу қарийб “сирли шахс” қарз сўраганлардан ёрдамни аямасди. Лекин ўз вақтида қарзини қайтаролмаганларни у қўйган фоиз бадаллари илондан-да баттар “чақарди”.

Хуллас, Собит укаси Аширкул судхўрдан 200 минг сўм қарз олганини, уни қайтармасдан пайсалга солиб юрганини билиб олди ва дарров ундан сўради:

– Фоизи билан укамнинг қарзи қанча бўлади?

– Жами 375 минг сўм бўлади-да, жавоб берди хокисор овозда судхўр.

Собит уйига тез кириб чиқди-да, Аширкулга бир даста пул узатди.

25 минг сўм кўп-ку?.. – ҳайрон бўл-

ди “хожатбарор” пулни санаб, чўнтагига жойларкан.

– Ҳаммаси сизга,– деди маъюс оҳангда фермер, фақат укамни кўча-куйда гийбат қилманг, хўпми?

Қийналиб қолган укасининг аҳволдан беҳабар қолгани учун Собит кечгача ўзини-ўзи кечиролмай, хафа бўлиб юрди. Кечки овқатдан кейин эса укасиникига ўтиб, унга яна тракторнинг калитини топширди.

– Кел, бирга ишлайлик, – деди у укасига меҳри товланиб, – ўтган гаплар ўтиб кетди. Мендан ўтган бўлса, узр, сендан хабар ҳам ололмадим.

– Айб менда, – кўзлари жавдиради Ҳомиднинг, – энди кўзим очилди, ака.

Ундай бўлса, ишни бошла. Биласан, экин майдонларимиз чегарага туташ, яна адашиб, бирор ишқалга аралашиб қолмагин...

\* \* \*

Ҳаётда баъзилар адашиб, эгри йўлга кириб қоладилар. Бундайларнинг кейинчалик ўйламай кўйган биргина қадами учун неча бор афсус-надомат чекканини кўрганмиз. Улар ор-номусли инсонлардир. Аммо билиб туриб жиноят йўлига кирганлар тўғрисида нима дейиш мумкин?! На отанинг, на аканинг насиҳатини қулоғига олмаган Ҳомид яна қабиҳ ишга қўл урди...

...Ўша куни Ҳомидни гузарда учратиб қолган нотаниш йигит уни зиёфатга таклиф қилди, мўл-кўл дастурхон атрофида озроқ еб-ичишганидан сўнг ўзини Муслим деб таништирган янги таниши мақсадга кўчди:

Айланма йўл тарафда озроқ юк бор. Шунинг эртага тунда туман марказига олиб келиш керак. Транспорт керак эди, сизда трактор бор, деб эшитдим.

– Аканг айлансин, – деди ширакайф Ҳомид, – хизматдан қочмаймиз. Хавфли ишнинг нархи ҳам баланд бўлади-да.

– Сизни эркак дейишганича бор экан, – Муслимнинг юзи яшнаб кетди. – Мана, сизга берадиган ҳақнинг ярми, қолганини иш битгач, оласиз.

Ҳомид пулнинг чўғини кўриб, суюниб

кетди. Муслим зарур иши борлигини айтиб, узр сўрадида, учрашув жойини белгилаб, ресторандан чиқди.

Эртаси куни тун ярмида тракторини бошқариб бораётган Ҳомид қўл телефони орқали Муслим билан гаплашиб, юкнинг қаердалигини аниқлади. У трактор фараларини ўчириб, фермер хўжалиги ҳудудидан яна бир километр ичкарига кирди. Сойлиқда унинг кўзи оқ қоғоз қутилар ортилган сим тўрли тиркамага тушди. У тиркамани тракторига улаб, айланма йўллар орқали фермер хўжалигига етганида, чегарачилар қуршовида қолди.

Суд Ҳомидни қилмишига яраша жазолади. Жиноят қуроли сифатида фойдаланилган трактор ва тиркама, шунингдек 500 дона чет элда ишлаб чиқарилган газ плиталари давлат фойдасига мусодара қилинди. Мазкур жиноят тафсилотларига нуқта қўяр эканмиз, Ҳомиднинг жазони ижро этиш муассасасидан тез орада қайтишига ва жигарлари ўртасида дарз кетган меҳр-оқибат ришталарини боғлашига умид қиламиз...



# ЮРИДИЧЕСКАЯ ПРИРОДА ПРИНЦИПОВ ТРИПС ВСЕМИРНОЙ ТОРГОВОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

**Олимжон ИСРОИЛОВ,**  
Соискатель Академии  
государственного  
управления при  
Президенте Республики  
Узбекистан.

*После того, как с 1 января 1995 г. соглашение ВТО вступило в силу, развитым странам был предоставлен один год на приведение законодательства и практики работы в соответствие с положениями соглашения Торговым аспектам прав интеллектуальной собственности (ТРИПС). Развивающимся странам и (при оговоренных условиях) странам с переходной экономикой был отведен период в 5 лет. Наименее развитым странам предоставлено на эти цели 11 лет.*

В случае, если на момент вступления соглашения в силу (1 января 1995 г.) какая-либо развивающаяся страна не могла обеспечить патентную защиту товаров в какой-либо области технологии, ей предоставлялась возможность обеспечить такую защиту в течение последних 10 лет. Что касается фармацевтической и агрохимической продукции, страны должны принимать заявки на патенты с начала переходного периода,

хотя сами патенты не могут выдаваться до завершения переходного периода. Если правительство дает разрешение на маркетинг продуктов фармацевтической и агрохимической технологии в течение переходного периода, оно должно, «при соблюдении определенных условий», предоставить эксклюзивное право на маркетинг на пять лет или до конца срока действия патента, если срок действия патента не превышает пяти лет.

За некоторым исключением, общее правило заключается в том, что принятые в соответствии с соглашением обязательства распространяются на права интеллектуальной собственности, действующие по состоянию на конец переходного периода данной страны, а также на новые права интеллектуальной собственности. Контроль за выполнением положений ТРИПС странами-участницами осуществляется Советом по ТРИПС.

Совершенно очевидно, что авторские права, патенты, торговые марки и т.д. относятся к различным производствам, художественного и технического творчества. В силу этого отличаются и предъявляемые к ним требования.

Чтобы защитить патенты, промышленные дизайны, дизайны полупровод-





дниковых микросхем, указания на место производства товаров и торговые марки, их необходимо регистрировать. Регистрация включает описание объекта, подлежащего защите (изобретения; дизайна, фирменного знака, логотипа и т.д.), причем содержание описания доступно для всех потребителей.

Соглашение определяет, какие виды знаков подлежат защите в качестве торговых марок (торговые марки) и в чем заключаются минимальные права их владельцев. Подтверждается, что сервисные торговые марки должны защищаться точно так же, как и торговые марки товаров. На марки, пользующиеся известностью в отдельно взятой стране, распространяются дополнительные меры защиты.

Указания о месте производства товаров (географическое название-название продукции) иногда используются для обозначения товара. В качестве широко известных примеров можно привести такие названия, как «Шампанское», «Шотландское виски», «Водка», «Текила» или сыр «Рокфор» и др. Производители пива и крепких спиртных напитков особенно заинтересованы в правильном использовании географических названий, поэтому в соглашение ТРИПС включены отдельные положения, касающиеся таких видов продукции. Но вопрос о географических назва-

ниях в равной мере касается и других видов товаров.

Указание на место производства (своего рода «географическое обозначение») включает как место изготовления этого товара, так и его специфические характеристики. Поэтому использование географического названия (указание места производства) для обозначения товара, произведенного в другом месте и не обладающего качественными характеристиками оригинального продукта, может дезориентировать потребителя и стать причиной недобросовестной конкуренции. Соглашение ТРИПС предусматривает, что государства-участники должны препятствовать неправильному использованию географических названий (указаний на место производства)

Для вин и крепких спиртных напитков соглашением ТРИПС предусмотрены более строгие меры защиты, включая и те случаи, когда отсутствует опасность дезориентации потребителя.

Возможны и исключения, в частности, в тех случаях, когда название уже защищено в качестве торговой марки или используется в нарицательном смысле. Например, название сыра «чеддер» в наши дни относится к определенному сорту сыра, не обязательно изготовленному в Чеддере. Вместе с тем любая сторона, желающая прибег-

нуть к исключению такого рода, должна согласовать этот вопрос с другой заинтересованной стороной, которая, возможно, пожелает воспользоваться правом защиты географического названия (указания на место производства). Соглашение предусматривает дальнейшее обсуждение этого вопроса в рамках ВТО, цель которого — создать международную систему уведомления и регистрации, географических названий вин.

По соглашению ТРИПС защита патентов (патенты) на изобретения осуществляется в течение не менее 20 лет. Патенты распространяются на продукты и технологические процессы практически во всех областях науки и техники. Правительства могут воспользоваться правом отказа в патентовании, если изобретение или его коммерческое использование должно быть запрещено из соображений охраны общественного порядка и защиты нравственности. Запрет на патентование может распространяться также на диагностические и терапевтические средства, хирургические методы, растения и животные (исключая микроорганизмы), а также на биотехнологические процессы производства растений и животных (исключая микробиологические процессы).

Вместе с тем защита продуктов рас-

тениеводства может осуществляться благодаря патентованию или специальной системе (например, системе правил, предусмотренной конвенциями Международного союза защиты новых видов растений). Соглашение ТРИПС определяет минимум прав, которыми пользуется владелец патента. При этом возможны некоторые исключения. Владелец патента не может злоупотреблять предоставленными ему правами, например, отказаться представить изобретенный им продукт на рынок. Соглашение предусматривает, что для разрешения таких ситуаций правительство может воспользоваться правом выдачи «обязывающих лицензий», позволяющих конкурентам производить продукт или использовать технологические процессы, предусматриваемые такими лицензиями. Но подобные меры могут быть приняты только при определенных условиях, призванных защитить законные интересы владельца патента.

В случаях патентования производственных процессов права защиты распространяются и на продукты, полученные непосредственно в результате данного производственного процесса. При определенных условиях лица, заподозренные в нарушении прав владельцев патентов, должны по решению суда доказать, что они не использовали запа-





тентованный технологический процесс.

Об информации, не подлежащая разглашению и профессиональные тайны можно сказать следующие. Профессиональные тайны и другие виды «информации, не подлежащей разглашению» коммерческого характера должны подлежать защите от посягательств на конфиденциальность и других действий, противоречащих этике деловых отношений. Для защиты такого рода информации должны приниматься обоснованные и разумные меры. Так, данные исследований фармацевтических и агрохимических препаратов, переданные государственным учреждениям для выдачи разрешений на их применение, также должны подлежать защите от недобросовестного коммерческого использования.

Отмена лицензионных контрактов, препятствующих свободной конкуренции. Владельцы авторских прав, патентов и иных форм интеллектуальной собственности могут выдавать лицензии другим лицам на право воспроизводства или копирования защищенных торговых марок, творческих произведений, изобретений, дизайнов и пр. Соглашение ТРИПС содержит упоминание о том, что условия лицензионных контрактов иногда препятствуют свободной конкуренции и распространению технологий. Соглашение предусматривает, что при определенных условиях правительства

имеют право предпринимать действия по профилактике лицензирования, злоупотребляющего правами интеллектуальной собственности. Соглашение также предлагает правительствам проводить консультации по мерам контроля за лицензированием, препятствующим свободной конкуренции.

Исходя из вышеуказанных можно сделать следующие выводы. Необходимо не только иметь законы об охране интеллектуальной собственности, но и систему надзора за их исполнением. Этой проблеме посвящен Раздел 3 соглашения ТРИПС. Соглашение содержит положение о том, что государства-члены должны обеспечить охрану прав интеллектуальной собственности в соответствии с действующим в этих странах законодательством и что необходимы достаточно строгие санкции, направленные на профилактику правонарушений. Порядок рассмотрения дел о правонарушениях должен отличаться объективностью при равном учете интересов сторон, по возможности несложным и недорогостоящим. При этом следует избегать неоправданных ограничений во времени и отсрочек рассмотрения дел. Участвующие стороны должны обладать правом направлять апелляции о пересмотре решения и просить о рассмотрении дела в суде более низкой инстанции.

**“Юрист ахборотномаси.  
Вестник юриста.  
Lawyer herald”  
илмий-амалий журнали**

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази



**Таҳрир кенгаши:**

**Ф. Э. Мухамедов** – Юристлар малакасини ошириш маркази директори, таҳрир кенгаши раиси;

**А. Х. Саидов** – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ директори, академик, ю.ф.д., таҳрир кенгаши аъзоси;

**Х. Б. Бобоев** – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ю.ф.д., профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

**А. Б. Ғафуров** – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, ю.ф.н., доцент, таҳрир кенгаши аъзоси;

**О. Оқюлов** – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси, ю.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, таҳрир кенгаши аъзоси;

**Д. У. Арипов** – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори ўринбосари, юридик фанлар номзоди;

**Т. Е. Каудыров** – Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси ректори, ю.ф.д, профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

**Элизер Ривлин** – Судьялар тайёрлаш халқаро ташиқилоти президенти, Исроил Олий суди собиқ судьяси, таҳрир кенгаши аъзоси.

**Таҳрир ҳайъати:**

**Х. Т. Маматов** – юридик фанлар доктори, доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

**Р. Р. Шакуров** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра доценти, юридик фанлар номзоди;

**Л. А. Саидова** – Юристлар малакасини ошириш маркази Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

**Б. И. Исмоилов** – Юристлар малакасини ошириш маркази Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

**Х. Одилқориев** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор;

**Ғ. Алимов** – Юристлар малакасини ошириш маркази Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

**У. Аюбов** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.н., таҳрир ҳайъати аъзоси;

**А. Мўминов** – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ЮНЕСКОнинг Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси.

**Бош муҳаррир:**  
Бобокул ТОШЕВ

**Ижодий гуруҳ  
Муҳаррир:**  
Арслон ЭШМУРОДОВ

**Саҳифаловчи дизайнер:**  
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Манзил: 100052, Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улуғбек тумани,  
Катта Дархон кўчаси, 6-уй

Ўзбекистон Республикаси  
Маtbуот ва ахборот агентлигидан  
12.03.2018 йилда 0963-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади. Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

# МУНДАРИЖА

Юристар малакасини ошириш маркази: фаолият, тахлил, натижа.....	4-7
Расулов Ж., “Мажбурий меҳнат” тушунчаси: миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий стандартлар тахлили.....	8-13
Шакуров Р., Некоторые вопросы совершенствование уголовного законодательства.....	14-17
Одилқориев Х., Инамджанова Г., Инновацион ривожланиш босқичида конституциявий тузум ва давлат бошқарувини такомиллаштириш муаммолари..	18-23
Абдурахмонова Н., Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг даъво аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш билан боғлиқ суд амалиёти: муаммо ва ечим.....	24-29
Миножиддинов А., Буюк британия қонунчилик бўйича ота - оналар ва фарзандларнинг алимент ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	30-33
Мехмонов Қ., Мутлак ҳуқуқлардан фойдаланишга доир шартномалар.....	34-38
Судья — адолат тарозиси.....	39
Исроилов Б., Таълим тизимида коррупцияга қарши курашишнинг долзарб масалалари.....	40-45
Ғаниев Н., Телекоммуникация хизматларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	46-51
Худайбердиева Г., Исроилов О., Интеллектуал мулк ҳуқуқи: миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар.....	52-55
Дадабаева Н., Сайлов кодекси – демократия кўзгусининг қонуний асоси.....	56-57
Сафаров Т., Одил судлов тизимида электрон демократияни ривожлантириш: қонун ва амалиёт .....	58-62
Темирханова Б., Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши.....	63-65
Обидов Р., Коррупцияга қарши курашиш учун барчамиз масъулмиз.....	66-67
Бегимова Н., Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар.....	68-71
Муминов А., Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш.....	72-79
Маманов И., Кўрнамакнинг кўзи очилди ёхуд уқанинг акасига ҳасад қилиб содир этган жинояти хусусида .....	80-83
Исроилов О., Юридическая природа принципов ТРИПС Всемирной торговой организации.....	84-87